

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ

ЭРКИН ВОҲИДОВ

ОДИЛ ЕҚУБОВ

ЛАТИФ МАҲМУДОВ

НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ

АБДУЛЛА ОРИПОВ

ТУРОБ ТУЛА

ХУДОЙБЕРДИ ТУХТАБОЕВ

НОСИР ФОЗИЛОВ

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА


ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ

АБДУБОҚИ ҒУЛОМОВ (р а с с о м)

УТҚИР ҲОШИМОВ



© Издательство «Еш гвардия», 1980 г.



Шеърлар,	Очерклар,
Ҳикоялар,	Таржималар,
Болалар	Адабий ўйлар,
адабиёти,	«Ёшлик» табассуми

ЁШЛИК

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

Тошкент — 1980


Е 34


Ёшлик: Шеърлар, ҳикоялар, очерклар... (Альманах) (Редкол.: Б. Бойқобилов ва бошқ.).— Т., «Ёш гвардия», 1980. № 8, 112 б.

Ёшлик. Альманах. № 8.

ББК 84Уз
Уз

НАСР ВА НАЗМ





Нусрат АБДУСАЛОМОВ

1945 йили Андижон шаҳрида туғилган. Касби қурувчи-дурадгор. У 1964 йилдан бери ўз шеърлари билан матбуотда кўриниб келмоқда.

ҒАЗАЛЛАР

* * *

Кенг фалак сайрида, хомуш, толдими, хўрсинди ой,
Ё магар танҳолигидан зорланиб ўксинди ой.
Мен чаман ичра эдим, дил хуш эди гул атридан,
Эсдими ё тунги еллар, ё нафис елпинди ой?
Ногаҳон ўт солди дилга шул кеча ул ой—санам,
Дил ёниб, очсам кўнгилким, лоқайд силкинди ой.
Термилиб моҳ оразига тўймоқ истардим, аммо
Кўрмайин дебми юзингни, қайгадир беркинди ой.
Найлайин, қолдим иложсиз, етмади оҳим анга,
Мен ошиқни маъюс айлаб қай кўнгилга инди ой.
Ойлар ўтди, бу кўнгилга солди каманд ўзга моҳ,
Кимга айлаб илтижолар, кимгадир талпинди ой.
Топдинг ўз бахтингни Нусрат, лек ҳамиша ёдда тут:
Қайга боргай тентираб ул ким-ла қолгай энди ой.

* * *


Қўлларингда, ёр, нечунким шодон ўйноқлар қалам,
Ё висол тонгида ёлғиз кўнглини чоғлар қалам.
Ошиқ ўлмак орзу эрди мен каби қошингга ул,
Тонг эмас, бул қошларингга тақдирин боғлар қалам.
Сен қалам ошиқлигин инкор этурсан, вожаб,
Йўқса зебо қошларингни нега ардоқлар қалам.
Кўрса гоҳи қошларингда ўсма рангин ўчганин,
Рашқда ёниб устихони, ўзни қийноқлар қалам,
Икки қийғоч қошларингми, ёки икки мисра шеър,
Икки қошинг дарди бирлан бағрини доғлар қалам.
Арзин айтур кечаларга ҳажри қошингдан куйиб,
Шеър битарми ёнмаса дил, субҳидам чоғлар қалам.
Тун билан йўнсам қаламни тонг кулиб айтар: «Санам,
Оқласа Нусрат юзингни, қошларинг ёқлар қалам».

* * *

Севгингни тарк этибман жононлигингни сезмай,
Дарди дилимга малҳам — дармонлигингни сезмай.
Гулшандек оразингга бебаҳра боқмай ўтдим,
Ишқим гулига, дилбар, боғбонлигингни сезмай.
Фикр ичра бевафолар тасвирини чекибман,
Кўксим аро гуҳардек пинҳонлигингни сезмай.
Хонишларингга бўлдим, афсуски, эътиборсиз,
Парвонадай фироқда сўзонлигингни сезмай.
Ўз юлдузингни излаб осмонга боқдим, аммо
Баҳтим кўкида танҳо чўлпонлигингни сезмай.
Саҳв айладим, кечиргил, ишқ оламида, Нусрат,
Умрим баҳори — нодир давронлигингни сезмай.

* * *

Шайдойи ишқ эмас, у — пахтазорлар воласи,
Меҳр ипига пайванд пахтаининг ҳар толаси.
Куй тинглаган ошиқдай, кўринг, нафис чайқалиб,
Чорлар зумрад бағрига файзиёб кенг даласи.
Қиз меҳридан ичиб сув яшнар ўктам ниҳоллар,
Япроқларин этар пок тонгнинг тиниқ жоласи.
Танғиб қизил рўмолин, пахтазорда тўкар тер,
Гул бахтидан нишона яноғининг лоласи.
Тонг кулгиси кўнибди ҳар бир олтин чаноққа,
Мадад бўлмай теримда ҳар бир деҳқон боласи.
Орзу билан яшар қиз зафар кучиб ҳамиша,
Шунинг учун юракда йўқдир оҳу ноласи.
Нусратни кўриб тонгда, шошар деманг висолга,
Шайдойи ишқ эмас, у — пахтазорлар воласи.



Аҳмад АЪЗАМ

1949 йили Самарқанд области Жомбой районидagi Ғазира қишлоғида туғилган. 1971 йили Самарқанд Давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини тамомлаган. Унинг адабий-танқидий мақолалари республика матбуотида, тўпламларда эълон қилиниб туради. Кейинги йилларда у ҳикоя жанрида ҳам машқ қилмоқда.

ОЙНИНГ ГАРДИШИ

Отаси уни ҳеч қачон урмаган, ҳатто чертмаган ҳам, лекин қаттиқроқ гапирганда, у бўйинини қисади, елкаларида титроқ туради.

Отаси у қадар, киши юрагига ваҳм соладиган ҳайбатли, девқомат эмас, ҳамма қарияларга ўхшаган оддий мўсафид, фақат бўйи баландроқ, ёши олтмишдан ошган бўлса-да, қоматини тик тутиб юради.

«Отанг илгарилари кўп қийналган, Қаримовлар хўп азоб берган, мажлисларда тикка қилиб, дўқ урган», дейди онаси, у эса отасига бировнинг тик гапиришини кўз олдига келтиролмайди. «Салоҳиддин аканглар сендай пайтларда отанг шўрлик...», дея ҳикоя қилишга тушади онаси, у жон қўдоғи билан тинглайди-ю, отасининг «шўрлик» бўлганига ишонмайди. Унингча, отаси «ўша пайтларда» ҳам ҳозиргидек, қаерга бормасин, ҳамма пешвоз чиққан, қаерга кирмасин, ҳаммиша турдан жой олган. Ҳатто Худойқул гуппи каби оғзи катталар ҳам отасининг олдига тилини тийиб қоладию...

Отаси бирон кимса билан уришмаган, сан-манга бормаган бўлса-да, қишлоқдагилар ундан ҳайиқади, ҳайиқиш аралаш ҳурмат қилади.

Унинг елкаларига титроқ югурди.

— Миянги хатоми сенинги?! Икки боғ ўт деб Булунгур ёқага борасанми? Фалокат босиб сувга тушиб кетсанг...

У бошини кўтармайди, оёқлари қалтираб кетади.

— Орзиқул бобонгнинг чайласи олдидаги ўт белга уради. Уша жойга бор! Уроққа бохабар бўл, яна оёқ-поёғингга санчиб олиб... Сени кўтариб дўхтирма-дўхтир чопиб юрмайин.

«Ўсмайди ҳам, тўлишмайди ҳам,— деб ташвишланади чол.— Рангида ранг қолмабди-я».

«Бир шапалоқ урса борми, ерпарчин бўлиб кетсам керак,— деб чўчинқирайди бола.— Отнинг сағрисига бир муштлаб, сулайтириб қўйган-а!».

— Нега оқшом яна саҳаргача ўқидинг?

— Қизиқ китоб эди-да.

— Ҳе, китобинг билан қўшиб... Қизиқ деб хонумонимга ўт қўймоқчимисан?

У ҳайрон бўлиб отасига бир қараб қўйди.

— Ухлаб қолибсан. Китобинг сурилиб, чироққа тегай-тегай деб турибди. Уйқу-сираб туртиб юборсанг, омин, оллоху акбар, ҳаммаёқ ёниб кетади. Энг биринчи ўзинг ёнасан китобинг билан бирга.

«Демак жойимга кўтариб ўтказган эканлар-да».

У ўзини бир зум отасининг кучоғида тасаввур қилди. Димоғига қарияларга хос ачқимтил тер ҳиди урилгандек бўлди. Йиғлагиси келиб, бурнини тортиб қўйди.

«Бунга ҳам қийин. Шунча мол-ҳолни бир ўзи эплайди. Тонг-саҳардан уйғотаман. Даштда бир ўзи, китобдан бошқа овунчоғи йўқ...»— Чолнинг раҳми келди, энди ётиги билан гапира бошлади:

— Бироз сени мажбурлаятими, дунёдаги ҳамма китобларни ўқийсан, деб. Дарсингни «беш»га ўқисанг бўлди-да. Эртдан кечгача Булунғурнинг лойқа сувидан чиқмайсан, оқшоми билан китобга шунғийсан.

Боланинг хўрлиги келди.—«Ахир, чўмиладинг битта мен эмас-ку».

— Нега мактабнинг олмасидан ўғирладинг? Ана, чорвоғда мева-чева тўлиб ётибди-ку. Кунинг хом олмага қолдимми! Шунақа кўзи оч бўласанми, валад!

«Булар-ку бегуноҳ норасида, ўғриликнинг маънисини қайдан билсан,— деб гашланади чол.— Бир тишлаб ташлаб юборишади. Шунга «Ҳа ундай, ҳа бундай, болани бошдан тергаш керак, бўлмаса ўғри бўлиб кетади», деб ҳовлиқганини қара. Вой доно-е! Ўзинг-ку бир институтни ўн йилда зўра битирдинг, энди одам қаторига кириб бошқаларга ақл ўргатадиган бўлиб қолдингми!»

— Иккинчи марта шунақа гап эшитсам, ўша олмага оёғингдан осаман. Бир камим сен туфайли...

У қаршилик кўрсатмайди. Йиғламайди ҳам. Отаси уни етаклаб бориб, олмага... оёғидан осади! Шунда Абдуалим келиб бир четда, ажаб бўпти, дегандек тиржаёди. Йўқ, йўқ! Ҳеч ким келмайди. У ҳамманинг эсидан чиқади. Осилиб туриб-туриб, охири, ўпкаси озсига тиқилади-да, ўли-иб қолади. Ҳамма йиғлайди. Қосим муаллим ҳам жуда пушаймон бўлади. «Отасининг бунчалар золимлигини билганимда, ўғирлигини айтмасдим», дейди. Одамлар афсус билан бош чайқашади: «Қандай аълочи эди! Қиш бўйи қирқта китоб ўқиган эди. Ҳай аттанг, бориб-бориб зўр одам бўлар эди-да! Отасининг дийдаси қаттиқ экан, шундай ўғилни-я!» Онаси ўзидан кетиб қолади. Отасининг кўзларидан дув-дув ёш оқади: «Ё парвардигор, қандай гуноҳи азимга ботдим! Урнига менинг жонимни олу тирилтириб бер! Майли ҳеч иш қилмасин, кун бўйи китобдан бош кўтармасин. Велосипед ҳам олиб бераман». У ҳаммасини эшитиб ётади. Лекин мулла «Салоти жаноза-а», дейиши билан қулоқлари чиппа битади. Урнидан турмоқчи бўлади, лекин...

— Э, сал гапга кўзингнинг сувини оқизасан. Қанақа ношудсан ўзи! Артма онгинг билан. Қара, ялтираб кетибди. Хайф-э сенга кўйлак! Семиз-семиз китобларни ўқийсан-у, бурнингни енгинг билан артасан.

«Сал қаттиқроқ гапирсанг кўзида ёши тийёр туради-я, тавба!»— дея хуноб бўлади чол.

Хуштак товуши эшитилади— Абдуалим. Чол мийиғида кулади:

— Ана, булбулчанг сайраяпти, ўтга кетдик, деб.

У бошини бурганча пиқирлаб кулиб юборади.

Чол энгил тин олади: «Ҳе, бир кун одам бўлар-да бу ҳам».

— Бормай кўя қол, шунча йўлга бир ўзинг борасанми, ўзи келади отанг,— деб уни йўлдан қайтармоқчи бўлади онаси.

— Қари одам-а! Қоронғида туртиниб юрадим. Ахир, чарчаб қоладилар.

— Чарчамайди, ҳали отдай. Қаридим деб кўрқитади-да. Эҳ-ҳе, ҳали отанг...

Унинг жаҳли чиқиб, онасига бақиради: — Бўлди-е! Ҳамма ишга аралашаве-расизми!

— Ёпирим-эй, бу кишининг оталарига ўхшаб зуғум қилишларини. Аччиқчалари бурунларининг учида туради. Яна яраим йўлдан йиғлаб қайтмагин.

— Патинкам қани, деяпман сизга!

— Ана, турибди-ку бурнингнинг тагида.

У шундоқ оёғи остида ётган ботинкасини кўрмаганига изза тортади, лекин сир бой бермай, пишиллаб кийина бошлайди. — Бир бурда нон олгин йўлга.

У энаси қотиб, онасига ўшқириб бермоқчи бўлади-ю, лекин уч қақиримлик йўлни, борадиган жойи қабристон ёнида эканлигини ўйлаб, бир бурда нонни қўйнига солади.

Юлдузлар хира ялтирайди.

Йўл олачалпоқ ойдин. Эшак бир текисда йўрғалаб бормоқда.

У ортига ўгирилиб, эшак дупуридан кўтарилган чангнинг ҳавода эринчоқ туриб қолишини кузатади.

«Чанг тупроқ орасида сиқилганидан оқариб кетган ҳавоми ёки тупроқнинг майдасими? Чангда қолганингдан сўнг тупурсанг, бурнингни қоқсанг, лой тушади— тупроқнинг майдаси бўлса керак-да.

Қоронғида ҳамма нарса жимлиб қолади-я. Қизик. Одам ҳам қоронғида кўрқайди. Ахир оқшом ҳам куёши йўқ кундуз-ку, фақат куёшнинг ўрнига ой чиқади, Бари бир эмасми?

Ойнинг нури нимадан, майда оқиш чангга ўхшаган бўёқми? Ҳавони, кўчани шу рангга бўяган. Соялар қора, чўчки уларни ойдан дарахтлар тўсган. Нега ош дарахтларни ҳам оқиш рангга бўямасин! Уларнинг яшил туси ой бўёғи остида қўлиб кетмайдими? Худди суюқ ранг сўрилгандек ялтирайди. Сояси билан қўши...

либ усти ялтирок, таги чириган, қорамтир пичан ғарамига ўхшайди. Кундузи қуёш сочган нурлар оқшом қайга йўқолади? Борди-ю, кечаси ҳам кундузгидек ёруғ бўлса-да, қуёшнинг ўрнига ой чиқиб турса. Еки ҳеч ҳам кун ботмаса. Жуда аломат бўлса керак».

Эшак тўсатдан бурилди. У эшакдан ағнаб тушай деди. Эгарнинг қошини маҳкам чангаллаб, қўрқув билан кўчага тикилди: «Нимадан хурккан экан, илонми?».

Чанга беланган думалоқ соя йўл четигадаги ўтларга томон ғимирларди: «Э, типратикан экан-ку».

Боланинг кулгиси қистади.

«Ойнинг соясига ўхшайди-я... Ой Ер билан Қуёш орасига кирганда сояси ерга тушади. Муаллим айтгани тўғри-ю, лекин сояси бунча баҳайбат? Ойнинг сояси типратикандан сал каттароқ бўлмайdimи?»

Бир марта қуёш тутилгани унинг эсига тушди. Ҳаммаёқни қизғиш қоронғилик босганди ўшанда. Онаси унинг қўлига чўп тутқазиб, «Тоғорани данғиллат», деган эди.

«Ойим қўрққан эди, мен ҳам, Абдуалим ҳам. Ушанда ҳамма қўрққандай эди. Ойнинг соясидан ҳам одам қўрқадими?»

Чоррахага келганда эшак секинлади, қулоқларини саланглатиб «хирт» этиб қўйди.

«Ҳа, жонивор-ей, қаёққа бурилай, деб сўраяпти».

У халачўпни кўтарди-ю, лекин эшакнинг бўйнига урмади, тўғрига деган маънода нўхтанинг ипини силтади. Эшак яна ўша маромда йўрғасини бошлади.

Боланинг хаёллари бояги изидан чиқиб кетди.

«Эшакка бунча катта қулоқнинг нима кераги бор, а? Одамларга ўхшаб шивирлаб сўзлашмаса. Ҳанграшини қулоқсиз ҳам эшитиш мумкин. Одам шунча товушларни эшитади-ю, лекин кулоғи кичкина. Эҳ-ҳе, ўйлаб қараса, бир-бирининг гаплари, қўшлар сайраши, машиналар гуриллаши, тракторлар тариллаши, шамол шувиллаши, араванинг ғийқиллаши, эшикнинг ғижирлаши, радио, кўшиқ... Вой-бў!»

У дафъатан уйдан чиққандан бери ҳеч нарса эшитмаётганини сезиб қолди. Ҳатто эшакнинг дупурини ҳам эшитмай келаверибди. Буни ўйлаши биланоқ атрофдаги барча овозлар шиддат билан унинг қулоғига ёпирилди: чигирткалар чириллаши, итлар ҳуриши, трактор товуши, кимдир варанглатиб қўйган ашула, узоқдаги Булунғур ариғи бандининг шовуллаши, ҳатто остидаги эгарнинг зорланиб ғичирлаши — ҳамма-ҳаммасини бирдан аниқ эшита бош-

лади. Бундан борлиқ шатир-шутур қилиб нафас олаётгандек.

У сокин туюлган сут ойдинда бунча кўп товуш борлигига шунчалар ажабландики... маълум муддат шу товушлар босими остида, оғзини ярим очганча, ҳеч нарсани ўйламасдан, барча овозлар билан бирга ўзининг ҳам пишиллаб нафас олишини тинглаган кўйи эгарда қотиб кетаверди.

Узи сезмаган ҳолда аста-секин яна хаёлга берилди.

«Ер нафас олса керак, чопиб кетаётган одамдек ҳансираб нафас олса керак. Бу товушларнинг барчаси шундан. Ҳамма нарса нафас олади. Дарахтлар ҳам зарарли газларни ютиб, кислотародга айлантириб чиқаради, деган эди Турғунов муаллим. Айтгандай, шамол — ернинг нафас чиқариши, жимлик ютиши эмасми? Ҳа, шамол — ернинг нафаси. Ой-чи, нафас оладими? Еки куйлармикин?»

У тузукроқ жавоб топа олмади. Ойдан кумушранг унсиз садолар йўл ёқалаб кетган дарахтлар чодирини узра ялтироқ из қолдирганча қўйилиб тушишини ғирашира тасаввур қилди-ю, аниқроқ фикрлашга чоғи келмади.

«Қанақа куй? Радиокарнайдан чиқадиган куйми? Унақага ўхшамайди. Ана, ойнинг ўзи радиокарнайга ўхшар экан. Нега «ой юзингни», дейишади? Ой қизларнинг юзига ҳеч ҳам ўхшамайди-ку. Мисол учун, Маҳбубанинг афти ойга эмас, тўрпаган қовунга ўхшайди. Саодатнинг бети тўла сепкил. Ойда эса сепкил йўқ.

Ҳозир бирдан шу радиокарнай — ойдан «ой юзингни шеваси...» деб қўшиқ бошланиб кетса-я! Еки қўшиқ ўрнига. «Ҳей бола, ҳадеб анграяверма!» деган бақиринг эшитилса».

Буни ўйладио юрагини ваҳм босди. Дарров «их-их»лаб, эшагини ниқтади. Эшак жадаллади. Ой ростдан ҳам бақириб юборадигандек, унга қарашга боланинг юраги дов бермади. Бироқ сал ўтмай қўрқа-писа бошини кўтариб яна ойга қаради.

Шунда... бирдан тонг қотиб қолди — дарахтлар оралаб уни таъқиб этиб келаётган ой очкиқа чиқиб муаллақ турар, туманли теграсида эса... каттакон, маҳобатли доира ярақлар эди.

Қанчалар чиройли!

Эҳ-ҳе! Худди жуда катта циркуль билан, учини ойнинг қоқ ўртасига қўйиб чизилгандек. Нега шу пайтгача кўрмади?

У ҳамма нарсани унутди.

Ой пастга эниб, жуда-жуда яқин келган, бола унга ёнма-ён ҳолда, айлана гар-

дишнинг ўртасида чайқалиб-чайқалиб сузиб кетаётгандек эди. Дунёда ой ва ундан бошқа ҳеч кимса йўқ эди.

У ойга қўшилиб кетган эди...

Тўсатдан ой мушукдек бағиллаб унга ташлангандек бўлди. У қичқиршигга ҳам улгурмай, эгардан учиб кетди — эшак шахт билан ўзини ёнбошга отган эди. Икки мушук пихиллашиб йўлни ўқдай кесиб ўтди. Чанг-тўзон ичида қолган бола бир муддат нафаси ичига тушиб, ўзига келолмай турди. Сўнгра энтикиб-энтикиб йиғлаб юборди.

«Мов бўлган мушуклар экан-ку, шунга кўрқаманми. Аҳмоқ эшак ҳуркиб...»

У ўзига ўзи таскин берди. Кўзғалган эди, ўнг бўксасида санчиқ турди: «Халачўп кириб кетмадиммикин?» Халачўп бир қадамча нарида ётарди. У ўтирганча интилганида гавдасида ҳам алланечук оғирлик туйди. Секин ўрнидан турди, оёқларини силади, бўксасини авайлаб ушлаб кўрди. Оғриқ аъзои баданига тарқалди.

Хайрият, ҳеч жойи синмапти, чиқмапти. Фақат тирсаги ачишяпти — шилинган. Одам йиқилганда туя ўрқачини, от ёлини, эшак эса туёғини ташлайди унинг остига. Шунинг учун туядан, отдан паст бўлган эшакдан ёмон йиқилади.

Эшак нариоқда турарди.

«Миниб олай, кейин кунини кўрсатаман. Ҳозир урсам қочиб кетади, тутқич бермайди».

У «иш-иш», деб эшакка яқинлашди. Эшак қочмади. У инқиллаб ўзини эгарга олдию халачўп билан эшакни савалай кетди. Эшак халачўпдан ҳимояланиб калласини оёқлари орасига тикқанча, турган жойида гир айланди. Унинг эгардан ағанаб тушишига сал қолди, ўзини ўнглаб нўхташнинг ипини силтади. Эшак тез юриб кетди.

...Ҳамма нарса йўқолди. Ой ҳам, боланинг хаёллари ҳам. Йўлнинг икки чети тут аралаш қатор толлар билан қуршалди, яна очилди.

Қаршидан қабристон ваҳимали, босиқ бир сукут билан бостириб кела бошлади. Унинг танига титроқ кирди. Отасига «Кўрқмайман, эшакни ўзим олиб бориб, сизни олиб келаман», деганига пушаймон еди.

«Ашула айтсаммикан? Лекин бу ерда, мозоратнинг олдида бақириб бўладими. Уликлар эшитиб... Арвоҳларни безовта қилмаслик керак».

У қабристонга қарамасликка тиришиб, оёқлари билан эшакнинг биқинига ниқтади. Бултур, йўқолган кўйини ахтариб юрганда, ўпирилиб тушган эски қабрда бир қора нарсага кўргани эсига тушиб, юраги

увишди. Ушанда кўзи тушган заҳоти урра қочиб қолганди.

«Соч чиримасмикан?.. Эски жой-да. Қирқ гектар-а! Кундузи унча кўрқинчли эмас-у, лекин ҳозир... Нера оқшомига ваҳимали бўлади, а? Жин-ажиналар чиқади-ми? Ажина одамнинг отини айтиб чақиради. Менинг отимни қаёқдан билар экан?.. Мен уни учратмаган бўлсам, ё у мени кўрганмикан?.. Отингни эшитсанг «ҳа», демаслик керак. «Ҳа», десанг, чалиб кетади. Мени чалмас керак. Менга тегмайди. Чунки отамнинг бобосининг отаси тегирмон тоши устида сариқ сочларини тараб ўтирган ажинани кўрқмай ушлаб олган. Ажина роса ялинганда ҳам қўйиб юбормаган. Сочини бураб қийнаётган. Охири, ажина: «Етти пуштинга тегмайман», деб қасам ичгандан кейин қўйиб юборган. Ажина шу заҳоти турган жойида йўқ бўлиб қолган. Мен бешинчи пушман. Мени ажина чалмайди. Лекин... ҳазиллашиб чақирини ҳам мумкин-да, бу болани бир кўрқитиб қўй, деб».

Қабристон ёнидаги қишлоқчага кирилганда эшак бирдан ханграб юборди. Бола нафасини ичига ютиб, эгарга қапишиб қолди. Ён томондаги дарвоза тагидан бир кучук вакиллаганча пилдираб чиқди. Кучук бола юрагидаги кўрқувни ҳам ҳуриб ташлади.

Симёночга осилган лампочкадан тушаётган нурнинг сарғиш доирасига кирганда, у қабристонга қаради. Қабристон осойишта, ваҳимаси ортга чекинган эди. Кучук ҳам бир-икки фингшиб орқада қолди. У тирсаги ҳали ҳам ачишаётганини сезди.

«Боя йиқилганимда уст-бошим тупроққа роса беланган бўлса керак».

...У Маҳмуд аканинг дарвозаси олдида эшакдан тушмай қичқира бошлади:

— Ҳусниддин, ў Ҳусниддин!

Унинг овози чийиллаб чиқди. Буни ўзи ҳам сезиб, катталарнинг товушига ўхшатиб йўғонроқ овозда яна чақирди.

Ичкаридан Шакар холянинг «Ху-ув... Ит боғлик, киравер!», дегани эшитилгач, у эшакдан тушиб, кийимларини қоқишга тутинди.

У эшикни очиб, ичкаридагиларга «Ас-салом», деб кираётганида, айвонда идиш-товоқ юваётган Шакар холянинг Робия пучуққа «Муштдай боланинг шунча йўлдан кўрқмай келганини қара», дегани қулоғига чалиниб, ғурурланиб қўйди.

— Э-э, Малла чўпон, келсинлар, келсинлар,— дея уни кўрган заҳоти Хайрулла амакиси одатдаги ҳазилини бошлади.

Отаси ҳаммадан юқорида, уйнинг тў-

рида ёнбошлаб ётарди; у кирган пайтда бир мулойим нигоҳ ташладию гапида давом этди:

— Яна ривоят қилурларким, агар сизнинг ҳамсоянгизки бўлса, унинг томига ғўзапоя босилган бўлса, айтайлик, шамол турдию бир боғ ғўзапоя сизнинг ҳовлин-гизга тушди...

«Биламан, бу ёғи: «Сизнинг шу ғўзапояни ёқиб пиширган овқатингиз — макрух».

— Акрам ака, шу ўғриликка киради-ми, кирмайди?— деб сўради Мамат меш. У ҳам ёнбошлаб ётган эди.

«Ўзи отамдан катта-ю, ака, дейди».

— Албатта киради. Яъни масалан, бориб, майдондан йиғиб, ўзингиз орқалаб келмагансиз. Унга меҳнатингиз сингмаган. Меҳнатсиз топилган бир игна бўлсинки, у — ҳаром.

У амакисининг ёнига чўкди. Амакиси унга эгилиб шивирлади:

— Эй, менга қара, йўлда роса кўрқингми?

— Нимадан кўрқаман?

— Ҳар кўзлари пиёладай-пиёладай келадиган ажина сочларини ёйиб, олдиндан чиқмадимми?

— Э-э, нима қиласиз ёлғон гапириб.

— Ёлғонми, бўлмаса, нега додладинг?

«Эшитибди-да йиғлаганимни!»

— Қачон?

— Боя.

— Йўғ-э, бошқа бировдир.

— Сенинг товушингни танимайманми! Отанг изза бўлмасин деб, индамай ўтирибман-да. Бешинчида ўқиб, ажинадан кўрқасанми!

— Ажина эмас, иккита мов мушук биғиллашиб қолди.

— Ана, кўрқибсан-ку!

«Алдаяпти. Эшитмаган, шунча жойдан йиғлаганимни эшитадими! Синаб кўряпти».

— Э-э, сиз ўзингизнинг Раҳмонингизни билинг, сал қоронғи тушгандан кейин далага чиқишга кўрқадию.

Амакиси бир зум гап тополмай қолди-да, кейин кўрсаткич ва ўртанча бармоқларини жуфтлаб унга чўзди:

— Бир-бирига ёпишиб қолиб жуда азоб берапти-да. Қани, зўр бўлсанг, шуларни очиб қўй-чи!

У амакисининг бармоқларини ажратиб қўймоқчи бўлиб қўл узатди-ю, роса чиранганидан кейин амакиси нима қилиши эсига тушиб, қўлини тортиб олди.

— Мени уялтирмоқчимисиз-а!

— Ҳа шум-эй, биласан-а.

Маҳмуд аканинг эсига бола тушиб, отасидан сўради:

— Эшон бобо, Мақсудга ош олиб келишсин?

— Э-э, қорним тўқ, уйдан шўрва ичиб келдим.

— Шўрванг йўлда тушиб қолган-да.

— Майли, зўрламанг, бу ўзи кам овқат ейди,— деди отаси.

Амакисига бу ҳам бир баҳона бўлди:

— Бу овқатнинг ўрнига ҳам китоб еса керак-да,— кейин отасига ўғирлиб давом этди.— Тунов куни қарасам, бунингиз эшакнинг устида ҳам ўқиб кетяпти.— Унга қараб қув жилмайди.— Ҳожатхонага ҳам китоб қўлтиқлаб киришинг ростми?

«Жуда ёпишиб олди-да бугун. Ўзи ҳам игнадай гапни туядай қилади-я. Ўқишимнинг унга нима оғирлиги тушибди. Отанинг гапи етмагандай, энди бу ҳам...»

— Бекор айтибсиз,— деганини ўзи ҳам сезмай қолди у.

— Э, буни қара-я, ўзидан каттага ҳам гап қайтарадим,— деди амакиси.

Отаси Хайрулла акага таъна билан қараб қўйди. Амакиси жим бўлди. Отаси салмоқланиб гапирди:

— Бунга уриш-сўкиш кор қилмайди. Билмайман, китобдан нима топган. Акалари ёшлигида пишиққина эди. Қудрат бундайлигида, бўйи бир қарич бўлиб қўш қўшарди.

— Шуни билгани тўғри,— деди шу пайтгача жим ўтирган Раҳмат ака.— Қани, бизнинг шумтакалар ҳам шундай ўқиса. Ғирт хулган. «Беш»га ўқийсанлар» деган шарт қўйиб икковига ҳам велосипед олиб бердим. Қаёқда! Бир ой ўтмасдан шалағини чиқаришди.

— Ҳа энди, боланинг ўзи қизиқмаса, қийин. Уриб-сўкиб йўлга сололмайсиз,— деди Мамат меш беғамлик билан.— Бизнинг Пирматнинг аҳволи ҳам шу — қулайини топдими, болаларни тўплаб, эшак кўп-қари қилади. Кўп эшак ҳалак, бир пўстак ҳалак.

— Ҳозир ўқимаганга қийин,— деди Раҳмат ака.— Бориб-бориб ўқимаганга иш қолмайди. Илгари тракторчининг қаватида бир-икки ой юрсанг, «Универсал» беришарди. Ҳозир тракторчиликка ҳам диплом керак. Трактор ҳайдаш ҳам қийинлашиб кетди.

Бу гап отасига ёқинқирамади:

— Уқиганлари оламини гулистон қил-яптими! Мана, биттаси Ҳайдарнинг ўғли. Худонинг бериш куни оғзида папирос, тагида матасекл, санғигани-санғиган. Қим бир пиёла қўйиб берса — ўшанга жўра. Ун йил мактабда ўқиди, ун йил шаҳарда тентираб юрди. Ўрганиб келгани — арақ-хўрлик.

Отаси Қосим муаллимни ёмон кўради. У ўн йил эмас, етти йил ўқиган шахарда. Уч йил армияда бўлган. Бир йил синфидан қолган шахарда ҳам, Рост, яхши дарс беради-ю, лекин кўп ичади.

Мамат меш аянчли илжаиди, Ҳайдар новвой унга қариндош.

— Акрам ака, Салоҳуддин кам кўри-нади, юрибдими эсон-омон?

Отасининг юзи тундлашди, кенг пешонасидаги ажинлари чуқурлашиб, яна ёзилди.

— Билиб, билмасликка олиб гапирасиз-а, Мамат ака.

— Энди сўрашман-да, Акрам ака,— деди Мамат меш.— Ҳар на қилса-да, ўғлингиз.

— Ўғил?! Бунақа ўғилнинг боридан йўғи яхши!— деди отаси.— Не-не азоблар билан ўқитдим. Қандай оғир йиллар эди! У бўлса, ўқишни битириб келиб, муаллимлигини бошлагач, нима дейди денг: «Ота, диндан кечасиз. Нима қиласиз йўқ худога ишониб...»

— Ҳа, энди нодонлик қилган-да,— деди Мамат меш бепарволик билан.

«Жўрттага сўради. Отамнинг ҳамма сирларини билади-да. Қосим муаллим учун аламини оляпти. Тўри гапиришга кўрқади».

— Нодонлик?! Айтган гапини биласизми? Мен диндор бўлганим учун у киши катта амалларга кўтарилмади қолган эмиш. Уялмай-нетмай ўзимга шундай деган...

«Қачон айтган экан?»

Акаси айтга келганда уни ёнидан жилдирмайди. Отаси гапирмаган пайларда у билан ҳазиллашиб ўтиради. Бир куни акаси нимагадир гўрковлар ҳақида сўзлаб, «Шекспир деган ёзувчи ўтган, унинг асариди гўрковлар жуда зўр ёзилган», деди. Отаси индамади. Акаси яна бир-иккита шунга ўхшаш гапларни айтаётганда, отаси жаҳл билан «Тўхта!», деди-ю бирдан баланд овозда тожикчалаб бақира кетди. У ҳеч нареа тушунмай гоҳ отасига, гоҳ акасига ҳайрон боқиб, уларнинг тожикчани билишига ажабланар эди. Бир маҳал отаси унга «Бор, ўйна», деди. У ҳовлида нима қилишини билмай гангиб юрди. Сал ўтмай акаси чиқди. Унинг ортидан отасининг «Ҳе, Шекспулинг билан қўшиб...» деган сўкиниши эшитилди. Акаси аянчли илжайиб унинг ёнига келди ва «Бобой ёмон қарияпти-да», деб ғудранди.

Унинг томоғига алланарса тикилди, эзилиб кетди, акасига раҳми келди.

— Ҳозир-чи? Бошларида соябон шапка, оёқларида йиртиқ батинка, илинган магазинчининг устидан ёзади, юлғич, мут-

тахам, деб. Бешкападаги Абдулланинг ўғли шунинг дастидан қамалиб кетди. Шерқулнинг тўйига борганимда хотини олдимга бешта боласини етаклаб чиқди. Ер ёрилмади, ерга кирсам. Ўғлим, кўй шу ишингни, одамларни қон қақшатма, дедим. Қилмади.

Мамат меш кўрқа-писа чолга қараб қўйди-да, яна дастурхонга тикилиб олди. Маҳмуд ака дастурхоннинг сочиғини ўйнаб ўтиради. Амакиси бошини қўйи осилтириб миқ этмасди.

— ...энди аспарантурами, паспарантурами деган катта ўқишга кирармиш. Бундай тананга ўйлаб кўр, тўртта боланг бор, ёшинг ҳам қирққа борди. Олим бўлиш осонми, бунинг учун ўн-йигирма йил умр керак. Эллик-олтмишга кириб олим бўлганимда элга қандай қаромат кўрсатардинг! Шундай деб насихат қилсам, мен тўрт йилда диссертация ёқлайман, деб ғудинглайди...

У амакисига термилди. Қани энди, амакиси бошини кўтара қолса!

— Ҳа, ўғлим, мана, Каримбойнинг ўғли Самарқандда ўн беш йил ўқишининг орқасидан қувиб, энди олим бўлди. Нурмат керосинфурўшининг ўғли урушдан қайтгандан бери институтда дарс бериб, энди дўхтир бўлди. Сен эртадан кечгача газетда ишлаб, кечқурун бола-чақанг билан ўралашиб, қандайга тўрт йилда олим бўлиб қоласан, десам, кўрасиз-да, дейди...

У отасининг энди анча гапиришини ўйлаб сиқилиб кетди. Ҳеч ким отасига қўйинг шу гапни, дея олмайди-я!

— Колхозга раис бўл, дейишса, кўнмабди. Нима, олим бўлмаса, нон тополмай қоладими. Қишлоққа кел, раислик ёқмаса, мактабга мудирлик қил, халққа аралаш-да, ахир, қачонгача тентираб юрасан, менга ёрдам бермасанг ҳам, одамларга фойданг тегар-ку десам...

Ниҳоят амакиси унга қаради: «Бир нарсга деб, отамни тўхтатсангиз-чи. Акам сизга ҳам қариндош-ку!» Амакиси тушунди шекилли, кўзларини олиб қочди.

— ...Аччиғим чиқиб кетди. Тур, йўқол, иккинчи эшигимга оёқ босма, қаёқда, сангиб юрган бўлсанг ўша ёққа жўна, деб...

— Амаки, қўйсангиз-чи, шунақа гапларни. Уйдаги можарони нима керак кучада дoston қилиб...

— Э-э, сен жим ўтир! Мен қўйиб қолганимдан гапиряпман. Одамлардан яширадиган сирим йўқ. Ҳамма кўриб-билиб ўтирабди. Қачонгача яшираман?! Пушти камаримдан бўлган болам тугул, мени яратиб қўйган бўлса ҳам, бетига айтаман.

Менга гап қайтариб валдирайсан-да, ўзинг унга бир оғиз насихат қилолмайсан.

— Мен нима дейман унингизга? Бир нарса десам, сиз тушунмайсиз, унақа эмас, бунақа деб ақл ўргатади. Сигирларнингни семиртириб сот, бошқа ориқроғини олиб, уни ҳам семиртир, каттароқ оғил солиб, молларнингни кўпайтир, дейди. Ҳанги эшагининг бурнини тилсанг, чарчамайди, қаттиқроқ ҳанграйди, деб кулади. Билдингизми! Шундай деб калака қилиб турган одамга мен нима дейман?!

— Ана, кўрдингми! Бу дегани тезака қоришиб, оғил тозалашдан бошқасига ақлинг етмайди, деган маънини билдиради. Уздан бошқани одам санамайди-да! Осмонда юради у, осмонда!

Отасининг қўли бир зум ҳавода қотиб қолди. Бола чўчиб кетди.

— Ердагиларни оёғининг учи билан кўрсатади. Сен нима деб юрибсан ҳали. У ўзини прापесир санайди. Ҳамма аҳмоқ, у доно! Ҳамма онадан турилган бўлса, у осмондан оёғини осилтириб тушган.

Маҳмуд ака чўнтагини тимирсилаб, носқовоғини олди. Носқовоқнинг орқасига кўрсаткич бармоғи билан секин-секин уриб, бошини орқага ташлаганча, нос отди. Амакиси имо билан носқовоқни сўради... Отаси жимиб қолди. Орага оғир сукунат ёққди.

— Ё пирим-эй! Уф-ф,— дея ёнбошлаб ётган Мамат меш оғир чайқалиб чордана қуриб ўтирди, қорни алмаштирилган оёқларига босилди.

— Хайрулла, носқовоқни ташла бу ёққа!

Отаси ҳам нос чекди. Яна ҳамма жим қолди.

— Эй, бу дунёда қурт бўлсин, қумурсқа бўлсин, ризикини топади,— деб гап бошлади Мамат меш кутилмаганда.— Қимирлаган жон борки, ўз ташвишида. Ҳар кимнинг ўз насибаси бор. Мана, ёшимиз етмишга борапти. Инқилобни кўрдик, босмачини кўрдик,— ҳаммасини кўрдик! Қулоқ-қулоқ деган замонларда яшадик. Мол-дунё кишига вафо қилмайди. Олим-хўжабойнинг минг қўйи бор эди. Кўчага чиқсалар тағларига саман от, атрофларида ўн-ўн беш муридлари. Ана ас-асаю, мана дабдаба! Нима бўлди? Қулоқ бўлиб дом-дараксиз кетди. Урушни кўрдик. Қирқ иккинчи йилдаги қиш шундай совуқ бўлдики, шундай совуқ! Э, Акрам ака, бу Расиянинг совуғи ёмон бўлар экан. Оёқ-қўлдан ажрალიшимга сал қолган. Қулоғим ҳалиям сал иссиққа қичишади.

Негадир амакисининг кулгиси қиёстаб қолди. Билдирмаслик учун мўйловининг

учини бурай бошлаганда, кўзлари чақчашиб кетди.

— ...Бировни ака, дедик, бировни ука, ишқилиб, бола-чақани оч қолдирмадик. Ҳозир замон яхши, жуда яхши бўлиб кетди. Садағанг кетай, нима арзон—нон арзон. Қайси уйга кирманг, радиё... Одамлар кирини ҳам мошинда ювади. Тавба, шу кир ювадиган мошинга қаттиқ еолиб, тугмасини боссанг, сариёғини ажратиб берар экан-а! Эй, бу одамларнинг усталлиги...

«Бир нарса демоқчи бўлса, гапни айлантириб, охирини йўқотиб қўяди. Аввал қурт-қумурсқа, кейин инқилоб, Олим-хўжабой, уруш, қимматчилик. Энди кир ювадиган машинага ўтиб кетди».

— Хайрулла, кечаги ойликда неча сўм олдингиз?— деб сўради Мамат меш дабдурустан.

— Тўт юш шўм,— деб жавоб берди амакиси оғзида нос борлиги учун соқовланиб.

— Шу сувчилик ҳам сердаромад ишда. Нима дедингиз, Акрам ака?

Отаси индамади. Мамат меш гапида давом этди:

— Пулни йўқотманг. Бозор кунини ўзим бир яхши сигир олиб бераман.

Амакиси гиламни қайириб носини туфлади, кафти билан оғзини артди.

— Борини эплаб олай-чи. Болалар телевизор олиб беринг, деб гаранг қилишяпти.

Шу пайт отаси кўкрак чўнтагидан занжири узун соатини чиқарди:

— Соат ҳам ўн бирдан ўтибди, Мамат ака. Гап сотиб ўтиришимиздан фойда йўқ. Турайлик. Қани, омин...

Мамат меш ўрнидан зўрға қўзғалди. Сал эгилган қўйи қулочини кенг ёйиб, белбоғини айлантириб эша бошлади.

Маҳмуд ака Мамат мешнинг, бола ўзининг эшагини етаклаб келди.

Мамат меш айилни қайтадан, қаттиқроқ тортиди.

«Шундай катта қорни билан эшакка қандай қилиб минар экан?»

Мамат меш анча вақт каловланиб турди-да, охири:

— Маҳмуджон, қўлтиқдан олмасангиз...— деди хижолатомуз.

Маҳмуд ака ёрдамга шошилди. Мамат меш «Ё пирим!» дея бир амаллаб ўзини эгарга олди, эшаги, бели майишиб, гандираклади.

Маҳмуд акадан ибрат олган бола отасига қумаклашмоқчи бўлди, лекин улгурмади. Отаси узаңгига оёқ тираб, эгар-

га енгил ўтирди. Бола айланиб ўтиб отасининг бу оёғига ҳам узангини тўғрилади.

— Қўлимдан ушла,— деди отаси,— энди оёгингни оёғимга қўй!

— Оёгингиз қайрилиб кетмайдими?— деди бола отасининг оёғига оёқ босишга юраги белламай.

— Қўявер, икки пуд келасанми, йўқми,— деди отаси. У отаси айтгандай қилди.— Ана шундай, қўлимдан маҳкам ушла. Қани, ҳа!

У отасининг қўлига осилиб чиранди, гавдасини ердан узолмади. Отаси унинг елкаси оша қўлтигидан тортгандан сўнг эгарнинг орқасига миниб олди.

Маҳмуд ака, Раҳмат ака хўшлашиб қолдилар.

Улар бир муддат жим кетдилар.

Амакисининг оёқлари ерга тегай-тегай дейди; дароз, бўлала одам бўлса-да, эшаги чоғроқ, эгарига узанги ҳам йўқ.

Мамат меш гап бошлади:

— Маъракаси тузук ўтди. Одам ҳам яхши келди. Оши ейишли бўлибди. Қурбон яхши ошпаз-да. Лекин қирриқроқ.

Отаси индамади. Амакиси чўзиб эс-нади.

Енгил шабада турди. У жунжикиб отасига яқинроқ силжиди, унинг елкасидан қуйироққа бошини қўйди, юзи ишқаланаверганидан фаши келиб, яна орта сурилди.

«Бу бобойлар ёзда ҳам чопон кийишадими-я, иссиқлаб кетишмайдими?»

Қабристондан дарахтлар шарпаси қорайиб куринди. Бойўғли қичқирди, аллақандай куш питирлаб қанот қоқди, яна жим бўлди.

— Мамат ака,— деди отаси,— эртага Орзиқулни кўриб келайлик.

Мамат меш эшагини халачўп билан бир тушириб қолди. Жаҳли чиқиб сўкинди.

— Эрталаб Ўсарни кўрувдим,— деди яна отаси унга парво қилмай,— Қора новоси билан ғунажинни бозорга олиб чиқар экан. Бирон гап бўлса, шошилиб қолмай, деяпти.

— Йўғ-э,— деди амакиси ташвишланиб,— ўтган кунни борганимда дуруст эдику! Бир соатча хангомалашиб ўтирдик. Овқати ҳам яхши эди. Бир коса шўрва ичди.

— Омонат-да, айти бўладими. Аҳволи ёмондирки, Ўсар йиғиняпти. Ақлли бола, сезмаса, билмаса, бекордан-бекорга ҳовлиқиб, менга маслаҳатга келмасди. Бугун боришга вақт йўқ эди, эртага борайлик. Чошгоҳда уйга келсангиз, Эшмурод билан Қодир акани ҳам олиб бирга ўтамиз. Уларга тайинлаганман.

Мамат меш оғир сўлиш олди, индамади.

— Мамат ака,— деди отаси.

— Узларинг бораверинглар,— деди Мамат меш.— Эртага уста чақирганман, ёнида бўлмасам, бир ўзи эпполмайди.

— Қўйинг, важ-карсон қилманг. У ёқда биров...— Энди отаси қаттиқроқ гапирди.— Илҳақ бўлиб ётибди бечора! Неча йиллик ошначилигингиз бор. Сизни деб қамалиб кетишига сал қолган...

Мамат меш индамай кетаверди.

У Орзиқул бобони яхши кўради: ҳар гал учратганида Орзиқул бобо «Ассалому алайкум!», деб қизартиради. У эса сал яқинроқ келсин, кейин салом бераман, деб улгуролмай қоларди. Чол уни калака қиларди: «Э, эсингиздан чиқиб қолдими? Отангиз берган тарбия қани? Муаллимларига бориб айтамиз-да, энди». У «Мен салом бергунча ўзингиз шошилиб...» дея тутилиб қоларди. Шундан кейин у Орзиқул бобо кўчанинг нариги бошида кўриниши биланоқ «Ассалому алайкум!», деб қичқирадиган бўлди. Бироқ Орзиқул бобо ўзини эшитмаганга олиб индамай кетаверарди. У қайта қичқиради. Чол пешанасига қўлини соябон қилиб томгами, ёки бирор қизиқ нарса кўргандек, ергаги тикилиб яқинлашар эди-да, бирданига «Ассалому алайкум!», дер ва «Ва-алайкум ассалом!», демайсизми, ўғлим», деб, унга ажабланиб боқар эди. «Сиздан олдин салом бердимку, ахир», дея ййлағудек хуноб бўларди у. Орзиқул бобо аччиқланарди, «Муаллимингизга бориб, Мақсудвойга одоб ўргатмабсизлар, деб айтмасамми», деб пўписа қиларди. У бир кунни онасига арз қилди. Онаси «Бобонг сени яхши кўрганидан ҳазиллашади-да», деб қўя қолди.

Энди шундай яхши киши оғир касал бўлиб ётибдию Мамат мешнинг уни кўришга боргиси йўқ.

У отасини Мамат меш нима учун «ака» деб иззат қилишини бирдан тушунди— отаси укасига гапиргандек, ўздан кичик одамни кўндиргандек баландда туриб, мулоийм овозда гапирар эди:

— Хўп, қизиқ одамсиз-да, Мамат ака, ичингиз тор. Уша гапни ҳалигача кўнглингизда сақлаб юрибсиз. Қўйинг, ўтган ишга салавот. Беш кунлик дунё— тўрт-бешта бобой қолдик. Сиз ҳам, маня, етмишни қоралаясиз. Энди нариёғини ўйланг, майда-чуйда гапларни эмас. Кўнглини кенг қилинг, кенг. Ҳақимиз қолмади, энди бу дунёга устун бўлмаймиз.

Мамат меш яна оғир сўлиш олди.

Чорраҳага етиб келдилар. Мамат мешнинг йўли бошқа, у эшагини бурди.

— Тонг отсин-чи, худо бир йўл кўрсатар. Яхши боринг, Акрам ака! Айтгандай,— Мамат меш эшагининг жиловини тортди (қишлоқда фақат унинг эшагига юган солинган).— Иш-ше, сабил қолгур! Хайрулла, келаси бозор Шеркўрғонга борамизми? Ола сигир жуда чимхўр чиқди, қурийтиб келмасам. Сиз ҳам новвосингизни сотмоқчи эдингиз-ку. Актамнинг мошини билан кетамиз.

— Мен сўймоқчи эдим,— деди амакиси.— Кейин, Шеркўрғонда қорамолнинг нархи пастроқ, ютқизасиз.

— Йўқ, йўқ. Кеча бозор Усмонлар бориб келишибди, яхши экан.

— Ҳай, кўрамыз-да. Ҳали вақт кўп-ку,— деди амакиси дудмал қилиб.

— Бирга борсак яхши бўларди-да,— деди Мамат. меш.— Ёнимда турсангиз, ҳар ҳолда нафингиз тегарди. Яна бир ўйлаб кўринг.

...Улар йўлда давом этдилар.

— Борармикин?— деди амакиси.

— Боради,— деди отаси ишонч билан.— Орзикул ётиб қолгандан бери нима қилишини билмай, имога маҳтал бўлиб юрибди. Тўғри кириб бораёй деса, бўйни ёр бермайди. Бировнинг юр-юр қилишини кутади. Сиртдан шундай кўрингани билан, ўзи ёмон одам эмас— ҳозир тихирлик қиялпти, кўрасан, эртага бориб, Орзикулнинг олдида кўз ёш тўкиб ҳам олади...

— Ҳали ҳам ўша аразими?

— Ўша. Туриб-туриб нашо қилади одамга— битта шопулбоп теракни деб эт билан тирноқдай икки жўра сан-манга бориб қолишган-а! Сўраганда Орзикул ҳам бера қолмаган, бу ҳам қўлини силтаб, бир гапдан қолмаган. Оғзи бепаравуз одам.— «Тобутингизга насиб қилсин», деган. Эртасига ярашиб кетишлари ҳам мумкин эди-ю, лекин орага бир-икки гап етакловчи тушиб...

Ой жуда-жуда баландда, нурли гардиши ичида лоқайд сузиб борар, ердаги икки кишининг суҳбати бир маромда, те-варак-атрофга, товушларга алоқасиз бир тарзда давом этар эди.

Бола ойча тикилиб, унинг икки соатча олдин қанчалар сулув кўринганига ажабланиар эди.

Ҳар ҳолда теграсидаги доира қайдан пайдо бўлади?

— Ота,— деди у юрак ютиб.

Отаси унга эйтибор бермай гапида давом этди. У яна такрорлади:

— Ота!

— Нима дейсан?— деди отаси гапи бўлинганидан норози бўлиб.

«Уришиб берса-я».

— Ҳу, ойнинг атрофидаги доира қайдан пайдо бўлади?

Отаси бошини кўтариб ойга, сўнгра амакисига қаради, кейин койиб берди:

— Бола деган гапни гапга кўшиб, катталар сўзлашганда аралашмайди, жим туради.

У ноўрин савол берганидан изза бўлди. Амакиси буни сезди шекилли, ўзига яқин олиб, изох берди:

— Ҳеч қаердан пайдо бўлмайди, ой кўтонлаган-да.

— Кўтонлаган?!

— Кўтонни биласан-ку. Шу кўй қамаладиган кўтонни.

У осмонда ўтлаб кетаётган хўппа семиз, дум-думалоқ, оппоқ кўйни тасаввур қилди: юлдузларни битта-битта чимдиб боради, кўтони ҳам у билан бирга силжийди.

Отаси оппоқ кўйлақда, кўрпача узра ерга қараб узала ётди-да, унга:

— Қани, Саидмақсуд, бир елкаларни босиб кўйинг, ўғлим,— деди.

У тўлқинланиб кетди: отаси ундан мамнун бўлган, уни яхши кўрган чоғлардагина сизларди.

У эҳтиёткорлик билан отасининг белига оёқ босди.

— Чиқаверинг, чиқаверинг!

Сўнг деворни ушлаб, ўнг оёғини ҳам кўйди. Қалтираб кетди. Жуда баландликка чиққандай, йиқилиб тушса, суякларига-ча майда-майда бўлиб кетадигандай туюлди.

— Энди аста-секин юқорироққа юринг.

У авайлаб қадам босди. Оёғи отасининг салқинган териси билан тойрилганда, тўхтаб қолди. Отасининг суяклари қисирлади. Унинг кўнгли алланечук бўлиб кетди.

— Бир жойда тўхтаб турманг-да.

У, тиззалари дир-дир титраб, яна юрди.

— Чап елкамини босинг!

Отасининг суяклари яна қисирлади.

— Энди ўнг елкамини.

У деворга икки қўллаб суянди. Тиззаларидаги титроқ пасайди.

— Энди икки елкамининг ўртасини.

Отаси жуда баҳайбат, паҳлавон одам туюлди унга.

«Уч юз килолик той пахтани елкасига олиб юз қадам юришдан гаров ўйнаб, ютган. Менинг оғирлигим нима бўлибди».

У дадиллашиб бир текисда майда қадам ташлаганча отасининг кифтида уёқ-

буёққа бориб кела бошлади. Отаси роҳатланиб, бир неча марта уҳ тортди. «Барака топинг!»— деб алқади.

Дунёда ундан бахтиёрроқ одам йўқ эди.

— Ҳа, ана шундай!

Онаси чой кўтариб кирди.

— Кўп яшанг, ўғлим! Туш энди.

У чироқни ўзига яқинроқ суради, лўлаболлишга кўрагини босиб, китобини очади.

«Орзикул бобо ўлса, Усар ака жуда қийин кунга қолади-да. Одам қандай қилиб ўлади, а? Жони қаеридан чиқиб кетади? Нариги дунёда жуда ёмон бўлади-ку! Оқшом, мазоратда бир ўзи... Ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Чикай деса устида қалин тупроқ... Мункар-накир келади... Уҳ-х, қандай кўрқинчли!»

У китобнинг навбатдаги варагини очаетганда, ҳеч нарса ўқимаётганлигини сезиб, яна қайта бошдан ўқишга тутинди.

«Отам ҳам қарияпман, дейди. Қарий-вериб-қарийвериб, охири ўлиб қолса-я! Йўқ, отаси ҳали бақувват. Бугун ўзи кўрқди, бўлмаса, кифтида ўйин тушса ҳам отаси парво қилмас эди. Шундай кучли отасининг ўлиши мумкин эмас. Отаси ўлмайди, сира-сира ўлмайди. У ҳам ҳеч қачон отасини ташлаб, шаҳарга кетмайди. Мактабни битиргандан кейин шаҳарни роса томоша қилиб, кўп китоб олиб қайтади-да, умрининг охиригача отасининг ёнида яшаб, унга хизмат қилади, дуосини олади. Отаси билан бирга қарийди. Акаси нотўғри қилган. Нега у отасини соғинмайди, а? Ҳар кун отасини кўрмай яшашга қандай чидайди? Отанинг қарғишига қолган одамнинг иши ўнғмайди. «Ота қарғиши — ўқ», дейди онаси. Мана, энди қандай қилиб олим бўлади? Ҳамма ҳайқадиган, ҳурмат қиладиган отасини қандай ташлаб кетиш мумкин! Қарий-қарий, охири мункиллаб, ўрnidан биров қўлтиғидан олмаса туролмайдиган, эшакка ўзи ми-

нолмайдиган бўлиб қолса, уни ким боқадил? Акаси шуни ўйламаган-да. У отасини...»

...У оқ қўйга миниб олиб, кўзларини қамаштираётган гардиш деворнинг эшигини ахтаради. Оқ қўй эса тихирлик қилиб юрмайди, бир жойда қотиб тураверади. Пастда отаси қўлини пахса қилиб қичқиради: «Миянғ хатоми сенин! Нега ойга миниб олдинг? Яна йиқилиб тушиб бошимга бало орттирма. Сени кўтариб дўхтирма-дўхтир чопиб юрмайин. Яхшиликча туш, деяпман, бўлмаса олмага оёғингдан осман». Отасининг ёнида Орзикул бобо қотиб-қотиб кулади: «Ана холос! Бизни пулисиротдан ўтказиб қўядиган қўйни миниб олибсиз-ку! Муаллимингизга бориб айтмасамми». Мамат меш эшагидан тушмай, отасига таскин беради: «Қўйинг, индаманг, боланинг ўзи хоҳлаб тушмаса, мажбур қилиб бўлмайди. Кўп ўқиган-да. Ўқимаса ойга чиқармиди». У ҳадеб яраклаётган гардиш деворнинг эшигини ахтаради, девор эса унинг кўзларини қамаштиради, эшиги эса кўринмайди. Оқ қўй ҳам тихирлик қилиб жойидан силжимайди. У қўйни халачўп билан уради, қўйнинг жунлари оёғига ўраллашиб қолади. Бирдан димоғига ачқимтил ҳид уриладию... учиб кетади. Отаси эса негадир мулојим овозда гапириб қолади: «Ҳа, нодон бола-я, яна чироқни ўчирмабди...»

— Ҳа, нодон бола-я, яна чироқни ўчирмабди. Уйқусираб туртиб юборса борми!

Чол ориққина ўғлини авайлаб кўтаради. Ўғли қучоғида уйқусираб чўчиб тушди, алланарса деб ғудранди. Чол ўғлини жойига ётқизар экан, меҳри ийиб кетди.

«Ҳали қирдай йигит бўлади. Ужарлиги ҳам, аччиғи ҳам — ўзим. Акаларидан кўрмаганимни шундан кўраман».

Чол ўғлини ҳеч қачон урмаган, ҳатто чертмаган ҳам. Фақат муштдай бошидан бу қадар кўп китоб ўқий бошлаганига ташвишланади, холос.



Мақсуд БЕКЖОНОВ

1961 йили Хоразм областининг Гурлан районида туғилган. Ҳозир Москвадаги М. Горький номли адабиёт институтининг I курс талабаси.

ҚУЙИЛАР ЮРАҚДАН ТУЙҒУЛАР — ШАФФОФ...

БАҲОР ФЕЪЛЛАРИ

Чирилдоқлар тинчиб қолдилар,
Тунни қуршаб олди сокинлик.
Қушлар ҳам уйқуга толдилар —
Сукунатга ўтди ҳокимлик.

Фақат майин шабада эсиб,
Теракларни солади гапга.

Терак унинг гапини кесиб.
Сирли шивирлайди қулоққа.

Шивирини эшитмоқ учун,
Шабада ҳам тўхтайди бир зум.
Қулоғига бериб бор кучин
Қулоқ солар.
Терак эса жим.

КУКЛАМ ЁМҒИРИДАН СЎНГ

Осмоннинг ювилган, тоза юзида
Аста пайдо бўла бошлар камалак.
Осмондай ювилган гуллар устидан
Уча бошламоқда оппоқ капалак.

Юракка ҳам ўтар ногоҳ бу ёмғир,
Қуйилар юракдан туйғулар — шаффоф.
Шунақа пайтларда ёзмаслик оғир,
Туйғуни ёзмаслик, ёмғир ювган соф.

* * *

Бу қанақаси,
Роса икки кун бўлди, қуяди ёмғир.
Ҳолбуки баҳор,
Куз эмас, ахир.
Вақтида ёғса ҳам майли эди-я,
Нақ экин вақтига тўғри келади?!

Ҳали табиатнинг бу саховатин
Пахтакор лаънатлаб, қанча елади!
Нима қилганинг бу, қодир табиат,
Ҳозир нима зарур бўлибди жала?
Роса эзилди-ку ёмғирларингдан,
Пахтакор деҳқоннинг юраги, дала.

ТУШ

Учяпман тераклар, толлар устидан,
Кўзлайман тушишни ерга — беҳуда.
Осмондан — самовий нигоҳлар билан —
Гўзал кўринаркан қишлоғим жуда.

Онам ҳам кўринди, маъюсроқдай сал.
Мана, кўрдим. Ҳозир унга етаман.
Лекин, эвоҳ, унга қўл чўзган маҳал
Бехос шабададан учиб кетаман.

* * *

Янги йил келяпти — умидлар йили,
Катта умидлар бор бу янги йилдан.
Гўё орзуларнинг жамики ғови
Соқовдай ғулдираб қолади тилдан.

«Эртага янги йил» деган куни биз
Орзиқиб кутамиз бўлишини кеч.
Фақат ўйламаймиз шу эски йилнинг
Бир йил аввал янги бўлганини ҳеч.

* * *

Боғдаман.
Хаёлни тўзғитиб
Булбул сайради,
Илҳомни «чўчитиб»
Роса яйради.

Хунобман.
«Чўчиган» илҳомни излаб.
Булбул ҳам хижолат,
Сайрар, мулойим
«Сиз»лаб.

* * *

Ўзимга душманлик сезиб мен Тунда
Вужудимга ўзим қўрқув соламан.
Гоҳида ваҳима зўр келар, шунда
Деразам кўзларин ёпиб оламан.

Лекин юрак бундан сиқилар баттар,
Қафасга тушгандай тутиб ўзимни.
Кейин... бари бир мен Вужудни енгиб,
Туннинг кўзларига тикдим кўзимни!

* * *

Зилдай сукунат,
Хонадаги барча жиҳозлар,
Жумладан, мен ҳам
Қапишиб қолганмиз бу оғирликдан.
Фақат жасур соатгина
Сукунат бағрини тилимлар.
Унинг кичкинагина,
Ўжар миллари
Тинмай олдинга имиллар.

Шунда сукунатнинг ёриқ бағридан
Менга азиз бўлган юзни кўраман.
Сочлари кумушдай вақт қаҳридан,
Маяюс юзларида йилларнинг изи.
Соғинчга томоғим тўлар лиммо-лим,
Хўрсиниқ ҳам келар ўхшаб бир тошга.
Оғир хўрсиниқдан менинг соғинчим
Айланиб кетади қайноқ кўз ёшга.

ҚИШНИНГ БИР КУНИ

Осмоннинг ичи нечун қоп-қора бу кун,
Ҳасаддан қовоқ уйиб, хўмраяр ерга.
Аралшиб кетди-ку кундуз билан тун,
Булутлар югуриб, ботишди терга...

Осмон оқлигини ўзининг бутун
Ерга қор шаклида берган ва энди,
Турар, ўз дўстига эрмагин бериб,
Кейин ҳасад қилган бола сингари...

* * *

Бир сатр ёзолмай термилмоқдаман,
Дафтаримнинг оппоқ, рангин бетига.
Қадалган бўлса-да унга нигоҳим
Хаёлим учади олам четига.

Борлиқни тушунмай қоламан баъзан:
Ғалати туюлар ўзимнинг отим.
Тасаввуримга ҳеч сиғдирилмайман
Олам яшашини — сўнса ҳаётим!

* * *

Осмон пастак бўлиб қолган бир кунда,
Она, хаёлимда бўлдинг намоён.
Осмонни қоплаган булутлар шунда
Элтиб ташламайди мени сен томон.
Ташқаридан тинмай эшитилади
Сайёҳ булутларнинг қадам товуши.



Клара БОЗОРОВА

1959 йили Бухоро областининг Қизилтепа районида туғилган. Ҳозир ТошДУнинг журналистика факультетида билим олмоқда.

ТУТАШАДИ БИР ЮРАККА БУ ЙУЛЛАР...

* * *

Осмон қушларидан воз кечолмайди,
Қушларсиз яшамоқ душвор осмонга.
Мовий шуълаларнинг оғушларида
Қушчалар бир эртак сўйлайди унга.

Сирли эртақлардан ором олади,
Қушлар меҳри билан яшайди осмон.
Қушлар парвозини кўролмаган кун,
Мовий рангларидан айрилар осмон.

* * *

Утиб кетди сўнгги йўловчи,
Битта-битта сўнди чироқлар.
Йўллар ҳамон кимнидир кутиб,
Уфқларга интизор боқар.

Гўё шу дам уфқ бағридан
Уша кимдир чиқиб келади.
Кута-кута уйғоқ йўлларнинг
Кўзлари тонг бўлиб қолади.

* * *

Сокинлик борлиқни аллалай бошлар.
Шовқинлар шаҳарни ташлаб кетади.
Кимнидир уйқунинг сеҳрли кўли
Тушлар оламига бошлаб кетади...

Кимнидир қийнайди кимсасиз йўллар,
У тундан умидбахш бир нидо излар.
Эртанги кун бўлиб олис-олисда
Туғила бошлайди оқ-ойдин излар.

КУЗ

Уфқларга сингиб кетди
Сўнгги йўлчи қуш.
Осмон эса кўз ёш тўкди.
Хўрсиниб беҳуш.

Секин-секин хира тортди
Қуёш кўзлари.
Сўнг айрилиқ рангин олди,
Япроқ юзлари.

* * *

Қалдирғочлар айланишди сўнг бора,
Сен улардан кўзларингни узмадинг.
Ёнингда мен борлигимни сезмадинг,
Қалдирғочлар айланишди сўнг бора.

Шу лаҳзада сенга дунё тор эди,
Қалдирғочлар бўзлашарди сўнг бора.

Қалдирғочлар бўзлашарди сўнг бора,
Кўзларингда сенинг ҳам нам бор эди.

Қалдирғочлар учиб кетди мунг билан,
Қанотида музлаб қолди нигоҳинг.
Кўк бўшлиқда титраб қолди сўнг оҳинг,
Қалдирғочлар учиб кетди мунг билан.

БУЛУТЛИ ТУНДА

Тун кутади юлдузларини,
Уфқларнинг ранги ўчади.
Кундузнинг ҳам сўнгги ёғдуси
Нигоҳларга ҳолсиз чўкади.

Қаро осмон титраб турибди,
Юлдузларни сўроқлайди тун.
Айтолмайди, булут бағрида —
Қолиб кетмиш юлдузлар бутун.

* * *

Туташади бир юракка бу йўллар,
Шу йўллардан юрмоқликка қўрқаман.
Шу йўлларнинг уфқи бўлган
бир юрак,
Уфқ ўтида ёнмоқликдан
қўрқаман.

Манзилларнинг сўнгин истаб бесадо,
Қадамларим йўллар узра қадалар.
Кўзларимга тўлиб кетар бир нидо,
Қадамларим югурмоққа шайланар...

Туташарми юракларнинг йўллари...

* * *

Алдамайди бизни оҳанглар,
Уриларкан қалбларимизга.
Ўз шаклини тикламоқ учун
Ўзларини бағишлар бизга.

Биз жимгина тинглаймиз фақат,
Ёндирса-да оҳанглар бизни.
Улар бизнинг қалбларимизга
Нақш этади ўчмас бир изни.

* * *

Қуюқлашди осмоннинг ранги —
Қушларнинг илк парвози пайти
Ва булутнинг сўнгги умиди
Ёмғир бўлиб заминга қайтди.

Тиниб қолди қушлар парвози...
Яна секин ёришди осмон.
Аммо қушлар учиб кетганди,
Булутларсиз мовийлик томон.

* * *


Унутмоқлик азобдир менга,
Қалб ўзида топади ўрин.
Майли, барча хотираларнинг,
Соясида тургин яширин.

Яширин тур, юракнинг ёрқин
Йўлларига сен келма қайтиб.
Юрак энди янги йўлларда
Борар сенга алявидо айтиб.

ШИШКИН. «УТЛОҚЗОР»

Манзаралар кириб келар хаёлларга,
Умримизни тўлдиради манзаралар.
Бизни ўртаб, бизни қийнаб келган
дардлар
Манзаралар оғушида сўниб борар...

Олимжон БУРИЕВ



1954 йил Тожикистон ССР, Оржоникидзеобод районидаги Чинор қишлоғида туғилган. Ҳозир Тошкент области китобсеварлар жамиятида масъул секретарь бўлиб ишламоқда.

ПОМИР

Узоқларга кетсам, Помир тоғлари,
Бургут каби учиб, бағрингдан йироқ.
Бадахшон оҳуси, гул ёноқлари,
Оққушдек қўл силкиб қолишар узоқ.
Менинг парвозимга қилишар ҳавас,
Қанот қоққанимда мангулик сари.
Юлдузга етарман, сенга чиқсам бас,
Осмоннинг нарвони, Помир тоғлари.

Помир, сен борсанки, толмас қанотим,
Аму ва Сир менинг юрак торимдир.
Сенда гуллар очиб, яшнар ҳаётим,
«Жаҳон томи» номинг ифтихоримдир.
Юртим, ошиқона куйладим ашъор,
Ҳар ким ўз юртини мадҳ этар, ахир.
Баланд чўққинг узра ялтирайди қор,
Кафтингда қуёшни тутасан, Помир.

* * *

Тақдир деб, ёш тўкма қора кўзлардан,
Кимгадир тиз чўкиб, қилма илтижо.
Эриб кетма асло ширин сўзлардан,
Барча истакларинг этса ҳам бажо.

Эҳтироснинг маъсум бўсаларини
Ғунчадай асрагин севгилинг учун.
Беқарор юракнинг ғуссаларини
Юлдузларга айтиб, юпангил ҳар тун.

СЕВГИ

Тун.
Қора парда тўшалган ерга.
Ҳайбатли уйларнинг деразаларидан
Нур тўла кўзлар
Шуъла сочмоқда...
Самода тўлин ой
Нурга тўлиб учмоқда.
Фақат юлдузлар, қотиб қолган

Юксак хаёлларга ўхшайди.
Севгидан алданган
Ойбилад қизларсимон
Аянч.
Қора сочларини ёзиб,
Йиғламоқда
Бечора тун...
Севилмагани учун.

ҚАРДОШЛИК

Осмон билан ўпишган тоғлар,
Нортуядек чопишган тоғлар.
Бошларига ўраб оқ шоҳи,
Она ерга қапишган тоғлар.

Сайёҳларга доим интизор,
Бир-бирини опичган тоғлар.
Помир, Урол, Ҳимолай, Ҳисор,
Дўсту қардош — топишган тоғлар.

ЙИЛЛАР

Йиллар бир-бир ўтди
Менга бўй бериб.
Йиллар ташлаб кетди,
Менга куй бериб.
Йилларни ўтказдим
Баъзан беором.

Баъзан гул тутқазди,
Баъзида ҳижрон.
Йиллар — баҳор чоғим,
Йиллар — кексалик.
Йиллар — шўх ўртоғим,
Шошманг бунчалик.

* * *

Омадим йўқ менинг севгидан,
Илтижо ҳам қилмасман ёрга.
Лекин ғамгин қараб қоламан
Йигирма беш ўтган баҳорга.

Тиз чўкмасман, гўзал, сенга ҳам,
Бўлмоқ учун бирга, бахтиёр.
Сенга кимдир таъзим этган дам,
Кимдир менга тиз чўкар, дилдор.

ҚИЗ

Нечун тик боқолмас у қора кўзлар,
Балки бирор кўзга бўлмаган таслим.
Нечун қизаради бокира юзлар.
Нечун нигоҳларим узилар сим-сим.
Қанча давом этар бу ширин ҳолат,
Хайём ечолмаган минг йиллик асрор,

Ким унга севги деб берар кафолат,
Ким унга дуч келиб бўлган бахтиёр.
Қалбимни ўртайди маъсум ғамгусор,
Маъноси яширин, нигоҳлар тилсиз.
Бир кун садо берар юракдаги тор,
Унгача парвосиз яшар гўзал қиз.

* * *

Черт дуторинг торини дил ториغا монанд қилиб,
Куйла дилда борини, куйла, гулим, лабханд қилиб.


Гунча лаб, гулгун юзу жоду кўзингга садқа жон,
Чертким «гулёр»ни — «гулноз»га пайванд қилиб.

Икки оққуш қўлларингда йиғлаган жонсиз дутор,
Йиғлатиб мен зорни, кетдинг дилим парканд қилиб.

Қирқ ўрим сочинг ғамида қирқ бўлак бўлди бу дил,
Сен каби дилдорни бўлгайми ҳеч дилбанд қилиб.

Риштаи жонимни қирқ бўлдим сени банд этгали,
Сен узиб чилторни, кетдинг уни якчанд қилиб.

Дил розин тингла Олимнинг, ўзгалардан фарқи шул:
Уш кўрар ашъорни, арзини айтгай панд қилиб.



Исфандиёр

1946 йили Фарғонада туғилган. У иш фаолиятини ўн тўрт ёшидан бошлаб, фабрикада, қурилишда, заводда ишлади. Музыка билим юртида, пединститутда таҳсил кўрди. 1978 йили А. М. Горький номидаги Адабиёт институтини тамомлаб, «Ўзбекфильм»да сценарий устахонасида ишлади. Ҳозир Давлат олий сценарий курсида ўқимоқда.

Исфандиёр рус тилида ижод қилади.

ГУНОҲ

Ишқон остидаги сўрида чой ичиб ўтирибмиз. Узум япроқлари нохуш суҳбатнинг гувоҳи бўлгандек хомуш, қилт этмайди. Қайнотам Муҳаммад ота хўриллатиб чой сипқоради, пиёлани курсига қўйиб, тер қуйилаётган серажин пешонасини, бўйинларини ҳошияли пушти рўмол билан артади. Сўнг рўмолни елкасига ташлаб, менга таънали нигоҳини қадаганча, яна зуғум қилади:

— Хўш, ўғлим, нима гап ўзи?..

Мен миқ этмайман. Нима ҳам дердим! Гулнора билан нега ажрашмоқчиман? Тушунтиришга уриниб кўраман:

— Ота... Гулнора... бебаҳо инсон...

У гапимни олиб кетади.

— Хуснда ҳам кам-кўсти йўқ... қизим Гулноранинг... Ё гапим ножўями, а? Бир-биринга муносибсанлар... Қаердан топасан шундай муносиб аёлни? Йўқ, тополмайсан... Ўз ўғлимдек кўрганам учун айтман-да! Ҳам илмда, ҳам...

— Ҳа! Ҳа!— деб тасдиқлайман мен.— Ҳеч нарсадан ками йўқ. Илми ҳам жойида... Тенгини топиб олар...

— Э... Сени қара-ю...— деб энсаси қотади Муҳаммад отанинг.— Гапингнинг тутуриғи йўқ, ўғлим! Тенгини эмиш! У сенинг хасмингда... Эти ҳам, суяги ҳам сеники. Агар бирор гап ўтган бўлса, ножўя иш қилган бўлса... тўғриси айтивер! Мен ўзим унинг...

У чақалоқнинг калласидай келадиган, сержун муштини кўтариб қўяди. Қизик, ўзи жуссаси кичик, кўрimsизгина чол-у, мушти забардаст, темирдай бақувват. Ун-

га ҳавас билан қарайман. Икки пиёлага чой қуйиб, бирини қайнотамга узатаман. Индамай чой ичади-да, бўш пиёлани курсига қўйиб, яна ўша гапни бошлайди:

— Хўш, ўғлим, нима дейсан?

Биламан, кечкурун Майрам ая билан Гулнора келади. Гулнора ерга қараганча қайғули қиёфада ичкари хонага ўтиб кетади. Ўзини тутишига қараганда гўё мен шу қадар жоҳилманки, унга кун бермай қўйганман, ҳатто табассумни ҳам унутиб юборган менинг дастимдан. Балки онаси ёнида бир оз кўз ёши ҳам қилиб олар... Албатта, бундай пайтда кўз-қошлари бўялмаган бўлади, лабларида ҳам бўёқ бўлмайди. Биби Ойшадек бегуноҳ...

Одатда бизниқига қариндош-уруғлари келганда Гулноранинг пардоз қутчаси қаёққадир ғойиб бўлар, ўзи эса кенг хонатлас қўйлак ва узун, жиякли лозимда пилдираб хизмат қилиб юрган бўлар эди. Гўё бу либослар ҳеч қачон эгнидан тушмайдигандай...

Майрам ая совуқ нигоҳларини илтифотли табассум билан яширганча кучоқ очиб келади-да, мени бағрига босади. Пешонамдан чўлпиллатиб ўпиб ҳам қўяди.

Энди улар икки киши. Дастурхон атрофига солинган юмшоқ кўрпачаларда ўтириб, аччиқ кўк чой ичишади. Икки жуфт кўз, икки овоз...

— Хўш, ўғлим, нима дейсан?

Сўнгги ҳўплам чой томоғимни тирнаб ўтгандай бўлади. «Тўқсон беш» чойни қайнотам ўзи билан олиб келган. Чойнак бўшаб қолибди. Чойнакни кўтарганча ин-

дамай ошхонага йўл оламан. Меҳрибон отани чойсиз қолдириш яхши эмас, ахир.

Гулноранинг уйдан чиқиб кетганига бир ҳафта бўлди, холос. Шу вақт ичида ошхона бир аҳволга тушиб қолибди. Стол устида ювилмаган тақсимчалар, това, коса-қошиқ, пиёлалар уйилиб ётибди. Қозоннинг аҳволига қараб бўлмайди. Йиллаб одам оёғи тегмагандек шифтда ўргимчак уялари осилиб ётибди. Ҳаммаси менинг бошимга ёғилаетгандек туюлади. Ўзимни лоҳас сеза бошлайман. Ҳамма нарса, ҳатто қозон-товоқ, ўргимчак уялари осилган шифт, деворлар ҳам менга таъна билан ҳўмрайиб қарайди... Ўзимга ўзим дунёдаги энг аблаҳ одамдек кўриниб кетаман... Дарвоқе, қайнотам ҳам шу фикрда бўлса керак. Чунки кўриб турибман, сочларимдан чангаллаб, бўй баробар кўтарсаю бор кучи билан ҳовлига улуктирса... Ўзини зўрга тутиб турибди. Оғир уф тортади, пушти, рўмоли билан юз-бўйинини артади-да, яна сўроққа тутади:

— Нима ёмонлик қилди, ахир?

«Ҳеч нарса! Ҳеч нарса қилгани йўқ, ота!», деб қичқиргим келади.

«Ҳеч нарса-да, умуман... Ҳеч нарса! Гулнора — хотинмисан хотиндек. Менга нима жин урганини ўзим ҳам билмайман. Улай агар!.. Ҳа, ҳа, мен жирканч одамман, аблаҳ, ношукурман. Мен хотиним билан — сизнинг қизингиз билан ажрашмоқчиман. Эсимда, бизнинг турмуш қуришимизга не мулоҳазалар билан розилик берган эдингиз. Нега? Балки ўшанда бўлажак куёвингиз яқинда врачлик дипломи олишини ўйлагандирсиз, балки Гулноранинг бошқа жойдан харидори чиқишини кутиб ўтиришни истамай, мени деб тўққан кўз ёшлари таъсир қилгандир... Қизингиз айтганингиздай, «қуруқ шохга осилгандай, бўйинимга осилиб олишга тайёр»лиги кўнглингни эритгандир.

— Сен ниманидир яширяпсан, болам?— деди Муҳаммад ота, мендан бирон маъноли гап чиқишга ишончи қолмагандай умидсизлик билан.

Билиб турибман. У Марям аянинг топшириғини виждонан адо этипти. Ҳуснда бекама кўст, замонавий қиз, уларнинг фарзандлари... нимаси билан ёқмай қолганини билиб олмоқчи. «Балки, чиндан ҳам бирон айби бордир...» Қайнатамининг нигоҳида шу саволни ўқигандай бўламан баъзан. Мен Гулнорани биринчи кўрган кунимдан Нора деб атайман. «Балки Гулнора шундай гуноҳ қилгандирки, ўз қадрини билган йигит бу ҳақда ҳеч қачон лом-мим демайди», деган хаёлга борарди ота, эҳтимол хиёнат қилгандир, куёви эса

дарди ичида. Шунчаки, яхшиликча ажрашмоқчи... «Ҳа-а-а, унда Гулноранинг кўни кундан келарди-я! Мени эса ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолсин», деб авраш керак бўларди. Улар шуни билишмоқчи. Мана шу билмасликларигина қақшатқич ҳужумга ўтишдан Муҳаммад отани, Майрам аяни тутиб турибди... Улар менинг очилишимни сабр-тоқат билан кутишяпти...

— Йўлдан толиқиб келгансиз, ота, дам олсангиз бўларди,— дейман яна бир чойнак бўшагандан кейин.— Чарчадингиз. Тун бўйи автобусда юриш...

Муҳаммад ота ғалати қараш қилиб қўяди. Мен унга жилмайиб, очиқ нигоҳ билан жавоб бераман. Менинг бу жавобим саратоннинг қирқ даражали иссиғи, ичилган чойлар билан қўшилиб, ўз таъсирини кўрсатди. Муҳаммад ота дам олишга розилик беради.

У юзини вентиляторга тутиб, чех дивани устида анча вақтгача у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб, безовталаниб ётди. Кейин ғўлдираб, вентиляторни тўхта-тиб қўйишимни илтимос қилдию шу заҳотиёқ бир меъёрда хуррак отабошлади. Ҳар хуррак отанида очик, катта оғзидан пуфакчалар отилиб чиқарди. Йирик-йирик, сарғайиб кетган тишларига қарайман-у, Майрам аянинг келишига бир неча соатгина қолганини ўйлаб, этим жунжикади...

Муҳаммад ота мириқиб ухлаб туради, мен ҳам янги зуғумлар бошланиши олди-дан бир оз нафас ростлаб оламан. Эҳтимол, Майрам ая акамни чақиртириб келишни ҳам истаб қолар...

Акамни чақиртириш билан чегараланса-ку, бир нави... Майрам аянинг кўз ёши қилиб, ҳовлини бошига кўтаришини кўз олдимга келтираман. Худо кўрсатмасин, ҳали онамни ҳам эслаб қолиши мумкин.

Дераза тагига йўл-йўл кўрпача солиб, ҳорғин чўзиламан. Хаёлимда худди Майрам ая тепамда турибди-ю, тилла тақинчоқларини шарақлатиб, қўлини палаҳса қилиб, дийдиёсини ўқияпти:

— Онанг раҳматлик тирик бўлганида шу қилмишингга индамай қараб турармиди, а? Вой-вой-вой! Жойинг жаннатда бўлгур, Султоной! (Султоной — менинг марҳума онам.) Вой-вой, ўргилиб кетай... Келингинасидан кўнгли тўлибгана юрмасмиди-я...

Кўзимни юмаман. Ўтган кунлар хотираси боғда қийғос гулга кирган акация ифоридек юрагимга қуйилади, хаёл қатламларини титкилаб, унинг қаърига яширинган, унутилган, ўзини эслашни истамаган ниманидир излагандай бўлади...

Борлиғимни қамраб олган бедаво ланжликни силтаб ташлаб ўрнимдан туришим, ўзим учун аччиққина чой дамлаб, ҳузур қилиб ичишим, кейин нималар бўлишини кутишим керак аслида. Агар Муҳаммад ота уйғониб, яна қистовга олса, лом-мим демайман. Юрак-баримни нимадир ўртаб борапти... Лекин нима эканини ўзим ҳам билмайман. Билмаганиндан кейин, яхшиси, ҳаммасига чидаш, индамаслик керак. Кейин нима бўлса бўлар... Фақат ёлғиз қолсам ҳеч кимга ҳеч қандай изоҳ бермасликнинг иложи бўлсайди, дейман.

Аммо бир неча минут қандай чўзилган бўлса, шу ҳолимча ётибман. Шундоққина бошим устида энгашиб турган қизил гул бутоғидаги гунчаларга кўз ташлайман. Улар юрагимда номаълум туйғулар тўлқинини кўзгатади, тинчлангандай бўлади. Хаёл олиб қолади... Ҳозир ўзим яшаб турган мўъжаз ҳовли, деразаси остида кўрпача ёзилган уйни энди хаёлан кўраётгандайман...

...Ун бир ёшларда эдим. Интернатдагилар яна ғойиб бўлганимни билиб қолишлари, шовқин-сурон кўтаришлари, ҳар куни қочиб кетишимни онамга сотиб қўйишларидан кўрқардим. Мабодо шу ҳол рўй берсаю онам мени чақириб олиб, кўзларимга тикилган кўйи нега бундай қилганимни сўрайдиган бўлса, миқ этмай, оёғим билан ер чизиб туравераман. Чунки нима учун ҳар сафар, ҳар куни кечкурун бу ерга қочиб келишимни, мана шу дераза тағида то чироқ ўчгунча туришимни айтолмас эдим. Қандай қилиб ҳам айтардим. Онам ёки ўғай отам мени шу ерда кўриб қолишларидан кўрқиб, титраб-қақшаб тураверадим. Ўғай отам уйдан чиқиб, йўтала-йўтала, шошмасдан ҳовли четидаги ёғочдан қурилган, пастаккина ҳожатхона томон йўл олганда мен буталар орасига яшириниб, нафас чиқармай ўтирардим, ўғай отам эса оғир қадамлар билан ёнгинамдан қайтиб ўтиб кетарди. Эшик қарсиллаб ёпилгандан кейин мен интернат футболкасига ёпишган қўйи-конларни тера-тера яна дераза остига келардим...

Одатда ойм кўрпача устида ўтириб, нимадир тикаётган бўларди. Ўғай отамнинг ҳамма кўйлаклари шоҳидан, текис дазмолланган, бирон бужмайган жойи кўринмасди.

Ойм ташқи кўринишидан ўта хотиржам, доим билинар-билиндас табассум сезилиб турарди лабларида. Узун сочларини елкаси оша ташлаб ўтирганида «Минг бир кеча» китобидаги Шаҳризода-

га ўхшаб кетарди. Мен ундан кўзларимни узмайман. У шундай гўзал ва меҳрибон кўриниб кетардики! Ўғай отам унинг ёнида чалқанча тушиб ётган бўларди. Боши остида иккита пар ёстиқ... У газета ўқир, деярли оймга эғтибор бермасди, оймнинг эса унга қиё боқиб қўйганидаги маъсум табассумини ҳам сезмас эди. Ора-сира ойм тикаётган нарасини тиззаси устига қўйиб, унинг оқ оралай бошлаган сочларини силарди. Унинг қўллари кичкина, нозик, ўғай отамнинг сочларига тегмаётгандай, балки кўзга илिनмайдиган ниманидир кўрқа-писа силаётгандай туюларди. Электр чироғи ёруғида унинг нозик бармоқларини, қирмизи тирноқларини аниқ кўраман...

Ойимни гўзал деб аташлари тез-тез кулоғимга чалиниб турарди. Ҳатто интернат директорининг ўзи бу ҳақда гапирганида, ширин ҳолва еган одамдай ҳузур қилиб, кўзлари юмилиб кетарди. Тарбиячимиз Абдурахмон Қодирович ойм навбатдаги командировкадан қайтиб келганида биргина табассумига сазовор бўлиш учун менинг орқамдан грек афсоналаридаги юз кўзли Августдек кузатиб юрарди. Ойм командировкага тез-тез чиқиб турарди. Касби кишида табассум уйғотадиган касблардан эмасди, аксинча, қандай касбда ишлашни эшитган одамнинг афти довучча чайнагандай ғалати бўлиб кетарди. Терговчи Султоной Шукурова. Таниш-билишлар эса ҳўрмат билан Султоной опа, дейишарди. Ҳозир, мен унга дераза ортидан термилиб турганимда, у ўғай отамнинг бош томонида ўтирар, қандайдир кўйлақча этагига гул тикар, шу кўринишда сира ҳам терговчига ўхшамас эди. Гулдор крелдешин кўйлаги ўзига жуда ярашар, шоҳ Шаҳриёр қошида эртак айтаётган Шаҳризоданинг китобдаги суратига ўхшаб кетарди. Мен ўша китобни жуда яхши кўрардим. Бир куни Нодир деган ўртоғим билдирмай олиб қўйганида, кўзларини юлиб олишимга сал қолганди. Тўғри, у кейин Абдурахмон Қодировичга «Уқиб, кейин қайтариб бермоқчи эдим», деди. Лекин мен бу китобдан бир дақиқа ҳам айриллолмасдим. Абдурахмон Қодирович бизни зўрға ажратиб қўйди, сербар солдат камари билан орқамга шундай туширдик, ўрни анчагача кўкариб юрди. Кейин судраб ташқарига олиб чиқди-да, бошимни кран тагига эгиб, сув қўйди. Совуқ сув ҳам менга таъсир қилмади, устбошим шалоббо ҳолда, ғазабдан оғзимдан тупуқ сачратиб, нукул бир чеккада пиқиллаб, йиғламсираб турган Нодирга ташланардим... Кейинрок, бир оз ўзимга

келгач, оймга айтиб қўйишдан қўрқиб, Нодирдан кечирим сўрадим. Мени сўкмаган одам қолмаган эди ўшанда. Пасткаш, ваҳший, молпараст, деб аташди. Менга ўхшаганлар одам бўлмасмиш... Кейин пионер йиғилишида ҳам кўп койишди. Саф олдида турганча, миқ этмай, оёғим билан ер чизардим. Кўйлагим остида «Минг бир кеча» борган сари қорнимга ботиб, оғритарди. Хаёлимда эса Шаҳризода чордана куриб, жилмаярди холос...

Ойим менга қараганда унинг юзи сираям китобдагига ўхшамай қоларди. Ҳатто ўғай отамга қараётгандагига ҳам ўхшамас эди.

Гўё ҳозир бир қилғилик кўрсатаману уни уялтириб қўяман. Қарашидан, ҳали қилмаган, гуноҳим учун мени олдиндан койишга тайёргарлик кўраётгандай. Якшанба кунлари уни уйда камдан-кам учратиб қолардим. У доим: «Ишими ўзи шунақа, бизда дам олиш кунни бўлмайди», дер эди. Уйга жуда чарчоқ ҳолда қайтарди. Чарчаган чоғлари унинг кўзлари худди кўп йиғлаган одамнинг кўзларига ўхшаб қоларди. Кўзларининг остида қандайдир соя пайдо бўларди. Кўрган одам кўзини қора бўёқ билан бўягану кейин чала-чулпа ювиб ташлаган, деб ўйлаши мумкин эди. Бундай ҳолатлар одатда ўғай отам уйда йўқ пайтлар кўпроқ бўларди. У уйда бор пайтлар ойимнинг юзидан табассум аримасди. Мен интернатдан қочиб келган, деразадан мўралаб турган пайтларим у доим ўғай отам билан ёнма-ён ўтирар, кулар, завқ-шавқ билан унинг кўйлақларига кашта тикар эди...

Мен борлигимда ойм кўлига камдан-кам дазмол оларди. Кўпинча уй кийимларимни ўзим ювардим. Каникул пайтлари уйга келганимда, аҳён-аҳёнда ойм бирон нарсамни ювиб берса ҳам, ҳеч қачон дазмол урмасди. Айтиқса интернат формаси ювилгандан сўнг жуда хунук бўлиб кетарди. Шимни-ку, дазмолламаса ҳам бўлади. Чокларини тўғрилаб, кўрпа тагига бостириб ётилса бас, эрталабгача дазмолланиб қолади. Мен доим ўзимга ёпишиб турадиган, чиройли шоҳи кўйлакни орзу қилиб юрардим.

Аммо бунақа ишлар билан қизиқишга оймнинг вақти йўқ. У доим қаёққадир шошиб турарди...

Ёшим ўн бирда. Бу ерда тутиб олишларидан қўрқиб, буталар орасида нафас чиқармай ётибман. Оқшом гулларининг ҳиди димоғимга урилади. Навбатчи тарбиячи ўрним бўшлигини сезиб қолса нималар бўлишини ўйлашга ҳам қўрқиб ётибман. Ёшим ўн бирда. Абдураҳмон Қо-

дирович мени директор хонасига олиб кираяпти. У эса кўзларимга қарамасликка уриниб, эркак киши эканлигимни, эркак киши эса мард бўлиши лозимлигини, бахтсизлик олдида эсанкираб қолмаслик кераклигини, онам машина тўқнашувда ҳалок бўлганини ва уни уйга олиб келишганини гапиряпти...

Ёшим ўн бирда. Якшанба кунни қабристондан чиқаётиб ўғай отамни кўриб қолдим. Дарвоза олдида кутиб олган қандайдир аёл билан ёнма-ён кетяпти. Аёл унинг юзига тикилиб туриб, нимадир дейди. У жавоб берди ва... гўё ҳеч нарса рўй бермагандай жилмайиб қўйди. Кейин негадир атрофга аланглади. Сал ўтмай ўйга чошиб келдим-да, унинг барча чиройли шоҳи кўйлақларини бир жойга йиғиб, устидан керосин кўйдим. Гугурт қақиб, ёқиб юбордим. Аччиқ тутун димоғимга урилади, нафас олишим оғирлашади... Эртасига яна мени койишди. Директор ҳам, тарбиячи ҳам, ўртоқларим ҳам... Мен эса миқ этмай, оёғим билан ер чизапман. Яна ўша «Минг бир кеча» қорнимга ботиб, оғритади...

Ҳа, албатта, Гулноранинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Нега энди у ёқасига кашта гул тўқилган шоҳи кўйлак тикиб бер, деб қилган аҳмоқона инжиқликларимга кўниши керак экан... Ахир магазинлардан истасан кўйлагингни танлаб олиш мумкин-ку!

Шкафнинг пастки тортмасида анчадан бери ётган, чириб, титилиб кетган китобни ахлатхонага ташлаб юборгани учун уни айблаб бўладими, ахир! Менга шунини айтганида, рангим ўчиб, қотиб қолганимни кўриб, шундай кулгиси қистади-ки! Нега шунчалик жиним кўзиб кетди... Ўзим ҳам ҳайронман. «Минг бир кеча»нинг тўлиқ янги наشري шундоққина турибди-ку, ахир! Тўғри, расмлари билангина фарқ қиларди... Хўш, нима қилибди.

Гулнора — замонавий аёл. Менга тез-тез насиҳат ҳам қилиб туради. Тушкун кайфият эркакларга ярашмайди деб, мени сентименталликда айблайди. Ҳақиқий эркак қандайдир хотираларга ўралашиб яшамаслиги керак... Ҳар замонда, ҳеч бўлмаса, сочимни силаб, эркаласанг-чи мундоқ, десам жаҳли чиқади...

Аёл кишининг меҳрига ташналик, силаб-сийпалашларини талаб қилиш ҳам, албатта, ҳақиқий эркакларга хос бўлмаслиги мумкин. Лекин...

Лекин кечқурун нима деб жавоб бераман буларга?..

Ёдгор ОБИДОВ таржимаси



Тўра МИРЗО

1956 йили Наманган областининг Янгиқўрғон районидаги Пешқўрғон қишлоғида туғилган. 1979 йили А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва расомлик санъати институтини тамомлаган. Шеърлари республика матбуотида тез-тез эълон қилиниб туради.

РАССОМ

Шухрат Абдурашидов хотирасига

Борлиқ узра сепин ёйган сукунат,
Тошлар сийнасида сачрар совуқлик.
Хомуш тентирайди мусаввир фақат,
Келинг эй, туйғулар, бормисиз тирик?

Дарахтлар тош қотган, олмайди нафас,
Майса қаҳ-қаҳ отмас, ҳис уйғонмагай,
Тоғлар чўкиб борар чиқармасдан сас,
Қўшиқлар оқолмас, сувлар ёнмагай.

Зулмат чангалида занжирбанд рассом
Булутли самони чиза бошлайди.
Ранглар жарангламас, ўликдир осмон,
Мусаввир суратни йиртиб ташлайди.

Йўқ, йўқ, мўйқаламни синдирар тамом,
Қуёшсиз самони чизолмас рассом.

* * *

Баъзан қулоғимга ёқмас оҳанглар,
Кўзларим ҳам толгай ранглар сасидан.
Кўкдаги юлдузлар бесас жаранглар,
Мен тетик тортаман ой нафасидан.

Юлдузлар юракка ҳаяжон тутиб,
Эски орзуларни нурларга белар.
Ернинг ташвишларин бир зум унутиб,
Юлдузлар нурига суянгим келар.

* * *

Майсазор устида ётибман ўзим,
Эшитилар майсанинг кўм-кўк жаранги.

Ўчириб ташлайман сигаретимни,
Сарғаймасин учун майсанинг ранги.

* * *

Чироғимиз кўриниб қолди,
Гарчанд ҳали манзилим йироқ.
Оралиққа нурлар йўл солди,
Мен томонга чопмоқда чирок.

Нурлар томон қулочим ёзиб,
Мен чопаман ёғдуга муштоқ,
Ёруғлики бағримга босиб,
Нурларингни ўпаман, чирок.

ТУН ҚУШИҒИ

Оппоқ изтиробдан қалтирайди тун,
Самовот бекаси — ой ёғду сочар,
Нурларга урилар бесасгина ун,
Бўсалар сасидан гуллар кўз очар.

Илк бўса лутф этган қиз ҳолатидан
Барглар ҳаяжонда титрар бир лаҳза.

Шаббода гулларнинг омонатидан
Елкага орқалаб жўнайди аста.

Қўшиқ қийноғида тўлғанар дунё,
Лаблардан томчилар энг ширин сўзлар.
Гуллар нафасидан кенгаяр само,
Кўкда туриб гулни ҳидлар юлдузлар.

ТОНГ

Дераза ёпилар, кетар аллаким,
Чўчиб тушар бирдан ўйчан сукунат.
Сокинлик дарёси шовуллайди жим,
Оёқ товушлари сузади фақат.

Эшик очилади... Иқрордан тониб,
Тун кўшиқ айтади, шу дам ит ҳураб,
Сония ўтмасдан бир қиз уйғониб,
Само супасидан юлдуз супураб.



Мирзобек МИРЗОҚУЛОВ

Сирдарё областининг Боёвут районида яшайди.
Қўриқ қишлоғидаги саккиз йиллик мактабда тил ва
адабиётдан дарс беради.

ЧАМАН

Навбахор, безанди олам, ҳар тараф гулгун чаман,
Боғ кезиб, гулзор аро ел каби енгил учаман.

Сайри гулзор айлагач, бир гулга бўлдим маҳлиё,
Ул деди: сабр айлагайсиз, навниҳол гулгунчаман.

Офтобда юз ювиб, сочин тарар шаббодада,
Бошида парвона бўлгум очилиб кулгунча ман.

Мен қолиб, булбул билан дийдорлашар ул эрта-кеч,
Не илож гул олдида бўлолмадим булбулча ман.

Билмадимки, бор гўзаллик шу нозик сиймодами,
Кўзларим тўймайди ҳаргиз қанча боқсам шунча ман.

Гулларимга сув бериб дил чашмасидан Мирзобек,
Яшнатиб, обод қилай юртимни то ўлгунча ман.

ЛУТФ АЙЛАДИНГ

Ногаҳон учрашди кўзлар бир имо лутф айладинг,
Ёнди жисмим ишқ ўтида, билмадим, сен найладинг.

Бўлди банд бечора қалбим тўрга тушган қуш каби,
Бир боқиб мужгонларингдан ўқ отай деб шайладинг,

Хавф этардим ўзгаларга бўлмасам деб сири фош,
Севгини нозик дилингда асрадинг, авайладинг.

Васлинга етмай юрардим айрилиқ саҳросида,
Сен муҳаббат гулшанига мени боғбон сайладинг.

Боғбон эрмас, Мирзобек бўлди жамолинг ошиғи,
Бир умрлик хизматига бир табассум байладинг.

ТЕРИМЧИ ҚИЗГА

«Оқ олтин»ни ардоқлаб кўтарибсан бошинга,
Ёқа тутиб қойилман шунчалик бардошинга.

— Ҳорма,— дедим ҳол сўрдим, ҳадя этдинг табассум,
Ёндираб боқсам бир, зум, кўзингга — қуёшингга.

Эл-юртингга муҳаббат меҳри дилингда қат-қат.
Мос тушибди садоқат жасоратли ёшингга.

Меҳнат билан чиниқдинг ҳам экдингу ҳам йиғдинг
Кеч ётиб, эрта турдинг бол қўшилди ошингга.

Довруғ солдинг эл аро, ҳам гўзал, ҳам дилрабо,
Эрдинг бир оҳанрабо, гард кўнмасин қошингга.

«Оқ олтин»ни эъозлаб кўтарибсан бошинга,
Офарин, дер Мирзобек меҳнатда бардошингга.

ДУСТЛАРИМ ТҒЕНАСИ

Яшнади кенг пахтазор, мен чарх уриб ҳар ёғига —
Термилиб тўймас кўзим айна очилган чоғига.

Ям-яшил барқут кийиб, кўксида кўп маржонлари,
Тебранар бўйли ғўза, ёзгум ғазал япроғига.

Севганимнинг боиси ул қалби оқ дилдор экан,
Ҳар кўсак тургай кулиб, қўйдим лабим ёноғига.

Қўл узатиб аста мен барглар аро пинҳон этиб,
Биттасин тортсам тутиб, кўнгил кетар ўртоғига.

Мунча ҳам суҳсур қилиб ўстирди халқим пахтани,
Дилда ихлосим баланд шул она ер тупроғига.

Мирзобек, қилсам хабар, бошланди деб ҳосил тўйим,
Дўстларим тўёнаси айланди олтин тоғига.

ТҶРҒАЙ

Эмиш қушлар сўфиси — тўрғай саҳарлаб тургай,
Қўшиқ айтиб мастона ҳаволарга тўш ургай.

Балки ёри уйқуда бўлса уни осуда,
Уйғотмоққа қошида гир айланиб ҳол сўргай.

Гоҳо жуфт-жуфт, гоҳ якка, парвоз этиб фалакка,
Кўнгил бериб дўстликка муҳаббатга дил бургай.

Билмам на учун бул қуш гулзорларни кўрмай хуш,
Лайли билан Мажнундек саҳроларга ин қургай.

Янтоқларни боғ билиб, ўз кўнглини чоғ қилиб,
Бошга қўндириб тожин шаҳаншоҳдек ўлтиргай.

Қўй, тўрғай, биёбонни, боғимга қур ошёни,
Саҳарларда Мирзобек сен билан бирга юргай.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Эл қойил бир маҳлиқода шунча ҳусн пайдо учун,
Беқарорман эрта-кеч ул кўзлари шахло учун,
Бир карам айларми эҳсон мулкидин гадо учун,
Дўстлар, бир чора мен девонаи шайдо учун,
Ким ўларман ул пари пайкар малак сиймо учун.

Шамдур ул — бошида юз парвона учса ғам емас,
Тўлганиб ўтганда дил сумбул бўйидин бўлди маст,
Раҳм этиб, мен бечорани бир йўла ҳамдам демас,
Оташин гул теграсида лаългун юз барг эмас,
Балки юз лаъл ўтқа солмиш булбули шайдо учун.

Ишқ ўти кўйдирмағайми дил они пинҳон қилур,
Ишқ юракни яйратиб равшан қилур, гоҳ қон қилур.
Васл учун қалбин ошиқ сабру тоқатга қон қилур,
Хом кўнгилким дудоғингни тилаб афғон қилур,
Бор дурур ул тифлдекким йиғлагай ҳалво учун.


Қийнама куйган юракни, кўп ўзингга берма зеб,
Юзларинг гул сарви қаддинг мевасидур нору себ,
Қўрқаманки бир умр ҳажрингда ўтгайманми деб,
Ашк ичинда ғарқамен зулфингни тутгайманми деб,
Ўйлаким, тожир тенгсиз ранжин чекар савдо учун.

Гул эмас жаннат эрурсан, они обод асраким,
Эй Ширин, мен Мирзобекни мисли Фарҳод асраким,
Япроғингга қўнса тупроқ айларам дод, асраким,
Бу Навоий бандани, эй сарв озод, асраким!
Бўйла бир булбул керак сендек гули раъно учун.

РУБОИЙ

Қалбимга гул экдим номидир вафо,
Майлига, ҳаётда гоҳ тортсам жафо:
Дўстларнинг ишқида ёнсам
эрта-кеч,
Шу ўзи мен учун юз кайфу сафо.

Абдулҳамид МУҲАММАДИЕВ



1954 йили Қўқонда туғилган. У 1976 йили Қўқон Давлат педагогика институтини тамомлаб, ҳозир Қўқон шаҳар «Меҳнат байроғи» газетасида адабий ходим бўлиб ишламоқда. Унинг шеърлари область ва республика матбуотида чиқиб туради.

ФАХРИЯ

Бу табаррук заминнинг сабуҳлари на хушдир,
Қадрдон далаларнинг уфори тўкилмоқда.
Бу на ташбеҳ удуми ва на ҳикматли тушдир —
Эртанги тўкинликнинг сирлари ўқилмоқда.

Кечалар қоронғусин ювгани каби офтоб
Тупроқ узра ўтаркан трактор ғилдираги,
Бу саркаш табиатнинг нозларига берар тоб,
Чигит бўлиб қадалган элнинг орзу-тилаги.

Алёр айтиб саҳар-ла далага чиқар қизлар,
Киприкларда уйқунинг тўймаган ашуласи.
Бир бора босилганча босилмас қайта излар,
Сўқмоққа ёғмагунча юлдузларнинг шуъласи.

Саратон янглиғ ташвиш бордир ҳали олдинда.
Унчалик осон эмас меҳнат-ла топмоқ қадр.
Ота-деҳқон халқимнинг шижоати олдида
Асрлар мудраб ётган саҳро надир, чўл надир...

Бу шан юмушлар ичра бошингиз бўлсин омон,
Энг покиза тасалли — эртанги саодатдир.
Умрингиз боқий бўлсин, токи боқийдир замон,
Иқбол ҳамхона бўлсин, истиқбол бўлсин дастур.

Сиз борсизки, дунёда — соҳир аъмолим маним,
Соҳирдир байналмилал, соҳирдир бу ҳуррият.
Сизнинг фарзандингиздир шу суюкли Ватаним,
Сизнинг фарзандингиздир — Коммуна, улуғ ният.

Шул буқилмас ният-ла тақдиримни боғларман,
Бариси ҳам меники, бу йўлда неки зоҳир.
Умидимни, умримни шул йўлларга чоғларман,
Бу ниятдан қутлуғроқ дунёда не бор, ахир!..

ЯПРОҚЛАР ЯШИЛЛИГИ

Менинг соз туйғуларим, келганингиз рост бўлсин,
Унутилсин кутганим, соғинганим интизор.
Қалбимни макон тутган ғамгин наволар ўлсин,
Туғилсин муҳаббатим ихтиро этган баҳор —
Япроқлар яшиллиги.

Бу қадим боғлар узра куйилсин-да ёмғирлар,
Бу ёмғирлар кўксига ювилсин-да кудурат.
Ғуборсиз само янглиғ очилсин яна сирлар,
Нигоҳимга топинсин не сеҳрли бу суврат —
Япроқлар яшиллиги.

Силсила карвон бўлиб учаётган мезонлар
Уйқуларга чўмсин-да, мудроқ ишқим уйғонсин.
Силсила карвон бўлиб ўтаётган бу онлар
Этагига чирмашган ҳаётимга чулғансин —
Япроқлар яшиллиги.

Бу дунёда неки бор, бари ҳам оний дерлар,
Зотан, ўйлаб кўрсангиз, не ўйлар ҳам толар-ку,
Орзулар соясида қолса ҳам неча эрлар,
Бу соялар ўтар-да, орзулар-ла қолар-ку
Япроқлар яшиллиги.

Саргашта бу хаёлот бир кун келур, олур тин,
Саргашта бу коинот тиним билмасин алҳол.
Бу кўҳна жаҳон узра ким ҳам бўлибдир устун,
Кетсам-да, менинг бирлан кетажак не хуш хаёл —
Япроқлар яшиллиги.

АЁЗ ЭРТАГИ

Яна аёз игна санчар паллалар,
Яна тошдек тўниб қолар-да денгиз,
Муз остида қолган мунис аллалар,
Юрагимга тиғдек кирингиз!

Мен ҳам талвасада қолайин мисли —
Сайёд камонидан алданган оҳу.
Ёдимга келмоқда чечаклар исми,
Ёдимга келмоқда нурлар нигоҳи.

Ёдимга келмоқда оқшом маҳали,
Ойнинг ойдинида чўмилар орзу.
У балким қалбимга қайтади ҳали
Ва ё орзудайин унутилар у.

Балким унутилар ишқнинг куйлари
Ва насиб этмаган ойдин келинчак.

Бугун тўкилар-у ёмғир сувлари —
Эрта туғилади чечаклар бешак.

Эрта туғилади тошқинлар, нурлар
Ва келар тўлишиб мен кутган баҳор.
Нигоҳим қатига беркиниб улар,
Қалдирғоч парвозин этаркан такрор.

Қалбимни тирнаркан дилрози йиғи,
Нигоҳим йўл узра тушаркан хомуш
Ва тўфон ичинда адашган туйғу,
Баҳорий ҳисларни кўрар экан туш.

Яна ёдга келар ишқнинг куйлари,
Ёдимга келади ойдин келинчак.
Шаррос тўкилару ёмғир сувлари —
Шошилиб туғилар чечаклар бешак...

ЗАНГОРИ ХАЁЛЛАР

Бор эканми бу бошимда ложарам савдо,
Қоламанми оташ ҳислар қўйнида энди.
Унутилган боғлар яна солдию ғавғо,
Менинг эса тўйиб-тўйиб куйлагим келди.

Сени қўмсаб қайтмоқ бўлди кечмиш
сония,
Хаёл ундар олисларга — келди, деб
баҳор.
Ўзлимни унутдиму югурдим шунда,
Қадимгидек сархуш тортиб отганда наҳор.
Соз далалар оғушига олдию мени,
Дарё суви кўнглим каби тошди қайтадан.

Олисларга олиб қочгум келдию сени,
Олислардан тополмадим сени, оқбадан.

Қалдирғочлар қўйгил, дея келишди
хушҳол,
Қўй, қайғурма, излаганинг топилар ҳали.
Йўқ! Керакмас — баҳор келди, кечмишим,
хуш қол,
Эҳтирослар ёмғирдайин ёғмоқ маҳали.

Бир хўрсиниб уйғонади маъсума куртак,
Ёмғир урар, дарёларнинг юзи тирналар.
Дунё — қўшиқ қўйнидаги феруза эртак,
Юрагимга кўчиб келар мовий турналар...

КЕТАР БЎЛСАНГ...

Агар кетар бўлсанг, бахтингни очсин,
Тонглар тўшагингда уфор этсин гул.
Йўллар оёғинга парқулар сочсин,
Масъуд кунларингда ўйнагил-кулгил.

Агар кетар бўлсанг, тунларинг ойдин,
Соҳир тушларинга юлдузлар кирсин.
Мен-ку сени кечдим, кечирдим, лекин
Йиллар кечмишингни кечсин, кечирсин.

Агар кетар бўлсанг, севгил,
севилгил,
Ҳижрон деганининг ёнидан ўтма.
Саҳарлар недандир энтикса кўнгил
Мендан-да ўкинма,
мендан-да кетма.

Кетар бўлсанг —
Қайтар эшигингни қаттиқ беркитма...

* * *

Энтикиб боради ҳорғин далалар,
Пойимни куйдирар қадрдон тупроқ.
Севгимдан чечаклар унар паллалар,
Агар қайтмоқ бўлсанг, қайта қол тезроқ.

Неларни келтирса саратон менга,
Барини-барини қолдирдим сенга.

Шамоллар киради боғлар қўйнига,
Борлиққа чўқади сокин рутубат.
Яна хаёлимга келасан нега,
Унут муҳаббатим, чекилган ғурбат.

Неларни келтирса ҳазонлар менга,
Барини-барини қолдирдим сенга.

Изғирин кўзимни очирмас яна,
Лоқайд нигоҳимга ёғилади туш.
Шошилиб келаркан бу он жимгина
Совқотган куйларга тўлади оғуш.

Неларни келтирса қаҳратон менга,
Барини-барини қолдирдим сенга...

Ёмғирнинг ҳидига тўлади дунё,
Очилиб боради куртаклар масрур.
Шошқин жилғаларда чўмилади ё
Шодон гўшаларга югуради нур.

Неларни келтирса навбаҳор менга
Барини-барини қолдирдим сенга.


* * *

Сокин тортган далаларга ёмғир қуяди,
Тўкилади самолардан мунгли хаяжон.
Чақмоқ урган дарахтзорлар унда қуяди,
Қалдироқлар кучоғида ухлайди жаҳон.

Сокин тортган далаларга ёмғир қуяди,
Гўё чорлар жангҳоқларга хазин дўмбира.

Хув, камалак кўзларига сурма қўяди,
Ёмғир урган ойна қўллар тортганда хира.

Сокин тортган далаларга ёмғир қуяди,
Тебратади булутларнинг бешигин само.
Яна баҳор тошқинларга мени қувади,
Яна оташ ҳислар кезар вужудим аро...



Сулаймон ОБЛОҚУЛОВ

1954 йили Бухоро область Шофиркон районида туғилган. Ҳозир Тошкент темир-бетон заводида ишлаб, ТошДУ филология факультетининг сиртқи бўлимида таҳсил олмоқда.

ЖУРЪАТСИЗЛИК

Севдингни, ёрингни дадил қўлтиқлаб,
Одамли кўчадан одиминг ташла!

Ш у ҳ р а т

Киши бирор ишни қилиш кераклигини сезиб туради-ю, қилмайди, нимадир демокчи бўлади-ю, демайди. Ўзи билади бироқ: ўша ишни қилса, ўша нарсани деса, яхши бўлади. Лекин негадир, ўзи ис-тамаган ҳолда, шу «яхши»дан воз кечади-да, сўнг бундай деб ўзини оқлайди: ҳаф-салам келмади, журъат қилолмадим, қўлим бормади.

Тўғри, керакли сўзни шартта айтиб, қилиниши керак бўлган ишни дарҳол қиладиган кишилар ҳам бор. Бундайларни одатда, журъатли одам, десалар-да, бироқ улар ҳам юқорида айтилган ҳолатдан мустасно эмаслар. «Қизиқ,— деб ўйларди Анвар (у автобусда ўтирибди),— ҳафсала келмаса келмасин! Журъат йўқ бўлса, йўқолсин! Бир ишни қилиш керакми— қил-да! Бир гапни айтиш керакми— айт! Бориш керакми— бор! Вассалом!»

Анвар дипломат кўтариб турган йигитдан кўзини узиб, ён-берига қаради. Автобусда ҳамма ўринлар банд. Тўрт-беш киши тик турибди. Йўловчилар диспетчер будкаси томонга қараб-қараб қўйишади. Ана, ўша томондан ҳайдовчи кела бошлади. У рулга ўтирганда, автобус силкиниб кетди, эшиги қарс этиб ёпилди. Анвар беихтиёр ўйлади: нега у ўтирганда автобус силкиниб кетади-ю, бошқалар чиқса

бундай бўлмайди? Дарров жавоб ҳам топди: чунки ҳайдовчи «Мен келдим!» дегандек, шиддат билан ўтиради.

Йўловчилар жонланиб қолишди. Автобус кўзғалгач, Анварнинг хаёли яна ёнида тик турган йигитга жалб бўлди: қўлидаги каттакон дипломатини боядан бери дам у қўлига олади, дам бунисига ва бўшаган қўлини дарҳол юқорига чўзиб туткичдан ушлайди.

«Қўли толяпти,— деб ўйлади Анвар.— Дипломатини менга бериб, олиб тур, дейишга эса журъат қилолмайди. Шундай деса яхши бўлишини билади, лекин айтмайди. Тўхта, мен нега айтмаяпман? Узим айтсам ҳам бўлади-ку. «Дипломатингизни беринг, олиб ўтираман»— нега шундай демайпман? Шунга айтиш— «яхши» эканлигини биламан-ку». Анвар айтмоқчи бўлди. Тараддудланди. Қўлай келсин, деб ўйлади. «Индамай ўтиравеганим яхши эмасми?» Жаҳли чиқди ва бирдан айтди:

— Беринг дипломатингизни, қийналиб кетяпсиз!

Йигит дарров қўлидагини узатди-да, миннатдорчилик билдирди. Анвар юрагида қандайдир бир иликлик, самимийлик пайдо бўлганлигини ҳис қилди. Қизиқ. Икки оғиз сўз. Шунга айтди. Энди қандай яхши!

Анвар ётоқхонага келганида, кун пешиндан оққан, ҳамхонаси Темир бошини чойшабга буркаганича ётган экан. Эшик очилганда у жаҳл билан бошини кўтарди:

— Э, Анвар, санми? Яна биттаси гургурт сўраб кирдим, дебман. Уч марта кириб уйқумни бузишди. Бировини жўнатсам, бирпас ўтар-ўтмас тагин бирови сўраб кирази. Уни ҳам жўнатиб энди кўзим илинса, яна эшик тақиллаб қолади: «Гургуртинглани беринглар, газни ёқиб олай! Ҳай, қалай! Яхши бориб келдингми? Уй ичинглар омонми?»

— Раҳмат, соғ-саломатлар,— деди Анвар, семиз портфелини ёнига қўйиб стулга ўтираркан.— Кеча тушда кириб боргандим. Бугун худди ўша пайтда чиқиб келавердим. Бир сутка уйда бўлдим-да. Эртага— ўқши, иш.

— Ҳа,— деди Темир,— эртага яна етида турамиз. Яна ишга, яна ўқишга бориш керак. Кечки курсни ҳам чидаганга чиқарган-а, Анвар?— Анвардан жавоб бўлмагач, жим қолди, сўнг шипга қараб ётган ҳолича, ўйчан товушда гапира бошлади:— Сенга ҳар қалай яхши: уйинг бир қадам. Автобусда икки соатлик йўл. Ман эса, «ЯК-40»да бир соату ўн беш минут учишим керак.

— Бу ётишингда-чи, сен ўша самолётдан ҳам қолиб кетасан,— деди Анвар ҳазиллашиб.— Кўп нолий бермасдан, тур бундай. Узи ҳам ётганиннга бир сутка бўлгандир?

Анвар чойнакни олиб чой қўйишга чиқди. Қайтиб кирганида Темир ётган жойидан деди:

— Анвар, яна ўн беш минут ётай, жўра. Соат уч бўлсин.

— Шунда ётганиннга бир сутка бўладими?

— Ўн олти соат. Кечаси ўн бирда ухлагандим.

— Ўн олти соат...— деди Анвар ўйчан.— Улиб қолмадингми шунча ухлаб?

— Сан мани роппа-роса ўн олти соат ухлайди, дейсанми?

— Ухламай, ўйлаб ётасанми?

— Ўйламайман ҳам. Нима десам экан. Бундай бўлади: уйқуга қонганимдан кейин уйғонаман. Йўқ, уйғонмайман. На уйғоқ бўламан, на ухлоқ. Шундай дардисар бир ҳолат. Ётавераман, ётавераман. Лекин ўзим билиб ётаман: туриш керак. Турсам яхши бўлади. Шундай ётавериш— ёмон. Қилиниши керак бўлган қанча ишлар қолиб кетаяпти. Шуларнинг ҳаммасини билламан-у, лекин бари бир туролмайман. Ётавераман...

— Шундай бўлади, де,— деди Анвар

қулиб, уни боя автобусда ўйлаганлари билан Темирнинг гапидаги бу ўхшашлик ҳайратда қолдирган эди.— Менга қара, Темир,— Анвар жиддийлашди.— Нима бўларкан энди, ўша лаҳзада, яъни туриш кераклигини билиб турган, билиб туриб... турмаётган лаҳзангда...

— Туролмаётган, де.

— Йўқ, турмаётган! Қандай қилиб энди, «туролмас» экансан? Оёқ-қўлинг— ишлайди. Ҳеч қаеринг— оғриётгани йўқ. Хуллас, ўша турмаётган лаҳзангда нима бўлади, турсанг! «Ҳоп!» десанг-у, турсанг!

— Туролмайман.

— Чунки турмайсан.

— Чунки туролмайман.

— Турмайсан.

— Туролмайман.

— Туролмайсанми? Кел бир тажриба қилиб кўрайлик-чи. Ҳозир, майли, сенингина бўлсин дейлик: «Туролмайсан...» Лекин сен энди бир тур қани, ахир! Қандай қилиб «туролмас» экансан. Қани, «ҳоп!» де-чи!

Темир ростданам «ҳоп», деди-ю, сакраб турди ва соатга қараб деди:

— Энди роппа-роса ўн олти соат бўлди.

Бир оздан сўнг улар стол атрофига ўтирдилар. Темир дастурхондаги тўғралган яхна гўшт, тухум, турли ширинликларга тикилиб туриб, ўйчан товушда деди:

— Онамни соғинибман.

— Хат-пат ёзасанми?— деб сўради Анвар, қўлида арчаётган тухумдан кўзини узмай.

Темир гўштан олар экан, деди:

— Ёзаман дейман-у...

— Бўлди. Тушунарли.

Улар бир неча дақиқа жимгина овқатландилар. Бир оздан сўнг Анвар:

— Биласанми, Темир,— деди жимликни бузиб,— автобусда келаётиб ҳафсала, журъат тўғрисида ўйладим. Одам агар бир ишни қиламан деса, қиларкан. Масалан: уйда, кўчада, дейлик, бир юмушни бажариш хаёлингга келди. Ёки бир ҳодисанинг устидан чиқиб қолдинг. Уша ҳодисага аралашинг керак эканлигини билиб турибсан. Ушанга аралашмаслик— виждонсизлик. Биласан. Лекин сенда қандайдир бир куч: «Э, қўй шуни!» дегандай бўлади. Шундай пайтда-чи, биласанми, нима қилишинг керак? «Э, қўймайман шуни!», де-ю, қил.

Анвар автобусдаги воқеани айтиб берди ва хулоса қилиб шундай деди:

— «Насихат» учун узр, бироқ эшит: журъатсизлик қилсанг, аввало, ўзингга душманлик қилган бўласан. Баъзида эса,

Бу даҳшатли шаҳарга ҳам обориши мумкин. Анварда «журьятси» деган сўзнинг унги шунини тунушса бўлса қорақ, худди «шунини «туролмайман» деганингга ўхшаб.

Иродда чи! — деди Темир.— Бусиз қадр-ана билан журьятинг бир пул эмасми!

Иродани эса тарбиялаб бўлади.

Анвар уйдан келган кунининг эртасига, кеша экин, шаҳар чеккасидаги камқатнов бир йўлкадан тез-тез юриб келарди. У ишдан қайтмоқда эди. Бугун фавқулодда бир кўтаринки руҳда ишлади. Қанча иш қилиб қўйди-ю, чарчаганини сезмади. Одам завоқ билан ишласа шундоқ бўларкан. Самосваллар кетма-кет бетон-қориниша келтириб турибди. Анвар, гоҳ қўлида болсурак, бадьяга бетон юклайди, гоҳ самосвалнинг тик кўтарилган кузовида соли турганича, унга ёпишиб қолган қоринишани қиртишлайди, гоҳ вибраторни олиб, қотиб бораётган бетонни суюлтиради. Кўтарма кран темир изда ғийқиллаб нари бери бориб келади, оғир материаллари наstdан юқориға, юқоридан паста оқиста кўтариб-тушириб беради. Қаёққа қараманг — шағ-шуғ, тақ-туқ! Меҳнат! Киши меҳнатдан завқланиб кетади бундай лиҳзаларда. Меҳнат қилгиси келади кишининг. Ишга бутун вужуди билан берилган Анвар тушлик пайти бўлганини ҳам сезмай қолди. Бирпасда овқатланиб келди-да, бошқалар домино ўйнашга ўтиргач, қураётган тўққиз қаватли биноларининг туртиги қаватига кўтарилди. Бу ерда сўнгги пардоз ишлари борарди. Анвар кварталларининг кенг, ёруғ хоналаридан-хоналарига ўтиб, янгигина оқланган, оппоқ деворларни ҳавас билан сийпалаб қўяр, бу уйлари яқинда янги оилалар кўчиб киришини кўз олдиға келтириб, ўзича уларни шундай жойлаштириб чиқарди: бу хонаға ота-она гўдаклари билан, буниси каттароқ ўғил-қизлариға ажратиш, мана бу учинчи хонани эса меҳмонлар учун безатиш мумкин. Анвар бирдан кулимсираб қўйди. Унинг хаёлиға курсдоши Роҳила келган ва жилмайиб: «Биз-чи, Анвар ака? Биз қайсида турамыз сиз билан?!» деяётгандок бўлган эди.

Ҳа, Анвар ҳам квартира олишни кутаяпти. Бироқ талаб катта ҳозир тураржой биноларига. Уқишлари тезроқ битсайди. Бутун умрларини Роҳила билан қурувчиликка бағишлардилар. Қурувчи-инженер! Бундан яхши касб борми дунёда. Ҳали улар шундай биноларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқсинларки...

Анвар ҳозир, ишдан қайтаркан, бутун баданида ёқимли бир ҳорғинлик сезарди. Бу ҳафтада уйига бормаса ҳам бўлади. Дам олиш кунги Роҳилани киноға таклиф қилсамикан. Шу пайт анчадан буён кўкда сузиб юрган қоп-қора булут бир зумда қуюқлашиб кетди. Гўё тун чўккандай бўлди. Анвар телаға қаради; ташвиш билан пичирлади: «Ёмғир ёғади. Яна қатқалоқ, яна қайта экиш. Пахта бу йил кечикса керак».

Ёмғир томчилай бошлади ва тезда шатир-шутур қилиб қўйиб юборди. У қадамини тезлатди, югурди. Тезроқ метроға етиб олиши керак. Бекатга икки юз одимча қолганда, бирдан тўхтади: бир йигит кимнидир ерга ётқизиб олиб тепаётган эди. Улар панада, ҳар хил бочкалар, темир-терсақлар уйиб қўйилган ерда бўлганлари учун дарров кўзға ташланмасдилар. Ерда ётгани туришға уринар, лекин, оғзи-бурни демай тушаётган тепкилар зарбидан кўтарилла олмасди. «Ердам бериш керак. Улдириб қўяди. Аблаҳ!» Анвар алаглаб, бу атрофда бошқа ҳеч кимни кўрмади. У муштлашаётганлар тарафға жадал юриб бораркан, юрағига кўрқув тушди. Ҳатто орқасига қайтмоқчи ҳам бўлди. «Ерда думалаб ётган одам мен бўлганимда-чи», деган фикр хаёлидан ўтди. Қайтмади. Узини ўшанинг ўрниға қўйиб тасаввур қилди. «Нималар хаёлидан ўтаётган экан ҳозир бечоранинг?»

Анвар югурди.

Ёмғир қуймоқда. Икки йигит юзма-юз турибди. Учинчиси ерда ётибди. Уларнинг сочлари, уст-бошлари ҳўл, лой. Улар ғазабдан титрашиб, бир-бирларига дерди: «Буну урма!» «Йўлингдан қолма.» «Буну урма!» «Йўлингдан қолма!»

Ёмғир тинмай қуяди.

Улар бирдан олишади, талашади, лойда думалашади.

Бу ҳолдан ғазаблангандай, ёмғир уларни аёвсиз савалайди. Улар эса бир-бировини узоқ қийнайди. Мадорлар қурибди, қўллар ёқаларни чангаллаганича, ҳаракатланмай қолади ва шунда тил калимаға келади: «Буну урма.» «Йўлингдан қолма.» Яна олишади, яна талашиб, яна қийнаш!..

Анвар «Оҳ!» деганича ўнг биқинини чангаллади. Даҳшатли оғриқдан кўз олди хиралашиб ўтириб қолди. Бир зумда қўли, уст-боши иссиқ қонға бўялди. «Тезроқ касалхонаға... Уламан...» — шу гап келди хаёлиға. Бошини кўтариб, атрофига аланлади. Бояғи бола қочиб борар, унинг орқасидан иккинчиси — ҳали, инқиллаб ёт-

гани, йиқилиб-судралиб қувлар, алланима деб қичқирарди. Ёмғир бир оз пасайган эди. Пичоқ санчилган биқинидан тўхтовсиз қон оқар, тобора дармони қуриб борар, уни ҳеч ким кўрмас, узоқдан йўловчиларнинг ёмғирдан қунишганларича, безовта югуришлари кўриниб турарди. «Ҳозир ҳушимдан кетаман. Ҳеч ким билмайди. Киши қонни кўп йўқотса, хушдан кетади. Кейин ўлади». Одамларга яқинроқ бориш керак. Анвар бир амаллаб турди-да, зилдай оғирлашган оёқларини зўрға судраб, метрога элтадиган асфальт йўлкага қараб юра бошлади. Эҳ, тезроқ уни биров кўриб қолса эди! Ичи ёниб бораёпти. Тезроқ касалхонага жўнатишса эди. У ерда операция қилишади энди. Унинг эсига қайсидир фильм лавҳаси тушди. Ушанда бировига пичоқ урганларида, ўртоқлари уни операция қилишганди. Унинг соғлиғини сўраб келган кишиларга семиз ҳамшира чиқиб: «Михдай!», деганди. Фильмни томоша қилаётганлар кулиб юборишувди... Анвар жилмайишга ҳаракат қилди. Қани, жилмая оладими. Улаётганда баъзан шундай қилишади. Киноларда. Бор кучини тўплаб, бир жилмаяди-ю... ўлади. Нималар деяпти бу ўзи! Наҳотки... Э худо! Йўқ, йўқ. Ана, яқин қолди. Ҳозир уни одамлар кўриб қолишади. Тезда, албатта, касалхонага жўнатишади. Унинг ҳам ҳаётини сақлаб қолишади. У ҳам, ахир, бировнинг ҳаётини сақлаб қолди-ку. Анвар аралашмаганида ўлди-

рарди. Қизиқ, нима қасди бор экан унда. Майли, нима бўлганда ҳам уни бир фалокатдан қутқарди. Унинг ҳам ҳаётини сақлаб қолишади. У ўлмайди. О, ўлим қандай даҳшат! Анварнинг кўз олдидан бир зумда: онаси, дадаси, укалари, таниш-билишлари бир-бир ўта бошлади. Ҳали у қанча ишлар қилмоқчи. Қанча нияtlари бор...

Анвар ниҳоят, асфальт йўлкага чиқиб олди. Даҳшатли оғриқдан букчайиб яна бир неча қадам ташлади-да, йиқилиб тушди. «Тамом, энди туролмайман», муздай асфальтда юзтубан ётаркан, шундай деб ўйлади у. Қулоғи остида нимадир чиқ-чиқ-чиқ қилаёпти. Нима бу? Ҳа, соати. Яна қанча эшитиб тураркан бунини? Эшитилмай қолса — ўлгани. Наҳотки шундай ўлиб кетса. Йўқ, ҳозир одамлар ёрдамга етиб келади. Ҳали эшитяпти. Ҳозир кўриб қолишади. Уни касалхонага олиб боришади. Ана, кимдир ушлаб кўраёпти, шекилли. Одамлар гапираёптими? Ҳа, уни кўриб қолишган. Хайрият! Ҳозир олиб кетадилар. Тезроқ, тезроқ... У ўлмайди энди. Ана, яна ушлаб кўришяёпти. «Тез ёрдам» келганга ўхшайди. Врач кўраёпти шекилли уни. Ҳозир опкетадилар. У ерда ҳушига келади. Яхши бўлади. Яхши бўлади. Шундай қилсалар яхши бўлади...

Ахир биладилар-ку: шундай қилсалар яхши бўлади...

Бахтиёр РИЗО



1951 йили Жиззах областининг Зомин районида туғилган. С. Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ҳозир Жиззах область телевидение ва радиоэшиттириш комитетида ишламоқда.

УЙҒОНДИМИ ҚУШИҚЛАРИМ...

* * *

Анқиб қолди ҳавода яна
Ялпизларнинг хушбўй қўшиғи.
Ироқлашиб кетди жимгина
Осмонларнинг зилол бўшлиғи.

Хушбўй қорлар кўмар боғларни
Саҳарларнинг ойдин бағрида.

Юрак аста борар боғланиб,
Фаслларнинг гулгун шаҳрига.

Орзуларда ажиб сармастлик,
Хаёллар ҳам сочади атир.
Менинг учун ҳамма-ҳаммаси
Эндигина бошланаётир.

* * *

Осмон бепоёнدير бугун хаёлдан,
Осмон орзулардан кўра тиниқроқ,
Мовийликдан қаро кўзларим толгай,
Юрагимни қуршар майин бир
титроқ.

Ана, учаётир саф-саф кабутар
Замин ва самонинг қоқ орасида.

Тинчлик қувонч билан қовушар
Эртадан умидвор кўз қорасида.

Шу лаҳза кўнглига кирар осойиш
Орзуларни аста эркалай бошлар.
Мени тинчитмайди қайсар бир
хоҳиш.
Титраган қўлларим қалам тарашлар.

* * *

Ойдин кеча —
Сукунатнинг асири,
Мен билмайман,
Яна ненинг бандиман.
Фақатгина
Соғинч тўла қўшиқлар.
Кўз ёшидек
Сизиб чиқар қалбимдан.

Ойдин кеча —
Сукунати ўртайди.
Сукут эмас,
Ўртар балки ёлғизлик?!
Жоним, энди
Йиллар ётар ўртада,
Ётар сукут —
Энг ҳудудсиз олислик.

БАҲОР

Бўтана сувларга термиламан,
Мажнунтолнинг кокилларидек
Илашади... мавжларига хаёлим.
Мажнунтолнинг кокилларидек
Хаёлларим япроқ ёзар жим.

Юракда ҳам ёзилар барглрар.
Туйғулар —
Зангори япроқ тусида..
Уйғондими кўшиқларим,
Қиш уйқусидан?!

* * *

Ёрни фарқ этмоққа чоғландими кўк?
Ивиб кетди уйлар.
Кўчалар, боғлар.
Фақат, далаларгина
кўнгли тўқ.—

Жилмайиб ётибди шу дилгир чоғлар.
Қайга ҳам боради далалар оқиб,
Денгизга кўшилиб кетмайди.
Бари бир булутларнинг
Денгиз яратишга умри етмайди.

ҚИЗ ХАЁЛИ

Ёмғир томчилайди ўйчан, оҳиста,
Истарман, шовиллаб жала қуйсайди.
Юракда ловуллаб интизор ҳислар,
Ҳаммаси-ҳаммаси сени қўмсайди.

Ёмғир томчилайди ўйчан, оҳиста,
Истарман: шовиллаб жала қуйсайди.

Хув, кимдир келмоқда отини қистаб,
Кошки, мағрургинам, бу сен бўлсайдинг.

Ёмғир томчилайди ўйчан, оҳиста,
Истарман: шовуллаб жала қуйсайди.
Эгнингги ҳўл этиб, оқиб юз-кўздан
У сени бағримга ҳайдаб, қувсайди...

* * *

Йиғлай-йиғлай ухлади ёмғир,
Мудраб қолди бебош шамоллар.

Ивиган тун тин олар оғир...
Хўрозлар тонг йўлин чамалар.

МАНГУ ОЛОВ

Энди мумкин эмас ёнмаслик,
Имкон ҳам йўқ

чекинмакликка.

Ғалабанинг шавқидан мастлик
Айлантирди мени бахтлига.

Мана

гулхан ловуллаётир,

Севги рангидадир ёлкини.

Ёниб қолди сўнги ҳаётим,
Қуламаслик учун қалқиниб.

Энг сўнги йўл — мангу ёнмоқлик,
Дўст, душманнинг кўзи олдида
Ва шу кўйи кириб бормоқлик
Олис келажакнинг қалбига.

Энди мумкин эмас ёнмаслик!

* * *

Долғаланар ҳаво денгизи,
Кўкларга сапчиди,
Шаффоф тўлқинлар;
Менинг шиддатли юзим
Дунёнинг нафаси билан тўқинар,

Осмонга айланар кўкрак қафасим.
Томирларда қирмиз рангли
Шамол чопади.
Мен эса титрайман ўзимни босиб,
Ҳайкал ясаётир мендан тоқатим.

* * *

Саноқли кун қолди баҳорга,
Юракнинг кўксимга
Келмас сиққуси,
Туйғуларни чорлар сафарга.
Бўғриққан тупроқда —
Гулларнинг иси.

Кенгайиб кетгандек
Туюлар осмон,
Уфқлар ҳам чекинаётир.
Етилган тупроқдек
Ҳаприқар юрак —
Унда ҳам чечаклар етиляётир.



Сирожиддин САИДОВ*



ТУШЛАРИМГА КИРАР БИР ДАРАХТ

* * *

Ҳлли маъсум туйғуларингни
Кўпмай туриб йилларнинг ели,
Тунлар бузиб уйқуларингни
Сен кўпларга бўлдинг севимли!

Ҳилас билан боқди кўп она,
Қилмоқ учун бахтиёр келин.
Сен бир ўзинг якто, ягона,
Кўплар сени севарди лекин.

Тиб келди баҳордай, мана,
Қизлигининг маъсум камоли.

Таҳликада оналар — яна
Тўлинойдай тўлмиш жамолинг.

Дунё бир ён, ошиқлар бир ён:
Охир олиб кетдилар сени.
Сен тўлишган бир сулув жаҳон —
Қай онанинг бахтли келини?!

«Ким экан ул бахтиёр ўғлон,
Қандай бахтли она экан у?»—
Оналар жим — қилади армон,
Ошиқлар жим... Сақлашар сукут...

* * *

Бу қизнинг офтобда қорайган юзи
Ранг олиб яшади қиш бўйи қордан.
Бу қизнинг офтобда қорайган юзи
Қордай оппоқ бўлиб келди баҳорга.

Офтобда қорайган елкаларини
Қиш бўйи қорлардан яширди бу қиз.
Офтоб нури эмган билакларини
Қиш бўйи қорлардан яширди бу қиз.

Қиш бўйи бу қизнинг баданларини
Қорлардан яширди иссиқ пальтолар.

Бари бир, бажарди айтганларини —
Қизни оқартирди бари бир қорлар!

Бу қиз, ечинаркан кўзгу олдида
Лол қотиб термилди ўзига у кун:
— Елкамни қай йўсин кўриб қолди-я,
Қорлар баданимни кўрмаганди-ку?..

Қуёш ўт пурқайди. Ёз. Кўриб қолдим
Қирғоқда бу қизнинг кўйлақларини —
У қуёшга тоблаб, қорайтирарди
Қордай баданини... елкаларини...

* Альманахнинг илгариги сонларида тавсия этилган авторлар ҳақида биографик маълумот берилмайди.— Ред.

ЧОРАК УМР

Она, баланд эди буйинг бир пайтлар,
Буйим ўса-ўса ўтди елкангдан.
Заминдан оқарган сочингга қадар,
Она, сен буйингни менга бергансан.

Ота, баланд эди бир пайтлар буйинг,
Буйим ўса-ўса елкангдан ўтди.
Ота, нима бўлди, сен ўсмай қўйдинг,
Ота, нега буйинг бир зумда чўкди?

Буйинг баланд эди бир пайтлар, ака,
Буйим ўса-ўса етди елкангга!
Жуда кўрқаяпман, ака, бу буйим
Ўсиб кетмайдими сендан эртага?

Эртага жилмайиб боқоламанми
Болаликдагидай тиззаларингдан?
Дераза, бир пайтлар сен баланд эдинг
Келинчак сепини тизганларида...

Йиллар баланд эди мендан бир пайтлар,
Ойларнинг оёғи остида юрдим.
Бир зумда ўсибман белингга қадар,
Буйинг баланд эди бир пайтлар, умрим!..

Ўтмишим, бир пайтлар буйинг паст эди,
Ҳаттоки тиззамга етмасди қўлинг.
Бугун сенинг қўлинг бўғзимга етди,
Ортимда қорайиб турибди буйинг...

* * *

Самолётлар учди. Учдилар йиллар.
Поездлар, шаҳарлар қилдилар парвоз.
Дарахтлар учдилар, учди кенгликлар,
Учди неча баҳор. Учди неча ёз.

Учди машиналар олиб васлингни
Мен томон, энг азиз ҳижронинг томон.
Сен севги аталган гулгун фаслингни
Ўтли тезликлардан сақладинг омон.

Йиллар осмонида учдик, севгилим,
Етмоқ-чун манзилга — бир-биримизга.
Булутлар бағрини ёриб чиқдик жим,
Бизлар учиб кирдик тақдиримизга.

Биз тиндик. Қалб сенга кўксини тутди,
Сочингга кўмилиб яшар бармоқлар.
Йигирма ёшимни кўчалар ютди,
Ўн тўққиз ёшингни кўмди сўқмоқлар.

Шаҳарлар биз учун учмагай энди,
Поездлар биз учун боғламас қанот.
Бизни ўзимизга қолдириб, тинди
Йиллар осмонида бизнинг самолёт.

Бу ёғи... қанотнинг кераги йўқдир,
Бу ёғи жимгина ёнгувчи олов.
Севгилим, олдинда неки манзил бор,
Юракларнинг ўзи етказар яёв...

* * *

Хуршид Давронга

Тушларимга кирар бир дарахт.

Ҳаволарда ёмғир ҳидлари,
Уланади тушларим ёдга:
Тушларимга кирган дарахтнинг
Илк япроғи келар ҳаётга...

Тушларимга кирар бир дарахт.

Ҳаволарда совуқ тараддув
Узилади тушларим ёддан:

Тушларимга кирган дарахтнинг
Сўнги барги кетар ҳаётдан.

Тушларимга кирар бир дарахт.

Андух каби қора... япроқсиз
Уйғонаман! Шўр ёш лабимда.
Тушларимга кирган дарахтнинг
Илдизлари инграб
қалбимда.

* * *

Хатлар ёздим: «Бормисан, сингил,
Дарахтларим менинг омонни?
Мен омонман: танимоқдаман
Гоҳи баланд, гоҳ паст инсонни».

Хатлар ёздинг: «Ака, бормисан,
Тушунарсан балки мени ҳам:
Шаҳар бориб ўқимоқчиман,
Нетай, рухсат бермаслар онам?!»

Хатлар ёдидин: «Формисан, ака,
Веллунича владими пул?
Жаънашим менинг ҳам катта,
Тугалниман ушши мён бу йил...»

Сен қаёқсан дунёда, синглим,
Мен хаёлга бахш этгайман тил.
Ниллар утар... отарми йўлим,
Ниллар утар... отармикин йил?

Юртимда туғилган шафқат
Камол топса агар бехато...
Нулумдаги ҳар қандай ҳайрат,
Мени бир кун қилгайдир адо!..

Сенинг бўлса тақдиринг хаёл —
Конвортларда учиб келган қуш.
Сен дарахтсан.. қийнаган савол,
Сен хаёлсан... кўринмас товуш...


Қишлоқ: баҳорлари силкиниб
Туйғуларинг кўтарганда бош,
Қутлар сени биринчи бўлиб
Эрта кириб келган қалдирғоч.

Шаҳар: тунлар ўхшар хатарга,
Хавфлар босиб ётар кўксини —
Онам бу шубҳали шаҳарга
Ишонмайди сендай қизини!

Тушуниш бу — қийналиш демак,
Қийноқ гоҳ бахт, гоҳи пушаймон.
Тушунмасдан соф қолмоқ керак,
Сен соф қолгин, пок қол, сингилжон!

Соғинаман дарахтлар билан
Бирга, баъзан меҳру қадрни.
Соғинаман, хаёлингдай соф
Хатларингда келган шаҳарни.

Ойгул СҮЮНДИКОВА



Ойгул — пайариқлик ёш шоира. У шеър устида тинмай меҳнат қилади. Ана шу меҳнат самараси ўла-роқ, ёзганлари тиниқлашиб, теранлашиб бормоқда.

ОНА ДУНЁ, ОЧ ҚУЧОҒИНГ...

* * *

Туйғуларим тирик гулдир, япроқлари ям-яшил
Улар ўтли юрагимнинг қат-қатида яшайди.
Мен уларнинг, жоним борки, сўлишига қўймам йўл,
Улар менинг садоқатим, севгим билан яшнайди.

Туйғуларим тирик гулдир, япроқлари ям-яшил
Мен уларни қулдираман, қайғуларни ўлдириб,
У кулади, дунёдаги уриб турган жаами дил
Боғларини меҳр ва завқ қудрати-ла тўлдириб.

АЁЛ ҚАЛБИ

Аёл қалби айланади ёш гўдакка шод-хуррам,
Ёш гўдакдай оқ қўшиқлар куйлаб қолар бу дунё,
Аёл қалби айланади ям-яшил япроқларга,
Япроқлардай эзгу ўйлар ўйлаб қолар бу дунё.

Аёл қалби айланади тўхтаб қолган ирмоққа,
Бундай дамда дунёнинг ҳам куни битади гўё.
Аёл қалби айланади ҳазин-ҳазин бир куйга —
Аёл кутган баҳодирни дунё кутади гўё.

Аёл қалби айланади оқаетган дарёга,
Шу дарёдай жўшқин-жўшқин ҳис билан тошар дунё,
Аёл қалби айланади кулиб боққан кўёшга,
Шу кўёшнинг қудратига ишониб яшар дунё.

* * *

Тоғ шамоли каби елиб келмоқда тоғ қизлари,
Кўёш билан бирга-бирга кулмоқда тоғ қизлари.

Үт қарашлар тун бағрида чақнаган чақмоқ мисол,
Юракдаги ғашликларни тилмоқда тоғ қизлари.

Тоғ баҳори каби дуркун тўлишар тоғ қизлари,
Бирам мағрур, бирам сулув бўлишар тоғ қизлари.
Мен юрмаган сўқмоқларнинг, кўрмаган булоқларнинг —
Кўшиғини, достонини билишар тоғ қизлари.

* * *

Мен кўшиқман, юрагимда бўронларнинг акси бор,
Шу бўронлар қудратидан оппоқ тонглар кулар шод.
Мен кўшиқман, юрагимда қуёш нури рақси бор,
Уфқларнинг қизғиш ранги яшар мангу барҳаёт.

Мен кўшиқман, гоҳо меҳр, муҳаббатдан ҳам безиб,
Алам ёшин ичга ютиб узоқларга кетолган.
Мен кўшиқман, гоҳо билмай соф юракларни эзиб,
Ўз қилмишим, ўз айбимни бир зумда унутолган.

Мен кўшиқман — кенг дунёнинг кенг қалби, орзуси жам,
Чексиз дунё тўлиб борар экан чексиз зиёга.
Шу кенг дунё юрагига сиға олган шодлик ғам —
Меники ҳам, дегим келар қутлуғ она дунёга.

ОҲУЖОН

Кўзларингда бир дунё ҳадик бордир, оҳужон,
Сенга боқиб юрагим синган тордир, оҳужон.
Кўй, титроққа тушмагил, менки сайёд эмасман,
Атрофга боқ, шўх наво, шўх баҳордир, оҳужон.

Қара, уфқ бизлардан узоқдадир, оҳужон,
Тингла, олам оҳанги япроқдадир, оҳужон.
Ҳар лаҳзада сафо бор, ҳар қатрада наво бор,
Нега нозик вужудинг титроқдадир, оҳужон.

Кўрайин кўзларингда қуёш нурин, оҳужон.
Сен ҳам англа, қалбимнинг завқ, сурурин, оҳужон.
Бирга-бирга кезайлик шу тоғларнинг бағрини
Бирга-бирга сезайлик тоғ ғурурин, оҳужон.

Балки шу дам кўзларинг шўх боқадир, оҳужон,
Бу боқшинг дунёга хуш ёқадир, оҳужон.
Жилғалар тиним билмай, булоқлар майин-майин
Кўзларинг қўшиғидай очади сир, оҳужон.

* * *

Отингни тез мингин, ўғлон, пойга ҳам бошланмоқда,
Узни эр деб санаганлар майдонга ташланмоқда.
Аминманки, оқ отингга, ўзингга ишончинг бор,
Ҳаяжоннинг зўриданми, кўзларим ёшланмоқда.

Ҳалоллигу ўктамликни, сурурни истар пойга,
Осмондай соф, тоғдай баланд ғурурни истар пойга.
Эл ишқини қозонмоқлик шараф эрур, бахт эрур,
Ҳар ўғлонни ғолибликка чорлар ва қистар пойга.

Мовий осмон омад тилар ва ҳатто яшил япроқ,
Шамол бу дам гўдак каби кула бошлайди қувноқ.
Сен ўғлонлар ўғлони бўл, ўтар йўлларинг ҳақда
Мардлингни қўшиб мен ҳам қўшиқ яратай оппоқ.

Олдинга ўт, унда сени алвон уфқлар кутар,
Олдинга ўт шон-шухратга тўлиқ қўшиқлар кутар.
Менинг бир зум узилмаган шодон нигоҳларимда
Эл-юрт сенга адо бўлмас меҳр-муҳаббат кутар.

* * *

Ҳайкаллар қошида ҳайратда кўнгил
Турфа хаёл билан тўлғонади жим.
Буюк туғёнларга тўлиқ аср, йил
Менинг ўйларимдай учар бетиним.

Ҳайкаллар қошида ҳайратда кўнгил,
Жонсиз танадаги тирик тилакка.
Боқсам, бир дард билан эзилади дил,
Тирик танда урган ҳиссиз юракка.

* * *

Сендан ўзгани ўйлаш менинг учун гуноҳдир,
Сендан ўзгани куйлаш менинг учун гуноҳдир.
Сен десам юрагимда ҳам қувончдир, ҳам оҳдир,
Булар бари — сенга пинҳон қалбимдаги азиз сир.

Гулларим совуқ елдан бевақт сўлгандир балки,
Қалбим сенинг ғамингда пора бўлгандир балки.
Чақмоқлар аламидан қаҳ-қаҳ кулгандир балки,
Осмон ҳам менинг каби бу тун тўлгандир балки.

Йўлларингда гул эмас, менинг меҳрим ёнадир,
Меҳрим, ишқим самимий — сохталик бегонадир.
Балки қалбинг бу меҳр, садоқатдан тонадир,
Билмам, у дам ким шоду қай кўнгил ғамхонадир.

* * *

Она дунё, оч кучоғинг, қизил гуллар тўлдирай
Қалбимдаги садоларнинг ранги бордир бегумон.
Бу гулларни ҳидласа гар, ишонч билан мен айтай:
Ҳар бир юрак олов рангли қўшиқ куйлар беармон.

Она дунё, оч кучоғинг, оппоқ гуллар тўлдирай,
Оппоқ-оппоқ қўшиқларга айланиб кетдинг хуррам.
Бу гулларни ҳидласа гар, ишонч билан мен айтай,
Оқ бўлади ҳар бир дилнинг айтган ҳар бир сўзи ҳам.



Насиба ХУДОЙБЕРДИЕВА

ТошДУ журналистика факультетининг IV курс талабаси. У анчадан бери шеърлар машқ қилади. Самимият, нозик кузатувчанлик, майин туйғулар Насиба шеърларининг яхши фазилатлари сифатида эътиборни жалб этади.

ЮРАГИМНИНГ ЧАМАНЛАРИ

* * *

Уфқ ер, осмоннинг туташ четидан
Кички шафақларга ранглар излайди.
Қалбим оловланар бир ҳис тафтида,
У баҳордек дилдор қўшиқ истайди.

Қалбимда бир истак, шошқин ўйларим
Ажиб оҳанглارнинг мавжида қолса.

Бу — олов гулшанда бир лаҳза эмас,
У мангу гуркираб аланга олса.

Тез англаб ололмас, ранглар жимирлар,
Қалбим титраётир илҳом кафтади.
Ана митти ёлқин пориллаб борар,
Уфқ ҳам ёнади қуёш тафтида.

* * *

Узоқ-узоқ тикиламан юлдузларга
Само тафти юзларимга урилади.
Узоқ-узоқ тикиламан, осмон узра
Юлдузларнинг оқшом базми қурилади...

Ёниқ-ёниқ ҳислар қўнар юрагимга,
Улар осмон сирларига йўғрилади.
Коинотнинг бир номаълум бурчагида,
Янги юлдуз туғилади...

* * *

Ҳазонларда кузнинг сўнги имкони,
Ғамгин йўлақларни супуради ел.
Ёддан кўтарилган сурат мисоли
Япроқлар тўрига урилади сел.

Ёмғирда ивиган ғамгин йўлақлар
Баҳор лавҳаларин соғинтиради.
Кўзларинг муҳаббат ҳаққин
сўроқлаб
Тунлар тушларимга дайдиб киради...

* * *

Қўшиқ оғир, симлар оғир,
Битта-битта таралар...
Тилсиз, совуқ пардаларни
Соғинчларим яралар...

Соғинчларим дийдорингиз —
Юлдузлардан излайди.
Онажон, сиз суйган қўбиз
Олис-олис бўзлайди...

Соғинчларим — Онам, сизсиз,
Сифинганим — Онам, сиз.
Баланд учган турналардек
Олислашиб кетдингиз.

Қўшиқ оғир,
симлар оғир,
Битта-битта
таралар...

* * *

Шабнам кўнар киприklarимга...
Кўкда учар бир жуфт кабутар.
Шабнам кўнар, интиқ нигоҳим
Кабутарни ҳамон кузатар.

Шабнам кўнар, ёнар томчилар,
Киприklarим куймакдан бери.
Ҳижрон шаклин чизар кабутар,
Кўзда сўнгги висол сурури.

...Шабнам кўнар, олислар изинг,
Мен ҳам ундан йироқ кетаман.
Само бўм-бўш, самода кўзим,
Билмам, ундан кимни кутаман.

Шабнам кўнар, мовий самодан
Узилолмай қолди кўзларим.
Умид каби қорачиғимга
Чўкиб кетди сенинг изларинг...

* * *

Ёмғир ёғар...
Шимарилган билак билан
Шамол кузак япроқларин узар-узар.
Хотиралар хилватларда мудраётган
Парчалардан наврўз отлиқ сурат чизар...

Ёмғир ёғар...
Ўзлигимни унутаман,

Мен тобеман эрта баҳор ҳисларига.
Оқ мактубга бир сатрлик соғинч бўлиб,
Йўл соламан ўз юртимдан олисларга...

Ёмғир ёғар...
Шимарилган билак билан,
Шамол кузак япроқларин
узар-узар...

* * *

Сарғайган хазонлар...
Кечиккан дийдор...
Денгиздан қувилган ёмғир беватан.
Ғамгин кўзларингнинг осмонларида
Юлдузлар — беватан, сўзлар — беватан.

Соҳилни тарк этган бир қайиқ монанд
Шу кенг сайёрада ватансиз, дайди,—
Хазонлар — баҳордан,
ёмғир — заминдан
Ва дийдор кўзлардан ватан излайди...

* * *

Чаманзорда гул танлар шамол...
Япроқларда баҳор ислари.
Шудрингларда тебранар хаёл,
Ғунчаларда висол излари.

Сукунатнинг тақдири тушар
Эрта баҳор туманларига.
Ёлғиз сўқмоқ бесўроқ кирар
Юрагимнинг чаманларига...

БЕТХОВЕН

Мен руҳимда,
бўронларни яратдим,
Денгизларни шопирган бўронларни.
Йўл сўнггида
имконларни яратдим,
Руҳимни кашф этган имконларни.

Тангри, дея тож кийдирди бошимга
Юрагимни ватан тутган табиат.
Сукунатлик рангин тўкди қошимда
Асрлардан тилсиз ўтган муҳаббат...

Мен руҳимда бўронларни яратдим...

* * *

[Рус халқ эртаклари руҳида]

Тунлари тушларим қирғоқларига
Урилар денгизнинг шовуллашлари.
Шу оқшом кўзларим мудроқларида
Тўлқинлар бир ажиб қўшиқ бошлади:

— Мана, соҳил томон сураш шаббода
Олис-олислардан оппоқ кемани.
Ўзга соҳиллардан келар шаҳзода,
Қошига чопаман, бахт чулғар мени.

Кемадан отилар мушаклар юзлаб,
Оқ шоҳи рўмолим қўлда ҳилпирар.
Йироқ-йироқлардан бир умр излаб
Юрганим,
Кутганим — шаҳзода келар.

Оқ кема, оқ кема, афсонангни айт,
Мен бу тун малика — соҳиллик келин.
Қаро тун, қаро тун, шиддатингдан қайт,
Шамоллар, тўлқинлар, мададга келинг...

Тунлари тушларим қирғоқларига
Урилар денгизнинг шовуллашлари...

* * *

Оқшом чўкар оқ тераклар қўшиғига,
Турналарнинг овозидан юлдуз кўчар.
Қорачиқдек,
кўкнинг ҳадсиз бўшлиғига

Оқшом чўкар...
Юракларин бўшаттириб кўз ёшида,
Оқ тераклар япроқларин тўкар-тўкар.
Остонада,

келинчақдек,
тонг қошида

Оқшом чўкар...

* * *

Тонг ювадир тўлқин сочларим,
Тўлқинларин занжирларини.
Сен шабнамсан — суйган қўшиғим,
Шабнамларга кўмайин сени.

Сен қоясан менинг наздимда
Ва мен ўзим оҳу бўламан...
Сен тилсимот,
Ҳайрат измида
Мен-чи — хаёл сурган боламан.

Балким мен ҳам сенинг наздингда
Қоядирман

ва бир тилсимот.
Шовуллайди денгиз кўзимда,
Тўлқинига сен ўзингни от.

Тонг ювадир тўлқин сочларим
Тўлқинларин занжирларини...

Қурбон ШОНИЁЗОВ

1950 йили Қорақалпоғистон АССР Беруний районида туғилган. Самарқанд Давлат университетини 1972 йили тамомлаб, ҳозир Беруний район «Пахтакор» газетасида ишламоқда.



ЖАЙҲУН ТАРОНАЛАРИ

Мен Жайҳуннинг қирғоқларин севаман жондан,
Қирғоғига тўшин урган қушчаларин ҳам.
Мен бу ернинг сўқмоқларин севаман жондан,
Энтикаман қамишзорлар шовиллаган дам.
Севаман мен бу масканнинг шўрхоқ ерларин,
Саратонин севаман мен оловдай ёниқ,
Севаман мен харобазор бўлган Фил қасрин,
Одамларин севаман мен офтобдай тиниқ.
Мен даъвогар эмасдирман бу юрт шониға,
Зотан ўзим шу ерликман, шу ер фарзанди.
Буюк ерга лойиқ фарзанд бўлмоғим учун
Не қилолдим, не яратдим боболар каби?
Боболар-ку ўтмишини қарғаб беомон,
Ўтсалар ҳам, мангуликка бўлдилар тимсол.
Бугунги кун кулиб турса ажиб ҳур замон,
Нега бизлар бўлолмаймиз фарзанд — баркамол?!
Албат бордир бизда куч ва сабот, матонат.
Шижоатни олганмиз-ку бобо қонидан.
Аждодларнинг руҳларига қилмай хиёнат,
Ғурурлансак ўринлидир улар шонидан.
Мерос экан боболардан эзгу маърифат,
Улар тутган илм машъалин тутайлик баланд.
Ана шунда шу буюк юрт фарзанди деган,
Олий номга бўлгумиздир бизлар мушарраф.
Султон Вайис тоғи каби шуҳрати баланд,
Абу Райҳон тупроғидир шу кичик маскан.
Шуҳратига шуҳрат қўшсин бугун ҳар кимса,
Шу масканни тўлиб-тошиб Ватаним деган.
Бургут парвоз қилса агар бемақсад эмас,
Илинжида олиб учар қандайдир ният.
Аждодлар ҳам кетдилар-ку дунёдан абад,
Лек уларнинг эзгу иши бугун ҳақиқат.
Демак яшаб кетавермоқ бемақсад, беун,
Имонингни сотмоқ билан бўлар баробар.
Одамлар бор юрти учун азиз бир умрин,
Иккиданмай халқи учун бахш этиб кетар.

Эсганида қирларида бебош шамоллар,
Ғазал каби дилбар, латиф туюлар менга.
Қишлоғида меҳнат қилар оловқалб қизлар,
Улар ҳусни кўшиқ бўлиб қуйилар дилга.
Мен шу элнинг шеър айтувчи кичик зурёди,
Мағрур урар фахрларга тўла бу қалбим.
Қайда бўлмай, юрагимда шу маскан ёди,
Она тупроқ муҳаббати қалбимда доим.


ҚИШЛОҚ КУКЛАМИ

Юзларни сийпалаб изғиради ел,
Новдалар қисирлар эгилиб, синиб.
Бирдан чақмоқ чақиб ёғар қаттиқ сел,
Қизғиш булут бирдан қолади сўниб.
Қишлоқ томларининг нақ тепасида
Ногорасин чалар момогулдирак.
Чироқ ёруғида пайпоқ тўқиркан,
Кампир чўчиб тушиб, ушлайди юрак.
Зумрадранг баҳорнинг оқшомларида
Илҳоми жўш урган шоирлар талай.
Қайдандир чўпоннинг чайласидан ҳам
Баҳорий ҳисларни куйламоқда най.
Шамол булутларни қувар йироққа,
Кумуш нурларини сочар оймома.
Қутурган бўрон ҳам тўхтади таққа,
Чакиллар бўғотдан сув тома-тома.
Қишлоқ яшаради гўё келинчак,
Ялпиз ҳиди бирдан урар димоққа.
Писиб келган битта ўспирин ҳадеб
Ҳуштак чалар қўшни ҳовлиси ёққа.
Итлар паналардан чиқар ҳуришиб,
Қушлар вижирига тўлади олам.
Қўшни қиз кўзида сеҳрли ҳадик,
Уйидан чиқолмай йиғлар, ёстиқ нам...
Неки гўзаллик бор оламда бари,
Баҳордан зеб олиб яралган бешак,
Она юрт, баҳоринг қандай гўзал, о!
Гўзаллик бормикан сендан ҳам юксак?!

* * *

- Эй қиз, кўзларингга биргина боқай,
— Йўқ, йўқ, керакмас!
- Эй қиз, сочларингга гулчамбар тақай,
— Йўқ, йўқ, керакмас!
- Хўп десанг сен билан дарёдек оқай?
— Йўқ, йўқ, керакмас!
- Хўп, хайр бўлмаса, уйимга қайтай?
— Вой, йўқ... Керакмас...

Маҳмуджон ЮНУСАЛИЕВ



1946 йили Фарғона областининг Матқулбод қишлоғида туғилган. У Қўқон Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тамомлаб, ҳозир ўрта мактабда ўқитувчилик қилмоқда.

ҚИШЛОҚДАН КЕЛЯПМАН

Хайриддин Салоҳга

Онам оқ йўл тилаб қолди тонг-саҳар,
Йўлимда учрамас қўрқинч ё хатар,
Бағрингдан жой берган, шовқинли шаҳар,
Қишлоқдан келяпман,

она қишлоқдан!

Ялпизларнинг ўткир бўйини олиб,
Ариқларнинг майин куйини олиб,
Ўн саккиз ёш йигит ўйини олиб,
Қишлоқдан келяпман,

она қишлоқдан!

Қалбимда бургутнинг журъати бордир,
Сойларнинг тезлиги, шиддати бордир,
Вақт селида ўчмас суръати бордир,
Қишлоқдан келяпман,

она қишлоқдан!

Сахий одамларнинг сўзи мендадир,
Меҳр-ла порлаган кўзи мендадир,
Офтобда қорайган юзи мендадир,
Қишлоқдан келяпман,

она қишлоқдан!

Қишлоқ нафасини олиб келяпман,
Меҳрини юракка солиб келяпман,
Илҳом рубобини чалиб келяпман,
Қишлоқдан келяпман,

она қишлоқдан!

ДЕҲҶОНМАН

Бонистема тун чоғи ойни кўндириб,
Тунроқдан розику рўз торган деҳқонман.
Қабибалининг қурили нурдай сингдириб,
Анжардан мининга берган деҳқонман.
Сиздин кечаларда эгат оралаб,
Кўшар посбон каби юрган — ўша мен.
Нис тула тулига қўйиб чанқоқ лаб,

Беғубор хаёллар сурган — ўша мен.
Чаноқлар оқ қўшиқ айтган паллада,
Бахтимга боққандек боққан — ўша мен.
Тонгларни қаршилаб чексиз далада,
Чаккамга қўшчаноқ таққан — ўша мен.
Юксакни бургутдай кўзлаган жонман,
Пахтадан оқ тоғлар уйган деҳқонман.

ПАХТАЗОР КЕЧАСИ

Оломон деҳқон қалби янглиғ мусаффо,
Он жилмайиб сочар ҳовуч-ҳовуч нур.
Деҳқоннинг ўйидай кезади сабо,
Тула баргларида ялтирайди дур.
Пахтазор устида судралади тун,
Бу тунга бепарво боқолмас ҳеч ким.
Шунчалар сокинки, чиқмайди бир ун,
Чаноқлар оқ қўшиқ куйлашади жим.

Гўдакнинг муштира келган кўсақлар,
Лабини очишиб этар табассум.
Ёғдуга тўлмишдир яқин-йироқлар.
Оппоқ шуълалардан қамашар кўзим.
Балки киришмоқ-чун терим жангига,
Деҳқон ширин тушлар кўрганча мудрар.
Ўз ўрнин бериш-чун серташвиш тонга.
Тун кулранг тўрини қайгадир судрар.

ҚЎШИҚ СЕҲРИ

Расул қори Мамадалиев хотира сизга

Қўшиқ ҳаволайди самони тилиб,
Юлдузлар тинглайди беун чарақлаб.
Қўшиқ ҳаволайди гўё нур бўлиб,
Туннинг кучоғи ҳам кетар ярақлаб.
Менинг юрагимга муҳаббат солиб,
Бийрон тилгинамни этиб кўяр лол.

Ариқнинг лабида хаёлга толиб,
Бош эгиб эшитар ҳатто мажнунтол.
Муғаннийнинг ўзин кўриб тургандай,
Дарахтдай тебраниб, тинглар оломон.
Қўшиғида қалби уриб тургандай
Қанча юракларни сеҳрлар ҳамон.

ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Она тупроқ, ёмғирдай куйлаб,
Муҳаббатим изҳор этурман.


Бир кун ёмғир каби қўйиб лаб,
Кучоғингга сингиб кетурман.

* * *

Ел эсса сарғайган япроқ тушади,
Гала қуш сингари кўпроқ тушади.

Кимдир шу япроқдай узилса ногоҳ,
Менинг юрагимга титроқ тушади.

Акбар ЮНУСОВ



1942 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Урта мактабни битиргандан сўнг заводда, қурилишларда слесарь, монтажчи, пайвандловчи, дурадгор бўлиб ишлади. У ҳозир Граждан саноат қурилишининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасида дурадгорлик қилмоқда.

ХОТИРА

Эшикнинг табақалари шамолда тебраниб мунгли ёғирлади. Ҳовли ўртасидаги супада омонатгина ўлтирган чол ялт этиб қаради-ю, лекин бориб ёпмади.

Уй ичидан икки йигит нақшлари қорайиб кетган қалъа сандиғини кўтариб чиқаётган эди, чолнинг ўғли тўхтади.

— Сандиқ қолаверсин. Буни олинглар,— деб у қўлидаги китобларни йигитларга тутқазди—да, яна хонага шўнғиди.

Кеча бошланган кўчиш бугун ниҳоясига етди. Чолнинг ўғли ҳовлига чиқиб, атрофга аланглади:

— Ота, кабинага чиқасизми?

Чол сесканиб тушди. Уғлининг қувониб гапириши унга ёқмади.

— Йўқ, бугунча мен қоламан,— деди.

Чол худди ўғлининг ялинишидан кўрққандек шахт билан ўрнидан турди, дарвоза томон ошиқди. Машина эшигининг қарсиллаб ёпилгани, моторнинг гуриллаб ўт олганини эшитиб, кўнгли аллақандай бўлиб кетди. Орқасига ўгирилиб, кузови тўла машинанинг тор кўчага бурилиб, аста-секин узоқлашиб кетишини кузатди.

— Кетди!— деди у ўкинч билан.

Ҳовлига сукунат чўқди. Чолнинг назарида ҳали ҳеч нарса ўзгармагандек эди. У ҳовлини яна бир бор айланди. Ерда ётган ёғоч парчасини четга олиб ташлади. Осилиб турган ток новдасини тузатиб қўйди. Кейин пастак айвон олдида тўхтади. Ботаётган куёш нурлари кетмон тиғида акс этиб қизғиш ловулламоқда эди. Бу кетмон унга ота мерос. Ҳа, отаси раҳматлидан шу кетмон ва парча ер қолган.

Отаси раҳматли ном чиқарган полвон ўтган. Меҳнатда унинг олдига тушадигани бўлмаган. Инқилобдан илгари ариқ қазишдаги ишлари билан одамларнинг тилига тушиб, доврўғи генерал-губернаторга ҳам етган экан. У ўз аёнлари билан айлана-б-тебиб чиққанда, янги ариқни томоша қилаётиб, иш бошқарувчисидан бу чапдаст кетмончини ҳам чақиртирган.

— Бунга айт, уни мукофотламоқчиман, нима истар экан?— деб сўраган.

Тилмочдан бу сўзларни эшитган содда деҳқон йигит узоқ ўйламай:

— Қўлимга тушадиган кетмон йўқ, каттароқ қилиб ясатиб берсангиз,— дебди.

Бу истакни эшитган губернатор роса кулибди—да, чол хоҳлагандек кетмон яса-тиб беришни буюрибди.

«Эй, қизиталоқ, суви кўп ердан уч-тўрт ботмон ер, бир жуфт ҳўкиз сўрмайсанми? Кўнгли эриб турганда фойдаланиб қолмайсанми, хумкалла», деб кўлига кўнган бахт қушини ушлаёлмай учириб юборган полвоннинг қилмишига қаттиқ ачинганлар кўп бўлган ўшанда.

Губернатор ясатиб берган кетмон роса хизмат қилди. Ишлатила-ишлатила юзи ҳам яримлаб қолди. Чолнинг эсида: бир вақтлар отаси бу кетмон сенга оғирлик қилади, деб унга бермасди. Ҳозир чолнинг ўғли ҳам уч бўйрача келадиган ерни чополмайди, чарчаб қолади. Айтгандек, унга кетмоннинг нима кераги бор? Ози на ерини бекорчиликдан гул экиб, тагини юмшатиб юрарди. Энди учинчи қаватдан уйда кетмонга на иш, на ортиқча жой бор.

Чол ишганини бугот остига яшириб, наринини қоллида ҳовли айланиб юрди, ўз жонини тиндири қилиб тўхтаб қолди: келишини келиш керакмиди? Кераги йўқ. У умрида биринчи марта обқ кийимини ечман кийганини кирди-ю, сесканиб ортига қолди. Шунингдан хонада эски-туски нарсалар сочинган ва бетакаллф оёқ изларини Ғ раббим, уй ҳам кўзга шундай ғариб нуриладими! Чолинг кўнгли чўқди. Мининга қўйилиб қолаётган фикрлардан қочини, ҳозирги аҳволни тан олмай, инкор қилини қолар, лекин иложи йўқ, буларнинг ҳаммаси ҳақиқат эди. Кўчага чиқиб одамлар билан ҳасратлашгиси, кимгадир дардини ёргиси келди. Аммо қаерга боради? Маҳалладагиларнинг аксарияти кучиб кетган, қолганлари ҳам кўчиш ташвишида. Вақт зиқ. Ҳамманинг тилида «Ваннаси кафол қилинган», «Иккинчи қават», «Марказ бўлиб қолади» ёки ғишт, тахта, устга топиш тўғрисидаги гаплар. Дардинини кимга ёришни билмайсан киши. Суҳбатдошини ҳамдари бўлмаганидан кейин гап қовушиб, кўнгил ёзилади дейсизми? «Менга нима бўляпти ўзи? Ташвишим бошимдан ошиб, бекорчиликка қул тоғмасди. Энди шу ҳовлидек ғариб ва қораксиз бўлиб қолдимми», деб ўйлади чол.

Бу ҳол қачон рўй берди ўзи? Ҳа, уйлари бузилиши аниқ бўлган куни эди. Уша куни ота-бола ўртасида маслаҳат бўлиб, бу ҳовлига ҳўкм ўқилган эди.

— Уғлим, бир парча бўлса ҳам, ер олсанг. Ҳар қалай, эски ускуналар бор, ишга ярайди чамалашимча...

Чол кечалари билан ўйлаб, қурилайтган иморатни кўз олдига келтирган, ҳатто ҳашарга ҳам кимларни айтишни кўнглига гўгиб қўйган эди, аммо ўғлига бу гап маъқул тушмади:

— Ота, уй курсак қийналиб қолмай-мизми,— деди.

— Дунёда осон иш борми, ўғлим,— деди у ўғлига умид билан термилиб.

— Лекин...

— Хўш?

— Замон талабини ҳам ҳисобга олиш қорак. Ишим кўп, ота, вақтим етмайди. Бор умрим ўқишга кетяпти. Замон билан баробар қадам ташлаб юриш учун кўп иш қилиш керак. Ишдан сўнг дам ҳам олиш керак, шунга яраша шароит ҳам бўлиши керак.

— Ахир, ўз уй-жойингиз...

— Қанча уйлар қуряпмиз, кимга? Газ, телефон, ванна, Участка курсак қийналиб қоламиз, дада. Неварларингиз ҳам...

— Уларга нима бўлибди?

— Шу ҳаётга кўникиш керак. Бири музика, бири спорт билан шўғулланса, кейин икки тилни ҳам билмоғи керак. Келинингизга ҳам осонроқ бўлади. Утин-кўмир ташвиши йўқолади. Ҳар қалай, марказ яхши-да, ота.

Чол ўғлининг келини билан келишиб, ишни аллақачон пиштиб қўйганини сезди-да, ич-ичидан зил кетди.

— Майли, ўғлим, ўзингиз биласиз. Мен нимакини ўйлаб, бирор ишга қўл урсам, сизни ўйлайман. Ўзингизга ёққанини қилинг,— дея ўрнидан туриб кетди.

Суҳбат тамом бўлиб, ўғли квартира ҳаракатига тушди. Мана, кўчиб ҳам кетди. Хўш, мен нега улар билан кўчмадим? Йўқ, у ҳеч қаёққа бормади, шу ерда қолиши керак.

Чол қатъият билан эшикни тамбалади. Ҳовлида айланиб, айвондаги тушиб кетган ғиштни ўз ўрнига қўйдию ҳолсиз ўлтириб қолди. Ўзини кучсиз ва чарчагандек сезди. Нима ҳам қила оларди? Қўлидан нима иш келади унинг? Эл қатори юриши керак. Унга нима бўлди ўзи? Бу қандай ҳиски, унинг бутун вужудини қамраб олиб, исён кўтаряпти. Йўқ, у бойликда кўп ҳам кўнгил бермаган, ўртамиёна ҳаётга шўкур қиладиган инсон-ку! Йўқ, бу ер унинг хонадонни. Эшиқдан келган мезбон ундан изн сўраб ичкарига қиради, кўнгли, хошишига қарайди. Бу—унинг ёп-ёруғ дунёси—Ватаннинг бир бўлаги. Ишдан чарчаб келгач, шу хонадонда тинчиб дам олади, тинчгина ухлайди. Уз табиатига мослашган одатига кўра, унинг ҳамма истакларига бўйсунган ҳовли бу. Йўқ, балки бошқароқдир? Юрагидаги дардини қандай ифодаласа экан? Бу хонадон унинг ҳаётини кўрган. Бу ерда жонсиз нарса йўқ. Ҳар бир дарахт, ҳар бир гувала жонли гувоҳ шодлигию ғамига. Ҳаммаси у билан сирдош бўлиб келди ахир!

Бу ерда қанча умр сувдек оқиб ўтди. Сувққ ўлимнинг дахшатли тиғи қалбини шафқатсиз тилиб ёрган бўлса, тантанаси қалбини қитиқлаб, янғи орзу-умидларни бахш этувчи чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Хўш, нима бўлибди? Ахир, ҳаёт бор ерда ўлим бор-ку! Инкор этишга илож йўқ. Ўзи ҳам ўлганларга кўп қайғуриб йиғлаганларни ёмон кўрарди. Йўқ, инсон ўлимга кўниккани йўқ, балки шунинг учундир, у шу хонадоннинг ер юзидан йўқолиб кетишини хоҳламаётгани?

Чолнинг фикрлари чалкашиб, уни бирпас гангиратиб қўйди. У келини ташлаб кетган эски кўрпачага чўзилди, ҳорғин кўзларини юмди.

Қуёш ботди. Ҳовлига қоронғилик чў-

киб, ундаги бор нарсаларни ўз оғушига ола бошлади. Уйда чироқ йўқ. Қурилишдагилар симларни узиб кетишган эди.

Ярим уйқу ҳолатида, ярим ҳушсиз, чекка томирлари оғриб ётган чолнинг кўзи илинди. Оз вақт ўтмай даҳшатли туш кўрди. Баҳайбат гугурт қўтисидек тўрт-бурчак, осмонўпар уйлар қалбга зирқироқ солувчи таҳқирли шовқин билан чолнинг ҳовлисига ёпирилиб, бостириб келмоқда эди. Уларнинг катта-катта, ялтироқ кўзлари юмилмай, ҳеч нарсани писанд қилмай, дуч келган тўсиқни қамраб, ўз ҳукмига олаётгандек эди.

Чол сесканиб уйғонди. Ҳовли ёнидаги қурилишнинг иккинчи сменаси иш бошлаган, чароғон ёритилган қурилиш майдончасида қудратли техника гурилламоқда эди. Чолнинг уйқуси қочди, ўрнидан туриб шосуна ёнидаги толга суянди. Эскилик емирилаяпти. Аср тақдирга тараққиёт, янгилик ўз ҳукмини ўтказаяпти. Нега инсоннинг ўзи яратган ва интилган янгиликларга кўникиши оғир-а? Балки кексаларга шундай туюлар? Ахир, ҳозир унинг ўгли хотини билан хурсанд ҳолда квартирасини безаш билан оворадир? Янгича ҳаёт, қутилмаган янгиликлар... Фарзандлари худди азалдан бордек газ, телефон, ванна ва бошқаларига ҳам тез кўникиб кетишади. У-чи, ким билади дейсиз? Кўзи кўриб, қони қотган ҳаёт бошқача эди. Эсини таниб шу ерга кўчиб келишганда атроф шувоқзор; тиккайган дарахт йўқ эди. Айвон ёнида ҳужра. Икки туп ёввойилашиб кетган ток. Аста-секин боғ, экинзор пайдо бўлди. Қизиқ, гоҳида умр ўтиш билан ўн йилларни бир-бирига таққослайсан-да, ўзинг хайрон қоласан киши. Нақадар ўзгарган. Аста-секин ўзгариб боришини эса сезмай қолар экансан-да.

Балки ўн йилдан кейин шу ерга келиб, ўзинг ҳам танимай қолсанг керак. Ажал омон берса, балки кўрар. Ҳозирча, эсиз, «Нур ака экан» ўриқзор кетди, ёнғоқзор бағрини ёриб, бульдозер тумшугини тираб турибди. Навбат кўрғонга! Йўқ, нега энди? Кимга керак паҳса гуваладан қурилган иморат. Кейинги вақтда ўгли қурган фиштин иморат ҳам бор. Аммо тўрт қазатли темир-бетонли уйларга етиш қаяқда? Инсон қурби етган сари харажати ҳам катталашади. Авваллари зўрага етишган нарсаларни назарга илмай кўяди.

Ҳа, шу Чилонзорда фақат иккита икки қаватли фиштин иморат бор эди. Иккаласи ҳам мактаб: йиллар давомида тикланиб, не вақтгача тилдан тушмай, юрган иморатлар эди. Эндигиси кўзиқориндек ўсиб

чиқаяпти, одамлар ҳам шунга кўникиб қолишаяпти.

Ой чиқиб, ҳаммаёқ унинг сутдек нурига қўмди. Тераклар худди келаётган хавфни сезгандек аста-секин, тинимсиз шивирларди. Иморатлар қатор тизилишган, мана бу ерда ёшлиги ўтган, у кўзини юмиб ҳам шифтдаги тоқиларни юйлашни, хариларнинг кўзга кўринмас кўзли ерларини билади. Неча ойдин тунлар шу шифтга тикилиб ширин ва ташвишли хаёллар сурмаган?

Илк севги, аёл муҳаббати нашъаси ва оталик ҳислари шу хонада жўш уриб қалбини тўлқинлантирган.

Биринчи фарзанд шу хонада туғилган. Ўзи ҳам уни кўргани шу хонага қандайдир ўнғайсиз аҳволда каловлиниб кириб келган эди. Уртага тўшалган кўрпа-тўшакда ётган хотинининг чарчоқ, уялиқираган юзида ширин, бахтиёр бир нур ўйнар эди. Шу пайт ёнидаги оқ чойшаб қимирлади. Йиғи товуши атрофни тутди. Аёл бутун дунёни эсидан чиқариб аста қақалоқнинг устига энгашди. Ота эса қалбидаги тугёни босолмай аста боққа чиқиб, не-не орзулар билан дарахтлар орасида кеза бошлади. Лаблари унсиз, лекин қалби бутун дунёга жар солар эди: «Ўғлим!» Дарахтлар эндигина баргларини тўка бошлаган; ўриқнинг қизғиш барглари ерда ёйилиб ётар эди. Беҳи шоҳида қолган яккаю ягона мева сарғайиб мўралайди. Ҳосилини тўкиб, аста тин олаётган боғнинг осуда гўзаллиги фарзанд кўрган аёлнинг чеҳрасидаги оғир, машаққатли бахтиёрликнинг давомига ўхшар эди. Ушандан бери у кўзни севиб қолган ва саҳарлаб боғда сайр этишни сира қанда қилмаган, аммо ҳозиргача сайрга, боғнинг хушбўй ҳавосига тўймаган эди.

Ўғли кучли, қўрқув билмайдиган бўлиб ўсди. Чол ортиқча эркататмас, лекин қалбидан суяр эди. Шаҳарда ишларди. Уйлантира олмади. Уруш бошланиб, қуришга бошлаган иморати чала қолди. Шу ҳовуз атрофида уни сафарга жўнатиш тўйи бўлди. Қўй сўйилди, патирлар ёпилди. Кўпчилик кузатди, кейингисини эса ўзи кузатди. Ҳамманинг қайғуси ўзига етарли, ташвишлари бошидан ошиб ётарди.

Қорахат келди. Туни билан хонада ҳолсиз, кўзларини шифтга тикиб ёнида хотини ётарди. Қалбини ларзага келтирган алам отилиб чиқишга тайёр. Ўзини босишга уринар, лекин кўз ёшлари из қолдириб ёноқларидан ёстиққа оқарди. Деразадан тўшаётган ойнинг нурида хотинининг ҳолсиз қўллари чўзилиб ётарди. Кейин сездик, хотини букилиб қолибди.

Она онанинг қомати фарзанд доғида куй-
ганидан қанини тик бўлар эканми?

Чолнинг қалбида оғриқ пайдо бўлди.
Раҳматли отаси: «Фарзанд доғини кўрган
инсоннинг қалбида яра пайдо бўлади,
бунга ҳам чандиғи қолади. Хотира уйғон-
ганда оғриб туради», деган эди. Ҳақ бўл-
ганилар керак, ахир фарзандларини эсла-
ганда қалбида оғриқ туради-ку! Қалбини
кўнглингиздан из қолдиради-я!

Чол ўрнига чўзилди. Осмонда юлдуз-
лар порларди. Балки минг йиллардан бе-
ри инсонлар қисматини кўравериб кўник-
кан юлдузларнинг порлашдан бошқа не
ташвиши бор?

Чол кўзларини юмди. Тушида ўғлини
кўрди. Қўлида болта, қариб, танасидаги
пўстлоқлари кўчиб ётган олма дарахтини
чопарди. Йўқ, ҳар урганда пайраха эмас,
чириган олма танасидан парчалар учиб
срга сочилмоқда эди. Чол уйғониб кетди.
Икки ёнига туфлаб, атрофга қаради. Тонг
отмоқда эди. Юлдузлар сўнган, қуёш ҳа-
ли чиқмаган бўлса-да, ҳаммаёқ ёп-ёруғ.

У ўрнидан туриб, ҳовуз четидagi ни-
ҳол ёнига чўнқайди-да, яна ўрнидан ту-
риб кетди. Кўчага чиқиб, қурилиш кетаёт-
ган жойдаги сувда ювинди. Белидан чор-
сини олиб юз-кўзларини артди. Ҳўш, энди
қаёққа? Чол яна уйига қайтди. Ўғлининг
уйи эшигини очди. Ҳеч кирмас эди. Энди
бўялган пол, шилдираб ётган қоғозларни
босиб ўтди-да, деразага ўлтирди. Уғли
кетди. Нима қилибди? Бир куни олдига
кирганда қўлидаги қоғозни очиб, «Ота,
мана янги район, бу 48-квартал, уй, бу
ҳаммом», деган эди.

Ўғлидан хафа бўлмаса ҳам бўлади.
Уйим-жойим деб эмас, балки бутун бир
шаҳар аҳлининг қайғуси билан яшайди.
Ахир унинг шундай, халқ фарзанди бўли-
шини дил-дилдан истамаган эдимиз? Лекин
чолнинг бу ғурури қандайдир аламли эди.
Уғли уни ташлаб кетдимиз? Йўқ, зўрлаб
судрашга ҳадди сизмади, кўнглига қаради.

Ҳа, у эл тилига тушадиган қаҳрамон-
лик кўрсатолмади-ю, аммо фарзандлари-
га меҳр қўйди, яхши тарбиялади, мен кўр-
сатмаганини шулар кўрсатар-ку, деб ўйла-
ди. Умидини оқлашди. Ҳеч кимнинг ҳеч
қачон унинг фарзандлари тўғрисида ёмон
гапиришга тили бормаган. Чунки, улар шу
чолнинг сояси. Йўқ, чол уларнинг сояси
бўлиб қолди. Ҳамма хислатлари уларга
ўтди. Чол шуларни ўйлаб турганда, бир-
дан ҳовли томондан таниш овоз — кички-
на неварасининг «Дада, қаердасиз?», де-
ган товуши келди.

Чол эшикка чиқса, ёшгина қизалоқ
ҳовлида ҳайрон бўлиб аланглаб турибди.

— Қани кел-чи, болам, вой менинг
қизалоғим-эй, вой менинг болам-эй,— деб
чол неварасини бағрига босди.— Ким би-
лан келдинг?

— Отам билан, машинада.

Ҳовлига чолнинг қизи ҳам кириб кел-
ди. Кўришди-ю, ҳар келганда онасини эс-
лаб йиғлаш одатини қилиб кўз ёш тўкиб
олди. Кейин амалий ишга ўтди.

— Ота, домга чиқмайсиз, куёвингиз
билан маслаҳатлашган эдим. Сизни олиб
кетамиз. Ҳовлидан сизга ҳам бир уй ку-
риб берадиган бўлдик.

Чол индамади.

Чолнинг куёви шаҳарга яқин колхозда
ишлайди. Қизи эри билан келишиб олган.
Қайнисини уйлантириб, ҳовли-жой тараф-
дудиди юрганини биларди. Майли, асбоб-
ускуналарни олишсин, ахир уларга бу
ёдгорлик бўлиб қолар, уни эслаб юри-
шар.

Ҳовлига шошиб куёви кирди. Қўлида
машина калити, саломлашиб, хотинига
юзланган эди, У:

— Ота, шошиб турибмиз, куёвингиз
яна бир марта дўконга мол олиб келиш-
лари керак эди, кетдик,— деди.

Чол кабинага чиқмади. Ҳайрон бўлган
куёвига, қизига қарамай, бортга ёпишиб,
кузовга чиқиб ўтирган эди, невараси унга
талпинди. Иккаласи машинанинг кучаниб
кетишига қулоқ солиб, узоқлаётган уйла-
рига қараб ўлтиришар эди. Уй аста-секин
кўздан йўқолиб, энди куриляётган бино-
нинг битмаган қаватлари кўриниб қолди.
Шунда отанинг кўзидан икки томчи ёш
думалади. Кўзини юмаётган чол юзида
илик, юмшоқ қўл тафтини сезиб очди.
Невараси кўзларини катта очганча унга
хайрат билан тикилиб:

— Бобо, нега йиғлаясиз?— деб сўради.

— Хотира, қизим, хотира, қани тиз-
замга чиқиб ол-чи, мана, қизим, жим кет,
хўпми.

Чол кўзларини юмиши билан қизалоқ-
нинг товуши янгради:


— Хотирангиз бижми экан. Мен адам-
га айтаман!

— Майли, қизим, айт, дунёда инсон
эмас, хотира қолади,— деди-да, неварасини
бағрига босиб, юзларидан ўпди.

Машина олдинга интиларди.

Кувовида эса чол билан қизалоқ қу-
ёш томонга боқиб ўтиришар, бир чекка-
да кетмоннинг сопи машинанинг титраб-
силкинишига монанд лиқиллаб борар эди.

Усмон ҚУЧҚОРОВ



САМАРҚАНД САФАРИ

Най озиб борадир ўз ноласидан,
Туя топтаб борар кўнғироқ додин.
Замоннинг дарбадар ҳангомасидан
Шоирнинг қалбида алами ботин.
Қуршаган лабида дардлари қотар,
Қум бўлиб кўзига қадалар уйқу.
Арузий мисралар карвондек қатор,
Сарбон матлаъларда шоҳона туйғу.
Одам тимсолида юрган ҳар итдан
Йигитлик ёшида ҳормоқда шоир.
Қочиб кетмаяпти Абусаиддан,
Дунёдан шеър сўраб бормоқда шоир.
Самарқанд, эй Шарқда беғубор қондан,
Шеърят, фикратдан тикланган маъво,
Пешвоз чиқ ўғлингга сахро томондан,
Ҳиротда етмади шоирга ҳаво.
Поёнсиз саҳронинг қизил тўзони
Қуёшни мағрибга кетмоқда ҳайдаб.
Мусаллам хомалар ётар узаниб,
Оламу одамга фароғат қайда!
Ҳали билмайдик, уфққа текилиб
Алишер бу фарёд, оху вой аро
Саройга чақирар омади келиб
Темурнинг совиған қони — Бойқаро.
Ҳали билмайдик, шоҳлик шухрати
Ўғилни отага айлаган фаним,

Фуқаро ҳурмати, юрт муҳаббати,
Ўртада ўтишин умри ўртаниб.
Тушига кирмаган Астробод ҳам,
Ғурбатни атаркан бир олтин қафас,
Асли олтин қафас қонли, муҳташам
Шоҳнинг саройидан бошқаси эмас.
Қиличлар кўриган ушбу саройда
Айшда моғор босган сармаст кимсалар.
Улуснинг аҳволин сўрмоқлик қайда,
Мазлумлар ҳолидан ким берур хабар!?
Уйлайди: адолат бўлса устувор,
Подшо одил бўлса гуллагай ватан.
Ҳали билмайдик, энг бош гуноҳкор
Дўсти Бойқаромас, замондир, зотан.
Бораркан ғазалу қумга қотилиб,
Толиққан қомати, руҳин тетиклаб,
Ҳали билмайдик, ўзбек отини
Дунё ҳисобида қўйишин тиклаб.
Ҳали билмайдик, қумдан тиллони
Саралаб олгандек минг усул билан,
Авлодлар Алишер Навоий номин
Ахтариб ўтурлар ою йил билан...
Самарқанд, эй Шарқда беғуноҳ қондан,
Шеърят, фикратдан тикланган маъво,
Пешвоз чиқ ўғлингга сахро томондан,
Ҳиротда етмади шоирга ҳаво.

* * *

Осмон тўлиб кетди шамолга,
Тўлиб кетди сувга анҳорлар.
Қуйилади шовуллаб толга
Кўнгли тўлиб кетган баҳорлар.
Тўлиб борар ранглар оҳангга,
Ҳа, айтгандай, боғларга — қушлар...

Қарамасдан олду орқангга
Ёпирилиб келса ташвишлар:
Тўлиб кетса дардлар юракка,
Ҳеч бўлмаса аламлар, фақат
Тўлиб кетган оламда якка
Бум-бўш қолиш азобли, даҳшат.

* * *

Булдн!
Мен баки ишляпсан-ку,
Кляшнин илгизлигин унутиб,
Мен ахтардим аламсиз тақдир,
Аламни ичимга ютиб.

Чиликмас севгида видо —
Ишироб излама юзимдан.
Асбларнинг тўқнашувида
Бирдош топилди-ку ўзимдан.

Бўлди!
Дардках керакмас, яккаш
Жим турсам, бас, хаёл суриб,
тамаки тортиб.

Ахир, ёлғиз илинж билан яшашни
Истамайман мен энди ортиқ.

Эшикни очаман бесабр —
Тунни йиртиб борар нигоҳим...
Нима бўлди,
Зулмат чачвонига ўралиб
Кирмоқчисан хонамга чоғи?

Бўлди!
Гангиб қолур бир муддат
Зарб билан дарахтга урилган
шамол.
Хаёлимни тинч қўймас фақат
Юрагимга сиғмаган хаёл.

* * *

Енгинамда маъюс ўлтириб,
Юлдузларни санаб осмондан,
Хаёл етмас хаёллар суриб
Шивирлашни севардинг жондан.

Тўлқинлардай чайқаларди боғ,
Қовушарди сукутга исён.
Ким ўйлабди бир кун гирдибод
Рўй беришин боғда беомон.

Учиб кетди осмонга боғлар,
Оғушида ўзинг ҳам, эркам.
Бугун кўкка нигоҳим чоғлаб
Юлдузларни санайман: бир кам.

Энди айтсам, кулишар фақат,
Ишонмайди бирон-бир киши:
«Эй, юлдузнинг, осмоннинг ҳеч вақт
Одамзодга тушганми иши?»

Мен кетаман. Энди боғ қайда?
Анчайин бир қолган дарахтзор.
Соҳирлик йўқ юлдузда, ойда,
Бунча совуқ осмон тарафлар.

Ўртамайди хотиралар ҳам,
Келтирмайди тун ҳам ғашимни, —
Кўқдан тўкилганин айтмасам
Дарахтларга шивирлашингни...

АРАФА

Тирсиллайди дарахтлар вазмин,
Ёғар сўнгги бемажол қорлар.
Осмонларда чақмоқлар базми,
Мовий еллар қирларга чорлар.
Юлдузларга етар ер ҳиди,
Сувлар каби шовуллар шамол.
Ёлғир бўйи тагин анқийди,
Тагин тортиб кетади хаёл.

Термилади кунгай томонга
Қалдирғочни соғинган уйлар.
Тўш уради тонглар туманга,
Намхуш-намхуш тунлар қуйилар.
Рутубатдан юз бурган дунё,
Дунё янги дунёга чорлар.
Янги дунё бўлмоқда бунёд,
Ёғар сўнгги бемажол қорлар.

* * *

Тунда қалбни бор бўйи билан
Қадрдон қоғозга ағдариб,
Ўвлаб кетган бошингни силаб
Янги кунни чиқсанг ахтариб,
Киприк қоқсанг ёш селчий деган —
Юмилмоққа қўймай кўзингни,
Ернинг ҳаяжони тепчиган
Уфқ юзига боссанг юзингни.
Вужудингни парчалагудек
Кенгайгандан кенгайса туғён,

Атрофингда айланса буюк —
Шиддат билан буюк оломон.
Қалқиниб бораркан юксакка —
Тортиб кетса кўк нигоҳингни,
Бўғзингдан қайтарсанг юракка
Ҳайрат, ҳасрат тўла оҳингни.
Тагин англасангки, оромга
Кертиб бериб бўлмайди вақтни...
Секин шивирласанг оламга:
«Ростдан бу бахтми!»

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ





Умида АБДУАЗИМОВА



СИНГЛИМНИНГ АЛЛАСИ

Дадам, ойм ишдалар,
Опамлар ўқишдалар,
Тезда улар келишар,
Шоколадлар беришар.
Опоғим, юзинг лўппи,
Тинчгина ухла, хўпми?

Ойм, бувимлар айтган,
Айтиб, мени ухлатган —
Аллани сенга айтай,

Айтиб сени ухлатай,
Қорақўз, юзинг лўппи,
Тинчгина ухла, хўпми?

Бувимлар ҳозир менга
Тикяптилар кўйлакча,
Мен ҳам тикаман сенга,
Гулдор кўйлак — бўлакча!
Дўмбоғим, юзинг лўппи,
Тинчгина ухла, хўпми?

ТЕЛЕВИЗОР ҚҲЯЙЛИК

Гулноз туғилган кун
Тўсатдан ўчди чироқ.
Моҳмонлар тўла уйда,
Ҳамма дер: «Енсин тезроқ!»

Бирдан қувонч-ла дейди,
Хомуш ўтирган Гулноз:
— Телевизор қўяйлик,
Уйни ёритар бир оз...

ЕМҒИР

Булутнинг бағрин тилиб,
Қўйвор, деб шоширасан.
Ерда-чи, шўхлик қилиб,
Ариқни тоширасан.

Лойқалатдинг шалоплаб
Тоғнинг тиниқ булоғин.
Ойимга айтай боплаб,
Чўзиб қўйсин қулоғинг.

БОТИР БОЛА

Телевизор вишқасига
Миниб варрак учирганман.
Ҳайвонот боғига филни
Ҳиндистондан кўчирганман.

Футбол ўйнаб тўп тепгандим,
Самолёт уриб кетган.
Кубиклардан уй қургандим,
Вертолёт суриб кетган.

Китга миниб у қирғоқдан
Бу қирғоққа ўтганман.
Қармоқдамас, қўлларимда
Лаққа балиқ тутганман.

Яна қанча иш қилганман,
Айта берсам, вақт етмас.

Лек ҳайронман, ўртоқларим
Сўзларимни рост демас.

Рост демаса дейишмасин,
Бир кун рост деб қолишар.
Ахир, бир кун кимлигимни
Улар билиб олишар.

СИНАБ КЎРАЙ...

— Нега ҳадеб чинор экасан,
Бошқа кўчат топилмагандай?

— Чинор минг йил умр кўрармиш,
Шуни ўзим бир синаб кўрай...

ЮРИБ КЕЛДИМ ГИЛАМДАН

Хонага кирди Ҳаким
Оёғининг чанги-ла.
Полни ҳозир ювгандим,
Ўзни босмай жаҳл-ла:

— Пол босиб келгандирсан?—
Деб сўрасам укамдан,
Дейди:— Хавотир олманг,
Юриб келдим гиламдан...

ШИРИНТОЙ ВА ШИРИНЧОЙ

Шавкатжоннинг севгани
Ширинчой, ширинчой.
Шунга ҳамма дер уни:
Ширинтой, Ширинтой.

Ичар солиб новвот, қанд,
Ширинчой, ширинчой.
Қўл ювмас бермасанг панд —
Ширинтой, Ширинтой.

Қўли тугул юз, қулоқ —
Ширинчой, ширинчой.
Дангаса ҳам эринчоқ
Ширинтой, Ширинтой.

Шундай қилса бермаймиз
Ширинчой, ширинчой.
Исқирт деймиз, демаймиз:
Ширинтой, Ширинтой.

Мирвосил АЪЗАМОВ



1964 йили туғилган. Ҳозир Тошкентдаги 28-ўрта мактабнинг саккизинчи синфида ўқимокда. Мирвосилнинг ҳикоялари «Гулистон» журнали ва «Ленин учқуни» газетасида эълон қилинган.

ҚОПЛОН

Менинг бир итим бор эди. Ўзи сап-сариқ, катта, лекин қопоғон эмас. Ҳеч ким унга парво қилмас, у ҳам бекорга попилламас эди. Оти Қоплон эди. Оти ваҳимали-а, тўғрими? Мен уни ҳар куни куча чангитиб юрадиган боладан олганман. Қандай қилиб олганимни эшитинг. Бир куни мактабдан келаётсам, ҳалиги бола бир ола-була кучукчани қийнаётган экан. Кучукчага раҳмим келиб, қўлидан тортиб олдим. У роса толиққан эканми, қўлимга олишим билан мудраб, ухлаб қолди. Шунда бола йиғламсираб: «Кучугимни бор», деди. Қанча ялингани билан бермадим. Кейин баҳонага ўтди.

— Кучук меники эмас,— деди у.

Бироқ ишонмадим. Чунки бундан аввал: «Бер, бўлмаса, оймга айтаман», деган эди-да. Бермаганимдан кейин баҳона топди. Кейинроқ билсам, бу кучукни ойиси ҳайдаб юборган экан, шунча кундан бери ўртоғиникида боқибди. Сўнг ўртоғининг ойиси ҳам кўчага қувибди. Энди

нима қилишини билмай, кучукни қийнаётган экан. Жанжал қилавергач, бирор нарсага алишармикан, деб ёнимни қарадим. Битта бўёқ қаламим бор экан. Бироқ бола алишмади. Алишгиси келмади-да. Дўқ урдим, бўлмади. Охири текинга олмоқчи бўлдим. Бола буни эшитиб, алишишдан бошқа иложи қолмади. У текинга бергандан кўра, бўёқ қаламга алишганим яхши, деб ўйлади. Уйга хурсанд бўлиб қайтдим. Чунки кучук жудаям яхши эди.

Уни боқдим. Катта бўлган сари ранги бошқа тусга кирди. Кейин сариқ бўлиб қолди. Кучукчам қўшнимизга ҳам ўрганди. У ҳар куни кучукка гўшт ташлар эди. Лекин Қоплон қўшнимиздан ҳам мени яхши кўрарди. Кейинчалик қўшнимиз итимни ўғирлади. Қоплон бўлса арқонни узиб қайтиб келаверди. Икки марта шундай бўлди. Шундан кейин улар кучугимни бозорчиларга бериб юбордилар. Шундай қилиб итимдан ажралиб қолдим.

МУСИЧА

Асқар ҳовлидаги каравотда чалқанча ётиб китоб ўқирди. Аҳён-аҳёнда ён-верига қараб кўярди. Бирдан кўзи нарироқда донлаётган мусичага тушди. Шўхлиги кўзиб, уни қўрқитмоқчи бўлди. Мушугига

ўхшаб миёвлади. Қаттиқроқ, «миёвламоқчи» эди-ю, лекин фикридан қайтди.

Бир оз қараб турди-да, яна китобини ўқий бошлади. Шу пайт йўлакдан оёқ товуши эшитилди. Мусича учиб кетди. Кара-

вот тагида писиб турган Мош ҳам қочиб қолди. Асқар, ким экан, деб ўрнидан турмоқчи эди, эшикда укаси пайдо бўлди. Яна ёнбошлаб китобини ўқишга киришди.

Мусича яна жойига келиб кўнди... Асқар бир оздан кейин мушукнинг пихиллаб кўчага қочганини кўриб қолди. Мусича турган жойга қараса, уч-тўртта майин пат кўринди. Уриб кўчага чиқди. Йўлакда қон

излари қолибди. Қонхўр мушугини тутолмай қайтган Асқар дам уйга кириб, дам ҳовлига чиқиб ер тепина бошлади. Унинг биринчи марта мушугидан жаҳли чиққан эди. Ахир уни ўзи топиб келтирганди-да! Мана энди, оқибати! Уфри сичқонларни тутиш ўрнига бегуноҳ қушларни ейдиган бўлибди.

АДАШИШ

Жўра кўпдан бери дадасига «Ботинка олиб беринг», деб юрарди. Утган дам олиш кўни дадаси, ойиси — ҳаммалари «Жигули»да магазинларни айлангани чиқишди. У ойиси билан магазинга кириб кетди, дадаси машинада қолди.

Ойиси Жўрага:

— Енгимдан ушлаб юр, бўлмаса адашиб қоласан,— деб тайинлади.

Бир маҳал Жўра икки боланинг тортишвётганини кўриб қолди. Улар ака-ука бўлса керак, каттаси кичигини қитиқлаб қочар, униси етиб олиб мушт урмоқчи бўлар эди. Жўра алаҳсиб, ойисининг енгини қандай қўйиб юборганини билмай қолди. Охири ака-укалар қувлашиб кўчага чиқиб кетишди. Жўра ойисини йўқотиб қўйди. Ойим кўчага чиқиб кетгандир, деб ўйлаб кўчага югурди. Энди у дадасининг машинасини қидира бошлади. Лекин кўча ҳам кўзига бошқача кўринар, дадаси ҳам, машина ҳам йўқ эди. Дадасини ҳам тополмагандан кейин йиғламсирай бошлади. Буни кўрган ҳалиги болалар тилларини чиқариб калака қилишди. Жўра аввал йиғламаса ҳам энди йиғлади. Тўғрида катта темир дарвоза бор эди. Ҳовлида

уч-тўрт киши машина тузатаётган экан, улардан бири:

— Нега йиғлаясан, ҳой бола?— деб Жўранинг олдига келди.

— Адашиб қолдим,— деди Жўра.

Ҳалиги киши уни уйга олиб кирди. Телефон қилиб, кимгадир унинг адашиб қолганини айтди.

— Ҳозир ойинг келади, бўлди, йиғлама,— деб овутди.

Бир оздан сўнг машина етиб келди. Ундан иккита милиционер тушганини кўриб, Жўра кўрқиб кетди. Нега адашиб юрибсан, деб қамаб қўйишса-я! Милиционерлар ҳам гапни сўроқдан бошлашди:

— Отинг нима?

— Жўра...

Уни кўтариб машинага чиқаришди. Нима қилиб қўйди ўзи? Нега ойисининг айтганига кирмади. Мана энди қулоқсизлиги учун қамоққа олиб кетишяпти. Милиция пунктига етганларида уни машинадан туширишди. Тепасига «Милиция» деб ёзилган эшикдан қиқиб келаётган ойисини кўриб, Жўра йиғлаб юборди. Ойиси уни бағрига босиб эркалади...

АРИ

Офтобда маза қилиб ётибман. Аммо арилар келиб қоладими, деб кўрқаман. Ҳозиргина акам билан ари тўғрисида гаплашувдикда. Мен унга кўшнимиз Ваҳобни ари қақиб, роса йиғлаганини айтувдим:

— Нима бўпти, ари ҳаммани ҳам чақади-да! Сени ҳам чаққан,— деб қолди.

— Мени чаққан эмас!

— Кичкиналингнда чаққан, эсингдан чиқдими?!

— Чақмаган дедимми, чақмаган!— деб сўзимда туриб олувдим, акам:

— Э, бор-е,— деганча кўчага чиқиб кетди. Мен индамай қолавердим.

Қизик, ростданам кичкиналингнда ари чаққан бўлса, Ваҳобга ўхшаб бақириб йиғлаганмикинман, деб ўйлаб ётибман. Бирдан уйимизда базм бўлган кун эсимга тушди.

Уша кўни торгина кўчамизга машина келди. Мен унга чиқиб олдим. Қарасам, ўртоғим Салим ҳам шу томонга кел-япти.

— Э, Салим, бормисан?

Ана-мана дегунча, у ҳам ёнимга кириб олди. Шу пайт очик деразадан ғўнғиллаб ари кирди. Ойнани шарт беркитиб, Салимга:

— Латтани бос!— дедим.

Салим латтани олишга олди-ю, лекин арини босишга қўрқди.

Ма, узинг бос,— деди у.

Мен арининг чаққани латтадан ўтмай-ди, деб ушладим ва латта билан босдим. Қўшим жиз эди. Қаттиқ ачиша бошлади.

Югуриб уйга кирдим, ари чаққан жойга пичоқ босдим.

Ҳа, акам тўғри айтади. Мени ари чаққан, лекин аввал мен уни ўлдирмоқчи бўлганман-да!

*

Охунжон ОЛИМ



Наманган областининг Чуст районида туғилган.
Ҳозир қишлоқ мактабида бошланғич синф ўқитувчиси
бўлиб ишламоқда. Шеърлари область ва республика
матбуотида эълон қилинган.

ЕМҒИР

Ёмғир ёғар
Барча ерга.
Бари нега
Тушмас бирга?

Бари тушса
Бўлиб бирга,
Ҳосил унмас
Эди ерда.

ГУЛ БАРГИ

Гулга сув қуйган эдим,
Бўйи менга етибди.

Сахар туриб қарасам,
Барги терлаб кетибди.

ЭРТАК

Эртақ айтарди Омон
Синглиси Раҳимага .
— Бўри келиб қолса-я,—
Тушди у ваҳимага.

Ўзи айтган эртақдан
Омоннинг ўзи чўчиб.
Ёпиб олди эшикни,
Ранги девордек ўчиб.

БУЛУТ

Чақмоқдан қочган булут
Тепамда чўкиб қолди.

Қайга борай энди деб,
Кўз ёшин тўкиб қолди.

ЁСТИҚ

Ўтлаб-ўтлаб кўзичоқ
Дам олгани ётади.
Чопиб келиб Раҳимжон,
Отасига айтади:

— Ухламади кўзичоқ,
Ётган жойи ҳам қаттиқ.
Олиб беринг, кўяйин
Унинг бошига ёстиқ.

ЕРИБ ТАШЛАДИ

Ёмғир ёғди шатирлаб,
Сувда шарни ясади.

Учиб кетма яна, деб,
Ўзи ёриб ташлади.

БАЛИҚ

Эски дафтар симидан,
Ясаб олиб қармоқни.
Оқар сувга ташладим,
Тишлаб туриб бармоқни.

Пўкакчаси дикирлар,
Чувалчангни ютганда.

Қувониб кетаман-да
Қармоғимга тушганда.

Шу нарсани билмайди,
«Тайёр ош»га урганин.
Шунинг учун қўлимда
Типирчилаб турганин.

СУВ ОҚАДИ

Ариқларда оппоқ сув
Тиним билмай оқади.
Оққани ҳам майли-ю,
Нимасидир ёқади.

Нимасимас, чанқоқни
Бостириши ёқади.
Боғу роғни яшнатиб,
Ўстириши ёқади.

КОПТОК

Дикир-дикир коптокни
Укам ўйнар қўлида.
Қочиб кетар гоҳида,
Қинғир тушса йўлига.

Кўнглин хушлаб ўйнайди,
Машққа солиб бармоқни.
Ўрганиб ҳам олади
Қийналмасдан саноқни.

ТУЛКИ ВА ХҲҮРОЗ

[У й и н]

Танаффусда ўн бола,
Тўпланишиб сўзлашдик.
Тоҳирвой — айёр тулки,
Орқасидан қувлашдик.

Тулкибой кўзни юмиб,
Товуқни ўғирлади.

Болалар ҳам сергак-да,
«Милтиғин» тўғрилади.

Девор қилдик қўл ушлаб,
Чиқишга йўл қўймадик.
Тулки чиқди ўйиндан,
Товуқ қолди, ўйнадик.

ТЕНГДОШАРИНГ ЖУРЪАТИ



БУСТОН ҚУШИҚЛАРИ

— Адашмадингизми?

Гурув машинасида аллақандай ҳужжатдан нусха кўчираётган секретарь қиз қабулхонага кириб келган нотаниш, ёши ўнқираброк қолган йигитга ҳайрон тикилди.

— Комсомол комитетига келувдим. Секретарлардан бирига учрашмоқчиман.

— Секретарлар мажлис ўтказишяпти, кутиб тура қолинг,— деди қиз жилмайиб.

— Йўқ, ўша мажлис керак менга. Жиллаҳга бормоқчиман.

— Улар эртага жўнашади-ку. Ҳужжатларингиз тайёрми?

— Ҳаммаси тайёр.

Секретарь қиз нима дейишни билмай, боғйтиёр мажлис бораётган хона эшигига қаради. Йигит учун шу қарашнинг ўзи кифоя қилди. У шаҳд билан эшикни очиб ичкари кирди. Ялт этиб унга қарашди.

— Жиззахга бормоқчиман,— тақрорлади у.— Нарсаларим тайёр, ҳозироқ жўнашим мумкин.

— Утиринг,— биринчи секретарь кўнгилдилар сафи яна бир кишига ортганидан мамнун бўлса-да, фикри бўлинганидан сал ранжигандай эди. Шунинг учунми, ортиқ гапира олмади. Автобуслар эртага эрталаб йўлга тушишини, кечикмасликни айтди-ю, «Хўш, саволлар борми?», деди.

— Мен гапирмоқчиман.

Ҳамма яна нотаниш йигитга қаради.

— Марҳамат.

У вазмин юриб минбарга кўтарилди. Қайфиятини билиб бўлмас, чеҳраси жиддий эди.

— Исмимни Муҳаммади, фамилиямни Розиев деб ёзинг.— У ўзига қизиққонлик билан тикилиб турган секретарь йигитга юзланди. Сўнг бамайхотир гап бошлади.

— Болалигим Мирзачўлда, Еттисойда ўтган. Ота-онам вафот этишгач, қариндошларимиз қўлида қолдим. Яхши-ёмонни, аччиқ-чучукни кўрдим. Ёшлигимдан

ишга ўргатишди. Тракторчилик, шофёрлик қилдим. Сизлар ҳозир яхши ният билан отланган даштда «Тошкент» номли совхоз бор. Мирзачўл районига қарайди. Шу совхоз янги ташкил бўлганида мен ўша ерда эдим. Тракторимни ўт олдириб шудгорни мен бошлаганман. Борсангиз кўрасиз, бўрсиллаган ерлар.

Яхши ишлаб, яхши маош олиб юрувдим. Йўқ, бўлмади. Бошлиқлар билан айтишиб қолдим. Бунинг устига, хотиним, чўлни йиғиштиринг, шаҳарга кетамиз, деб туриб олди. Кетмайлик, бу ернинг нимаси ёмон, дедим. Кетамиз, деди. Йўқ, дедим. Бўлмаса, мен кетаман, дедию кетди. Уртада фарзанд бор эди, жоним ачишди. Лекин илож қанча. Аламимни ишдан олиб юравердим. Туну кун ишлардим. Бари бир бўлмади, жаҳл устида айтишиб қолдим. Автоколоннага ишга ўтдим. Машинада бир-икки орқасидан бордим. Хотинимни қайтармоқчи бўлдим. Кўнмади. Кейин, бутун Мирзачўл, бутун дашт менга торлик қилиб қолди. Шу орада сизларнинг районингизда—Қувада узоқ қариндошларимиз борлигини эшитдим. Бу ёққа келдим. Меҳрибонлик билан қарши олишди. Бошпаналик бўлдим, ишга жойлашдим. Аммо чўл қон-қонимга сингиб кетган шекилли, ўйлаганим-ўйлаган. Бир ёқда болаларим соғинчи. Бориб, майли чўлдамас, шаҳарда ишласам, хотиним изига қайтармикин, дейман. Бошим ғиж-ғиж жумбоқ бўлиб турганида сизларнинг дарагингизни эшитиб қолдим. Йўқ демасангизлар, бирга борайлик.

Мажлис чўзилиб тугади. Бир кун ўтди. Эрталаб соат 7. Район комсомол комитетининг биноси, ҳовли гавжум: даштга отланганлар, кузатувчилар, шунчаки қизиққанлар, яна бошқалар... Ҳадемай митинг бошланиши керак. Область комсомол комитетининг вакили келиши билан бошланади. Сўзга чиқувчилар олдиндан огоҳлантирилиб қўйилган. Улар қаторида Муҳаммади ҳам бор.

Митинг бошланди. Бир-икки кишидан сўнг сўз навбати Муҳаммадига келди.

У бийрон тилда, завқ билан гапирарди. Мирзачўлнинг қора ўтмишидан бошлаб Жиззах даштининг бугуни, эртасигача ҳикоя қилди. Дастлабки совхозлар, каналлар, қурилишлар, чўл қахрамонлари ҳақида, дастлабки натижалар, келгуси режалар тўғрисида сўзлади. У шу қадар кўп фактлар, рақамлар, кўрсаткичларни тилга олдики, бу маълумотларни фақатгина мутахассислардан ёки статистиканинг ўта ишқибозларидан эшитиш мумкин эди.

— 208 ярим минг гектар ер ўзлаштирилиши ва сув билан таъминланиши керак,— деди у вазмин оҳангда.— Дашт Мирзачўл ерларидан анча баланд жойлашган. Насос станциялари орқали сувни 174 метр баландликка кўтариш керак. Сув муаммоси бу билан ҳал бўлмайди. Қоровултепа, Равот, Аччисой, Зомин, Сулоқли, Жалаер сув омборлари бунёд этилади. Шўр ювиш учун очиқ ва ёпиқ коллекторлар, 4370 километр узунликда дренаж қурилади. Ўзлаштириладиган ерлар ҳисобига ўттиздан ортиқ пахтачилик, чорвачилик ва сабзавотчилик совхозлари ташкил топади. Замонавий посёлкалар, уй-жой бинолари, маданий-маиший муассасалар қад ростлайди. Буларнинг ҳаммасини рўёбга чиқариш учун кучли, ишончли қўллар керак...

Митингдаги мана шу сўзлари туфайли у дарров кўнгиллиларнинг назарига тушди. Ҳаммалари билан бир бошдан танишиб олди. Кейинчалик, автобуслар Жиззах томон йўл олганида Муҳаммади бошқа районлик, бошқа областлик кўнгиллилар билан ҳам танишди.

* * *

1978 йил, 15 апрель.

... Уша куни Жиззах шаҳри беғубор ёшлиқнинг завқли тароналари, шоду хуррамликларидан гул-гул яшнаб кетган эди. Меҳнатда, ўқишда, санъат ва спортда энг яхши натижаларга эришган йигит ва қизлар шаҳар марказидаги «Спартак» стадионига йиғилишган, область ёшларининг дўстлик фестивали ширин фикр кайфиятда ўтмоқда эди. Бирдан хушбабар тарқалди: «Жиззах даштини ўзлаштиришга отланган кўнгиллилар келишяпти!..»

Ажойиб учрашув бўлди. Қисқа маросимдан сўнг даштқуварлар белгиланган хўжаликлар томон йўл олишди. Студентлик йилларининг пахта терими каби бетакрор онларини бошидан кечирганлар бунақа ҳолни яхши билишади: ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба, қутилмаган учрашув, та-

нишувлар. Кейин эса ётоқхона, жой танлаш. Биринчи оқшом, биринчи тонг...

Кўнгиллиларнинг даштдаги ҳаёти шундай бошланди.

* * *

Муҳаммадилар тушган автобус уларни палаткалар уюми ёнига ташлаб қайтди.

Қуёш чарақлаб турибди-ю, шамол хўп заптига олапти. Дашт кенгликлари ўфқларга туташиб кетган. Олис-олисларда чўл лолаларининг алвон наматлари кўзга ташланади. Саксовулларга ўхшаш дашт гиёҳларининг баҳор либосини кийиб улгурмаган қуруқ новдалари тартибсиз силкинади. Тез-тез тўзон кўтарилиб, қуюқ қуюн шиддат билан кўкка ўрлайди.

Муҳаммади ҳамроҳларига тикилди. Ёш-ёш йигитлар. Кўплар дашт билан энди танишаётгани шундоққина кўриниб турибди. Ишлаб кетишармикин? Эртагаёқ бардошлари тугаб, «Ваъдалар қаёқда-ю, биз қаёққа келдик», дея тикилинч қилиб қолишса-я. Ана, биттаси ҳалитдан ваъхонлик қилаяпти.

Машиналарнинг овози эшитилди. Область комсомол комитети ходимлари, «Джизакстепстрой» территориал бошқармаси раҳбарлари келишди. Муҳаммади уларни бундан атғи икки соат олдин, тантанали митинг чоғида кўрган эди. Улар, яхши етиб келдингларми, дея ҳол-аҳвол сўрашди, иш шароитларини тушунтиришди. Палаткалари ўрнатиб, ҳозирча шу ерда яшаб турасизлар, ҳадемай вагон-уйлар келади, дейишди.

Муҳаммади олдинга чиқди.

— Қани йигитлар, бошладик!

— Шошиб нима қиласиз, оғайни,— деди йигитлардан бири. Кейин истеҳло билан сўради:

— Ё, бошлиқларданмисиз?

— Ҳа, шундай!

— Билмаганимизни қаранг-а!

Кулги кўтарилди. Муҳаммади худди эшитмагандай ишга киришиб кетди. Тошбек Беғалиев, Рашид Зокировлар билан иккинчи палаткани ўрнатиб бўлишганида бошқалар ҳам ўринларидан туришди.

Кечаси, тун яримлаб қолганда қизиқ воқеа юз берди. Палаткали «шаҳарча» ёнига юк автомобили келиб тўхтади. Даярли ҳамма ухлаган эди. Мотор овози тингач, кабина эшиги очилди.

— Бошлиқлардан борми?

Муҳаммади костюминини елкасига ташлаб ташқарига чиқди.

— Нима гап, оғайни?

— Марҳамат, санаб олинг: каравот, адёл, кўрпа, ёстиқ...

Муҳаммадди «ҳозир», деди-да, ичкарига шириб Нўмонжонни, Тошбекни, яна шени ширини уюлди.

Шоёр анча ёқимтой йигит экан, биринчи бўлиб туширишди. Иш битгач, ёнини уюш қоплаб, керакли қоғозни топди-да, Муҳаммадга юзланди:

Мана шу ерга жимжимадор қилиб кўп қунарни бўлгани.

Муҳаммади машина капотига энгашиб тира ширлада қўл қўйди. Машина ўрнадан қунашач, йигитлар уни койий бошлашди:

Қизиқ экансиз-ку. Индамай қўл қунаришгиз-а. Эртага кам чикса, нима бўлади?

— Ҳочқиси йўқ, қани ухланглар, роса чарчадинглар-а?..

Йигитлар худди шуни кутиб тургандай, дарров палаткаларига йўл олишди. Аммо тиллари ташқаридан бемалол эшитилиб турарди:

— «Роса чарчадинглар» эмиш, худди ўш ишламагандай. Қора терга тушиб кетди-ку! Нўмонжон, бу акамиз тоза ажойиб бошлиқ чиқиб қолди-ку!

Шу-шу Муҳаммадининг номи «бошлиқ» бўлиб кетди.

Эртасига қизгин иш бошланди. Бир ҳафта ўтди, аммо камчиликларнинг саноғи йўқдай эди: цемент қоришма етишмайди, махсус кийим-кечак йўқ. Тушликда флякат ёғвон шўрва... Бошқа камчиликлар ҳам бор эди. Уларни ишлаётганлардан кўра бекорчи ваъзхонлар рўқач қилишарди. Масалан, ҳаммом йўқ — душ билан иш битмайди, кутубхона йўқ, келганимиздан бери кинога тушмадик, кефирнинг янги роғи йўқмикан, Жиззахга келиб, «Етим тоғ»ни кўрмасак қандоқ бўларкин...

Ҳамма Муҳаммадига мурожаат қиларди. У худди бошлиқлардай шикоятларнинг ҳаммасини, ҳатто ғирт хомхаёлларини ҳам эътибор билан тинглар, вазминлик билан жавоб қайтарарди.

— Келинглар, бир оз сабр қилайлик, — дерди у. — Аввало ишни қойиллатиб қўяйлик, кейин талаб қилишга ҳаққимиз ҳам бўлади. Кун бўйи қўлимиз белимиздан тушмаса, ишлаб эмас, гапириб чарчас-аг-у, яна қаёқдаги талабларни қўйсақ, тўғри бўлмас-ов.

У шундай дердию биринчи бўлиб замбилни кутарар, цемент қорар, ҳавозаларга кўтариларди.

Баъзан «мен ҳозир», дерди-да, ярим соат-бир соатлар чамаси йўқ бўлиб кетарди. Баъзилар «бошлиқ куш уйку қилангилар, чамаси», дея секин палаткадан қабар олишарди. Уйку қаёқда дейсиз, Муҳаммади ўша пайт комсомол штабида

камчиликларни айтиб, ҳақиқий бошлиқлар билан тортишаётган ёки мактаб қурилишида ишлаётган Лобархон ва Нўмонжон Комилловлардан хабар олаётган, уларнинг жажжи қизалоғи Барнохоннинг соғлиғини суриштираётган ёки йигитлардан қолишмай раствор ташитётган Холида Файзиёвани учратиб, «бошқа энгилроқ ишларни бажаринг, деган эдим-ку», дея унга танбеҳ бераётган бўларди.

У ҳаммадан эрта турар, ҳаммадан кеч ётарди. Қаерда иш оғир бўлса, ўша ерга бориб «қани, йигитлар...» дерди-да, чапдастлик билан ишга киришарди. Нега шундай қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Баъзан йигитлардан роса танбеҳ эшитиб, ҳориб ётоғига қайтар экан, вужудини ҳатто бўлмагур фикрлар ҳам қамраб оларди. Аслини олганда, ҳамма қатори бир кўнгилли, холос. Фақат ёши каттароқ, даштга меҳри бошқачароқ.

Шундай пайта ички бир туйғу далда берарди. Бу туйғу уни янада кўпроқ ишлашга, ташвиш чекишга, кўнгиллилар ҳақида қайғуришга, нималарнидир амалга оширишга, рўёбга чиқаришга ундарди.

Орадан икки ой ўтди. Иштихондан «қулаган» абитуриентлардай кўнгиллилар ҳам сараланиб қолди. Камчиликларнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, кўпчилиги барҳам топди. Мактаб, боғча, уй-жой қурилишларида, бошқа участкаларда ишлар чинакамга юришиб кетди.

Вагон-уйлар олиб келишди. Муҳаммади Розиев, Нўмонжон Комилов, Набижон Муҳамматов ва бошқаларнинг вагонлиди «агроучастка»ларида садарайҳон, гулибеорлар ўса бошлади.

Комсомол-ёшлар бригадалари тузилди. Улардан бирига Муҳаммади бошлиқ бўлди. «Джизкастелстрой» территориал бошқармаси кадрлар бўлимнинг бошлиғи Бронислав Николаевич Зажицкий у ҳақда гапириб шундай деган эди: «Бор-йўғи бир бригаданинг бошлиғи. Лекин ён дафтарида минг хил рақам. Қим нима иш қилаяпти, қайси участкага нима керак, эртага кимнинг турилган куни, мусобақада кимлар пешқадам — буларнинг ҳаммасини ундан бемалол билиб олиш мумкин. Ҳали бу — ҳаммаси эмас. Муҳаммади тез-тез бошқармага кириб туради. Лекин шикоят билан эмас, таклиф билан «Сийсий ахборот»ни мунтазам ўтказайлик, кўплар қурилиш касбларига эга эмас, тажрибали мастерларни жалб қилиб ёшларга касб ўргатайлик, дейди. Умуман, бу «бошлиқ» деганимиз хўп ажойиб йигит-да!»

Бир гал Бўстонга борсам, Муҳаммадининг номи «бошлиқ» эмас «старшина» бў-



Жиззах область Зомин район комсомол комитетининг биринчи секретари Илхом Умрзоқов янги ташкил этилган совхоз ёшлари билан Л. И. Брежневнинг «Кўриқ» хотира китоби тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Е. Ботиров фотоси.

либ қолибди. Суриштирсам, буёғи роса қизиқ бўлган экан.

Муҳаммадининг ҳикоя қилишича, уч-тўрт ой ўтар-ўтмас шаҳарчада интизом бузила бошлабди. Аввало меҳнат интизими. Кимдир вақтида туради, вақтида иш бошлайди. Кимдир эса кун ёйилгунча қимир этмайди. Кейин шошилиб, сифатни бузади.

Муҳаммади «бунақаси кетмайди, нимадир қилиш керак», деб ўйлаб юрган кезлари Жиззах даштини ўзлаштириш Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши штабида йиғилиш ўтказилибди. Штаб бошлиғи қаторасига уч кундан буён беҳуд важ қилиб ишга чиқмаган икки йигитни койиб туриб бирдан жаҳли чиқиб кетибди.

— Кетаверинглар. Сизларни бу ерга ким қақирди ўзи?

Бу гап ҳаммага оғир бўлиб, энди ғалаговур бошланаётганида Муҳаммади ўрнидан турибди.

— Йўқ, ўртоқ Аҳмедов, сиз ноҳақсиз. Уларни, бизни, ҳатто сизни ҳам бу ерга қақиршган, даъват этишган. Интизомни бузишгани учун жазолаш керак. Лекин нега шундай бўлганлигини суриштириб кўрдингизми? Йўқ! Шароит бўлганида, маошимиз вақтида берилганида ким кетишни истарди дейсиз? Тўғрими?

— Тўғри,— дебди ҳамма бир овоздан.

— Лекин, ўзимизга ҳам бир қарайлик-да. Очигини айтсам, талабимизга яраша ишламаяпмиз. Иш жойимиз ифлос, кўп жой чала-чулпа қолиб кетяпти. Баъзи вагонлардан тамаки омборининг ҳиди келади...

Мажлис жиловини бутунлай қўлига олган Муҳаммади қатъийлик билан давом этибди:

— Кўпларингиз ҳарбий хизматда бўлгансиз. Солдатлик ҳаётимизни бир эслаб қўйсак қалай бўларкин?

— «Подъём», «отбой»дан бошқасига розимиз,— дейишди «солдат»лар.

— «Наряд» бўладиган бўлса бир минут ҳам турмайман,— деди бир йигит бе-зиллаб,— икки йил роса ишлаганмиз...

— Гап нарядда эмас,— энгил қаққаҳа тингач дебди Муҳаммади.— Лекин эрта-роқ туриб, бир ерга йиғилиб бир бадан-тарбия қилишнинг нима ёмони бор? Кейин, озодаликка ҳам риоя қилайлик-да.

Шу мажлисдан кейин уни «старшина» деб қақира бошлашибди...

Яқинда яна Бўстонда бўлдим. Шу бир йил ичида юз берган ўзгаришларни ҳатто

санаб ўтиш ҳам қийин. Мактаб, ясли, ўн-лаб тураржой бинолари фойдаланишга топширилибди. Шароит анча яхшиланибди. Ҳатто тўй ҳам бўлибди. Фарғоналик Комилахон Исмоилова билан ёзёвонлик Раимжон Имомовлар шу ерда бир-бирларини топиб, турмуш қуришибди. Муҳаммад тўйнинг бошидан-охиригача бош-қош бўлиб, хизмат қилиб, «оқсоқол» деган ном олибди. Оқсоқолнинг айтишича, ни-коҳ тўйига ариза берганлар анча экан. Мана, масалан, тошкентлик Холидаҳон Файзиёва билан фарғоналик Ҳошимжон Улмасовларнинг тўйи, яна... келинг, бошқасини ҳозирча ошкор қилмай турайлик.

Бироқ ўзгаришларнинг ҳаммаси ҳам қувончли эмасди. Кўплар кетиб қолибди. Қувалик Ашурали Расулов кетаётиб йиғлаб юрибди:

— Сизларни ташлаб кетиш гоёт қийин. Аммо оиламни ҳам ўйлашим керак. Уй беришса, албатта, қайтиб келамиз.

Муҳаммади билан посёлка бўйлаб ай-ланиб юрибмиз.

У ҳикоя қилишдан тинмайди. Кўнгил-лилар ўзлаштирган қақроқ кенгликларнинг илк ҳосили, янги қурилган мактаблардаги биринчи кўнғироқ, посёлкалардаги ҳовли тўйлари, висол онлари ҳақида сўзларкан, ундан бахтлироқ киши йўқ эди, наздимда.

— Болалар келишдимми?

— Келишди,— деди у мамнун жилмайиб,— шу ерда. Болалар— боғчада, Шарофат ишлаяпти. Яқинда уй беришмоқчи.

— Ҳайрон бўлдим. Бошқармада, комсомол штабида кўплар уй олди, дейишганди-ку. Маълум бўлишича, Муҳаммади «аввал бошқалар олсин, мен кейинроқ оларман...» депти...

Узоқ суҳбатлашдик. Асфальт йўлдан ўтиб қияликка тушдик.

— Мана шу ерда ҳақиқий Бўстон шаҳри бунёд бўлади,— деди у бир олам ғурур билан.— Шаҳарнинг бош плани деярли тайёр дейишди. Кўп қаватли бинолар, хиёбонлар, фавворалар қурилармиш. Кинотеатр, спорт комплекси, маиший хизмат уйи, Бахт уйи...

У гоёт жонли, худди кўриб тургандек тасвирларди. Икковлон қурилажак шаҳарнинг серфайз кўчаларини, хиёбонларини кезгандек, Бахт уйдан таралаётган бахт куйларини тинглаб завқлангандай бўлдик. Ўзимизча кўчаларга, хиёбонларга ном танладик, ҳашаматали бинолар пештоқиға рангли рекламалар ўрнатдик.

Анча олислаб кетибмиз. Узоқдан ёқимли музика эшитила бошлади. Йигитлар кечки базми бошлаган эди.

МУШОИРА



ПОЙДЕВОР

Юксалдинг қошимда, бино, рўйирист,
Мен эса пойингда эътиборсиз тош.
Юлдузга интилдинг сен қўйиб ихлос,
Биз оғир вазнингга айладиқ бардош.

Кувнаймиз, бир кўриб юлдуздек йироқ —
Юксалиб, тик қомат керганлигингни.
Нечоғ юксалсанг ҳам, унутма бироқ
Бизнинг елкамизда турганлигингни.

СОЯБОН

[Ҳазил]

Соябон тутамиз ёмғир куйганда,
Соябон тутамиз куйдирса қуёш.
Соябон тутамиз қор ҳам ёққанда,
Соябон тутамиз — қарию ҳам ёш.

Соябон иззатин ўрнига қўйиб,
Майли шеър битайлик, эъзоз этайлик.
Бахтимиз ёмғирдай турганда куйиб,
Соябон остида қолиб кетмайлик.

О л м а л и қ

Марям БОБОҚУЛОВА

* * *

Болаликда меҳмон кутардим,
Дарвозага ёпиб лой-патир.
Ҳар ўтганни гапга тутардим,
Қутуларди на чол, на кампир.

Бугун онам чойга чўп тушса,
Иккита нон тишласа укам,—
Сўйлар менга маъноли қараб:
— Меҳмон келарми-ей, жон болам.

— Кимнинг уйи керак, амаки?..
Ҳа, биламан, юринг элтайин.
Бизникини айтса-чи агар,
Ирғишлардим кўпроқ атайин.

...Бу кун ўтдай ёнар юзларим,
Келганлар-чи, сирли жилмаяр.
Учиб кетди шўх кулгуларим,
Она айтинг, келмасин улар...

Б у х о р о

ЗИЁБЕК

* * *

Юрак, зиммангдаги бурчни адо этгин, адо этгин,
Шу бурч деб, майлига, ўзни адо этгин, адо этгин!

Тўкиб сол неки бор тилга, қалам тарк этмасин қўлни:
Севинч, шодликни мадҳ айлаб нидо этгин, нидо этгин.

Агар ақлим ёмон йўлга мени бошлаб кетар бўлса,
Уришдан тин — ҳаётимдан жудо этгин, жудо этгин.

Гўзал юртимни мен ташлаб кетар бўлсам йироқларга,
Соғинтир, тентират елдек — гадо этгин, гадо этгин.

Зиёбек, севмаса халқинг, сенга шоирлик ҳам ҳайф,
Ватан-чун танда жонингни фидо этгин, фидо этгин.

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Билмаймиз — олдинда нелар кутади,
Бу манзил холимас душмандан, дўстдан:
Ким йўлдан ғовларни олиб ўтади,
Ким йўлга тош қўйиб кетади қасддан.

* * *

Кимки тарк айларкан она Ватанин,
Кимки ном оларкан ношукур банда.
Тириклай кўмади ғурбатга танин,
Яшайди абадул-абад тубанда!

Нурота

Анвар ИМИНОВ

* * *

Мовий кўкда юлкинар тинмай,
Хабар бериб баҳордан варрак.
Тушга кириб ишқ ичирар май,
Сархуш бўлиб тўлғанар юрак.

Уйғотаркан борлиқни баҳор,
Тенгсиз қудрат айлади ато.
Гиёҳлар ҳам олиб куч-мадор,
Ёриб чиқди асфальтни ҳатто.

Дилни ўртаб мисли аланга
Яшнаб кетди қизлар дудоғи.
Қирмиз лаблар ўт пуркар танга,
Кўнгил қўмсар севги булоғин.

Тўлиб кетар таниш қўшиққа
Мартдан бошлаб ўлкам ҳавоси.
Дилга оқар сигмай уфққа,
Майин янграб қушлар навоси...

Тошкент

Раҳима ИСОҚОВА

ҚУШИҚ

Қоматимни дилбар қўшиқдан тиклаб,
Яшайман, кўнглим сервиқор тоғдай.
Қўшиқдай қалбимни эта олсанг забт,
Оҳангини нозик дилимга боғлай.

Излаган қўшиғин ёниб топди дил
Баҳор табиатга сочган ранглардан.
Энди йўқотмасман, асрарман уни,
Бойитиб дилдаги шан оҳанглардан.

ОНАМГА ХАТ

Ойдин кечаларда танҳо кезаман
Меҳрга ўхшаган бир куйни эслаб.
Нечундир ўзимни ёлғиз сезаман,
Соғинчдан юрагим жимгина бўзлаб.

Қалбим ҳасратларим тўқмоққа шайдир,
Кошки, тиззангизга бошимни қўйиб,
Тонггача сўзлаша олсайдим тўйиб,
Она, соғинчларим қанот истайдир...

Наманган

КҮПКАРИ

Чортоқнинг бошига келди оломон,
 Ҳамманинг юзида қувонч, тўй завқи.
 Мағрур кўз ташлайман—тагимда жийрон,
 Чавандозлар улкан кемадай қалқир.

Ойқор қоясидай отлар сағриси,
 Мардлар от ўйнатиб айланар майдон.
 Полвонлар бошида улоқ қайғуси,
 Гўё улар учун ҳозир имтиҳон.

Улоқ ҳам ташланди—талатўп ҳар ён,
 Тингланг, «шарақ-шуруқ»—қамчи садосин.
 Бу дам лоқайдликни кечирмас майдон,
 Чух, отим, ёриб ўт отлар тўдасин.

«Ҳайда, ҳа!»—қийқирик, қизир кўпкари,
 Бунда бор абжирлик, ақл, куч, мардлик.
 Мен ҳам ишонч билан босдим илгари,
 Албат, солим олгум элга арзирлик.

Ба х м а л

Тошболта НАҲАЛОВ

БИР ЖУФТ ҚОРАЧИҚДАН...

Бир жуфт қорачиқдан ёйилиб осмон,
 Юлдуз чарақлади—

тилга кирди қалб.

Шу икки нуқтада бирлашди жаҳон,
 Бир осмон тагида ҳам Шарқу ҳам Ғарб.
 Вожаб, довуллар қўзғалар, даҳшат!
 Гулдурак қўзғалар—

чақнаб кетар ўт.

Қорачиқ олдида мен лолман фақат,
 Чатнаб ёрилажак залворли сукат.

Дунёнинг қудратли тақдир-қисмати
 Бир жуфт қорачиқда ҳал бўлажак, о!
 Шу қорачиқлардан излайман бахтим,
 Шу қорачиқларда мужассам дунё.
 Бир жуфт қорачиқдан ёйилиб осмон,
 Бу кун шуъла сочар муаззам қуёш,
 Мен эса—

Оламга кўз тикиб шодон,
 Шуълалар бағрига қўядирман бош.

Ж о м б о й

Абдумурод РАҲМОНОВ

ЮРАКНИНГ СУРАТИ

Қаламдан тўкилар бир қўшиқ—
 Чизилар ҳисларнинг сурати.
 Унда тонг қизариб-бўзарар,
 Камалак товланиб туради.
 Қаламдан тўкилар бир қўшиқ,
 Юлдузлар дафтарин варақлар...
 Жон кирар коинот, борлиққа,
 Шивирлар гиёҳлар, дарахтлар.
 Қаламдан тўкилар бир қўшиқ—
 Шабнамлар мастона мўлтирар...
 Табиат иболи қиз мисол
 Қаршингда лаб тишлаб ўлтирар.
 Қаламдан тўкилар бир қўшиқ—
 Чизилар тўрт фасл нафаси:

Қор.

Ҳазон.

Гул иси.

Бошоқлар...

Ҳаммаси,

ҳаммаси,

ҳаммаси.

Қаламдан тўкилар бир қўшиқ—

Сурати чизилар оламнинг

Бу осон;

Лекин ҳануз

тилсимдир

Юрагин сурати

Одамнинг...

ИҲҚОЛИШ

Ҳаёт нима? Яшаш не демак?—
Уни асло қизиқтирмади.
Ўзгаларга очмади юрак,
Юракларни очиб кирмади.
Суронлардан бекиниб, қочиб,

Ҳаловатин ғамини еди.
Бир кун ҳаёт варағин очиб —
Кўрсалар, йўқ!—
Йўқолган эди...

Бой сун.

Абдулла РҶЗИЕВ

ИНТИЗОР ЭТМАГИЛ

Бир дам суҳбат қурарга мени хумор этмагил,
Ой юзингни кўрарга кўп интизор этмагил.

Оқила қизлар аро сени севганман танҳо,
Сабру тоқатим олиб, васлингга зор этмагил.

Ишқинг билан ёнгуси бечора қалбим менинг,
Мажнунман, Лайлогинам, дилга озор этмагил.

Сўроқлаб борганимда фироқ ўтида куйиб
Қувиб мени, эл ичра, сен шармисор этмагил.

Арўзий илтимоси ушбу эрур, эй жонон,
Мени аччиқ фироққа яна дучор этмагил.

Каттақўрғон

Муҳаммаджон ТҲХТАБОЕВ

АТЛАС

Кийдию қоши пайваст,
Гулхандай ёнди атлас.
Дилларга ўт улашиб,
Чандон қувонди атлас.

Кўрган эдим мен ундан
Бағрим кабоблигини,
Жононга тункаб айбни
Тўлғонди — тонди атлас.

Жонон ёнишларимдан
Илгунча шуъла юзга,
Мастона боқишимга
Минг бора қонди атлас.

Дилбар ҳар жилвасидан
Тўлқинли мисра йўллаб,
Ғазал мафтунни дилда
Обрў қозонди атлас.

Наманган

Машраб УСМОНОВ

ПАХТА ИШҚДАН ЯРАЛУР

Деҳқон қизи, фасли навбаҳор
Бир барнонинг ишқида ёнди.
Лек севгисин қилолмай изҳор,
Булбул билан тонгда уйғонди.
Чора топди,

далага чопди,

ерга сочди тилақларини.

Ялинди у: Эй, тупроқ — она,
Ёрдам бергил сен ҳам; жон қуёш.
Тилакларим берсин нишона,
Ўза бўлиб кўтарсинлар бош.

Кўтарди бош

чигитлар сирдош,

ва қиз тутди билакларини.

Тер тўкиб то оқшомга қадар,
Ҳар бир тупга меҳрин ичирди.

Тонггача ҳам ишқиде бедор.

Юлдуз рақсин ерга кўчирди.

Ҳар бир япроқ,

томчидан балдоқ,

тонгда тақди зиракларини.

Йигит келди, куз эди бу кун,

Қиз орзуси очилмиш чаман.

Пахтазорга боқарди мафтун,

Қиз ишқидан ҳар чаноқ нишон.

Сепин тутиб,

синовдан ўтиб,

туташтирди юракларини.

Ш а ҳ р и х о н

Маҳфуза ЭРГАШЕВА

ЯШАШ ФАЛСАФАСИ

Дунё ташвишларин ортса бўйнимга,
Нохуш этмасмикан вужудим чарчоқ.
Нотекис йўлларда қоқилиб тушсам,
Тиклай оларманми қаддимни шу чоқ.
Қайта учарманми чексиз самода,
Ногоҳ парвоз чоғи қайрилса қанот.
Етармикан қалбнинг чидам-бардоши,
Баъзан ғуссаларга чулғаса ҳаёт.
Баъзида қоламан лол ва чорасиз
Шу каби хаёллар исканжасида.
Бир зум сукут сақлаб дилим иложсиз,
Маъсум типирчилар ғам панжасида.
Тушкун хаёлларни қувиб дафъатан
Ташна дил қаъридан келар бир овоз:
— Дадил бўл, дадил бўл, ахир инсонсан,
Енгиб яшамоқлик инсонларга хос.

И ш т и х о н

Тоир ЮНУСОВ

КУЗ

Оғир бир юкини елкага ортиб,
Оҳиста одимлаб борар отахон.
Чеҳрада ҳорғинлик ва хомуш тортиб
Қайдандир келяпти юк билан бу он.
Юкини ушлаган кўллари маҳкам,
Рангпар чеҳрасида табассум хиёл.

Одимлар бир вазмин салобат билан,
Бош эгиб боради, суради хаёл.
Мен уни кўрдим-у, йўлда паришон,
Синчиклаб қарадим бўйи-бастига.
Сояда дам олиб йиғсин деб дармон,
Мен уни чорладим дарахт остига:

— Отахон, айтинг-чи, шошасиз нечун,
Доимо йўлдасиз тонгдан то оқшом.
Қайтадан куч-қувват йиғмоқлик учун
Бир нафас ўтириб олингиз ором.
Отахон сўзлади менга шивирлаб,
Бохабар қилгандек сиру асрордан:
— Бўтам, бу юкимни асраб-авайлаб,
Ортмоқлаб келяпман йироқ Баҳордан!
Жой бериб оғир бир юкка елкадан,
Дам олмай одимлар кечаю кундуз...
Шу тахлит ўтмоқда менинг ўлкамдан,
Пахтасин ортмоқлаб отахоним Куз!

Т о ш к е н т

Туроб ЮСУПОВ

* * *

Қаттиқ эсаётган қишки шамолда
Вазмин чайқалади сада дарахти.
Ёнидаги янги нозик ниҳолга
Пана бўлиш ҳозир унинг зўр аҳди.
Яхшилиқ, эзгулик кетмагай беиз,
Бир кун дарахт бўлур ниҳол чинакам.
Кекса сада лутфин унутмай ҳаргиз
Бўронларда суяб қолар уни ҳам.

* * *

Осмонда юлдузлар милтирар хира,
Она замин узра сочар совуқ нур.
Шу дамда нурлари мен учун сира
Тафтсизмас, оловдек кучли тафт берур
Ва ором етказар менинг жонимга,
Чунки сен турибсан менинг ёнимда.
Гардундан шуълалар тўкмоқда офтоб,
Гарчи кўп тафтлидир унинг нурлари.
Мен учун муз мисол туюлур шу тоб
Унинг кўкдан тўккан ёғдусин бари.
Шундай бўлиши ҳам ахир муқаррар,
Чунки ёнимда сен йўқсан, эй дилбар.

Ж и з з а х.

МАНЗАРА

Дараларда ухлайди туман,
Сукут сақлар бошида тоғлар.
Дараларда ухлайди туман,
Олисларда шовуллар боғлар.
Ой жимгина тарайди зиё,
Борлиқ гўё бутунлай унут.
Бу фусунга лол ва маҳлиё,
Сукунат ҳам сақлайди сукут.
Менинг хандон кулгуларимдай,
Гоҳ қалдироқ қоплар кўк юзин.
Сўнаётган туйғуларимдай,
Дараларга сингиб борар тун.
Кўз ўнгимда ажиб манзара.
Кулаётир оппоқ тонг шўх-шан.
Кўзингни оч, дўстгинам, қара,
Дараларда ухлайди туман...

Китоб

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР



ЭРИШ ТУЮЛАДИ...

Эриш туюлади дардсиз яшамоқ
Нафис адабиёт, хусусан, шеърда.
Эриш туюлади кўкни кўмсамоқ
Ҳар ҳолда одамлар яшагач ерда.

Дил истар қандайдир ноёб сўзларни,
Майли тугилса ҳам улар қийинроқ.
Некрасов руҳига эргашар барча,
У эса — теранроқ, тагин теранроқ.

Эриш туюлади кўз ёш тинмаса,
Шафқат, юз-хотир деб эгилса бўйин.
Эриш туюлади соғинилмаса
Ҳар ҳолда само ҳам бўлгандан кейин.

Дил истар қандайдир қуйма сўзларни,
Қоғозга тўкилсин осону ўйноқ
Ва барча эргашар Пушкин руҳига,
У эса — юксакроқ, тагин юксакроқ.

ЧЕГАРА

Ҳамма нарсада ҳам бордир маълум ҳад:
Чеклидир бардош, қалб, идрок, муҳаббат,
Чексиз кенгликнинг ҳам чегараси бор.
Шоир, бас, эзмасин кўнглинг ҳадиги —
Иқтидор ва умринг чекланганлиги,
Инон, бунда зарра гуноҳ йўқ зинҳор!

Аммоки нашъадор жилмайса жоҳил:
Дегандек, у шўрлик тугабди охир,—
Бу асло қалбингни этмасин яра.
Сен-ку тугамадинг, руҳингда сарҳад.
Ҳар қандай даҳо ҳам чекланган, фақат
Инсон разиллиги билмас чегара.

* * *

Пойтахт оломони ичра кезаман,
Кўчаларда жўшар баҳор сувлари.
Ўзимда ғалати қувонч сезаман,
Шодлиги сиғмаган бола сингари.

Тиқин трамвайга қиламан ҳужум,
Кимгадир дўндириб сўйлайман ёлғон;

Ўзимнинг ортимдан куваман ўзим,
Бироқ етолмайман ўзимга ҳамон.

Ҳайратда боқаман улкан кемага,
Баланд самолётлар,
Ўз шеърларимга...
Бойликка кўмишди, лек айтишмади,
Улар билан нима қилишни менга.

* * *

Сен севгида улкансан.

Жасурсан.
Мен эса чўчийман ҳар қадамимдан.
Сенга ёмонликни раво кўрмасман,
Бироқ яхшилик ҳам қилишим гумон.
Менга туюлади, худди ўрмонда
Сўқмоқсиз йўллардан бошлябсан сен.
Мудроқ гуллар ўсиб турар ҳар ёнда,
Билмайман —

бу гуллар қанақалигин.
Қўлланган услублар сийқадири энди.

Билмай қолдим

нима қиларимни ҳам.

Чарчадинг.

Сўрайсан — қўлингга ол, деб.
Сен-ку, аллақачон қўлларимдасан.
«Қара, осмон бунча тиниқ ва зангор!
Эшит қушчаларнинг куй-нағмасини!
Нега тўхтаб қолдинг?

Қани,

олиб бор?»

Мен эса қайларга элтайин сени?..

ОНАЛАР КЕТМОҚДА...

Биздан узоқлашиб борар оналар,
Кетишмоқда секин,

оёқ учида,
Биз эса ётибмиз хотиржам уйқуда,
Бу мудҳиш дамлардан гофилу беҳабар.
Оналар бизлардан бир зумда кетмас,

йўқ,—
Бу фақат бизларга туюлар шундайин.
Улар узоқлашар оҳиста, беандух,
Кетишар зинадан тушгандек, йил сайин.
Хотирлаб қоламиз кўнгил ғаш бир маҳал,
Дабдаба қиламиз туғилган кунларни.
Бироқ бу кечиккан жаҳд-жадал

Қутқарур на улар,
на бизнинг дилларни.
Буткул узоқлашар,
кетишар улар.

Бизлар интиламиз,
уйғонгач бедор.
Бироқ қўл ҳавога ногоҳ урилар —
Унда ўсиб чиқмиш ойнадан девор!
Мудҳиш дам занг урди.

Бизлар кечикдик.
Боқамиз, ялтирар кўзимизда нам,
Оҳиста шарпадек саф-саф бўлишиб
Оналар узоқлаб бораркан биздан...

ЛЕРМОНТОВ

Петербургнинг музли кўчаси
Бунча инграр — кимни этар ёд?
Чана узра ярим кечаси
Қайга елиб боради бу зот?

У атрофга боқар қаҳр ила
Ва нафратдан қимтиган лабин.
Икки кўзин қорачиғида
Икки Пушкин ётар ерпарчин.

Петербургнинг қорли еллари,
У қисматин ўқиди сизда,—
Мартиновга дуч келмай ҳали,
Аммо Дантес ўқи кўксида.

Тунлари у беғам жўралар —
Давраларни рад этиб бутун,

Уч шарпаси бўлиб юксалар
У арвоҳнинг интиқоми-чун.

Гўдакмасди ундаги шуур,
Ўшар эди совуқ ёлқинга.
Муза шафқат фарзанди эрур,
Аммо нафрат энага унга.

Шартдир баҳсни дуэлда ечмоқ,
Қанча зотлар кетса-да завол;
Гарчи холис секундант тоғмоқ
Ақлга ёт — бўлса-да маҳол.

Пушкинона бир нидо эса
Тўсиқларга ундайди чорлаб.
Туғилади шоирлар Русда
Дантес ўқин кўксига жойлаб.

* * *

Келди ўзга замонлар,
Кўринди ўзга номлар.

Улар тинмас тутақиб.
Орттирар душман-рақиб.
Ҳар ишда танги, ботир,
Қилмайдилар юз-хотир.

Узича «даҳо» бари,
Ёмғирда ҳам қизлари
Интиқ кутар тун ичра,
Кўзин намлаб ўғринча.

Эҳ, сенинг душманларинг...
Қайдадир? Топ-чи бирин.
Ҳа, мана улар ёввош,
Бепарво ирғайди бош.

Қизларинг-чи, қизларинг?
Энди асраб ўзларин
Юрмас тунги паллалар —
Неварасин аллалар.

Душманларинг барчасин,
Енгил қадамлар сасин
Ўғирлашди улар, ҳа.
Қолди фақат тажриба.

Куюнма, бас! Ўзинг-чи —
Ўғирлаб олмовдингми,
Сўраб ўлтирмай, ахир,
Булар барин кимдандир?

Ўғирлик ҳар ёшлик ҳам,
Ҳаёт қизиқдир шундан:

Ҳар нарса йитмас, бешак,
Шунчалик келма-кезак.

Ҳасад қилма. Доно бўл
На уларга бергин йўл.

Чирансалар-да бу дам,
Уғирлатар улар ҳам.

Келар ўзга замонлар,
Кўринар ўзга номлар.

* * *

Мен ҳамёнман.

Ўтибман йўлда.
Кун ярмида ўтибман ёлғиз.
Э, одамлар,

пайқаш ўрнига
Топтамоқда оёқларингиз.
Нима бўлган сизларга, ахир?!
Кўзларингиз кўрми ё?!
Аттанг,

Мени сиздан беркитмоқдадир
Изингиздан кўтарилган чанг.
Бир бор боқинг.

Бир боқиш холос,
Мен сизники бўламан шу зум.
Суриштирманг эгамни ҳам, рост —
Грига кўйдим ўзимни ўзим.
Ҳаёл қилманг,

ип тортиб бехос,
Тахта девор ортидан туриб,
Шум болакай кўтармайди бош:
«Қотирдик!» деб, қаҳқаҳа уриб.
Чўчитмасин истехзо билан
Доразадан қараган кимса...
Қалбакимас,

мен ҳақиқийман.
Бир бор боқинг, кўрасиз шунда!
Мен кўрқаман

сизлардан араз —
Бир тасодиф босар ташвиши:
Кўриб қолар кутганим эмас,
Олиб кетар муҳтожмас киши...

* * *

Дунёда беҳикмат одамлар бўлмас,
Тақдирлар — сайёралар тарихига бас.

Ҳар кимнинг бўлади ўзгача қалби,
Ухшаш сайёралар бўлмаган каби.

Кимдир яшаб ўтса пинҳон, бедовруғ
Ва бу пинҳонлик-ла дўст тутинса у,
Эътибор қозонган одамлар ичра
Ўзининг худди шу пинҳонлиги-ла.

Ҳар кимнинг бўлади ўз сир олами,
Бу оламда яшар энг бахтли дами,
Бу оламда яшар энг кулфатли он,
Бироқ булар бари биз учун пинҳон.

Бир инсон юз тутса у дунё сари,
Унинг билан кетар биринчи қори
Ҳамда илк бўсаси, илк ғалабаси...
Унинг билан кетар булар ҳаммаси.

Китоблар, кўприклар қолажандир, ҳа,
Рассом асарю турли машина.
Ҳа, кўп нарсаларга яшамоқ тақдир,
Бироқ нималардир кетар-ку, ахир!

Шафқатсиз бу ўйин шундоқ давомлар,
Одамлар ўлмайди, балки оламлар.
Осий бандаларни гоҳо эслаймиз,
Улар ҳақда, асли, нима билганмиз?

Бизга равшандирми дўсту туғишган,
Тўқис биламизми ўзимизни ҳам?
Ҳатто ўз отамиз ҳақида ҳам биз
Кўп нарса билиш-ла тақир билмаймиз.

Одамлар кетмоқда... Қайтариб бўлмас.
Улар сир дунёси қайта туғилмас.
Ва мен бу қисматни кўриб ҳар сафар
Фонийликка қарши дод солгим келар.

Мирпўлат МИРЗАЕВ
таржималари

АДАБИЙ ҲИЛЛАР



ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Бу маданий оламнинг бир ажиб хусусияти бор. У ўзига ҳамма янги оқимларни, барча авангард изланишларни, катта оқимлардан тармоқлаб кетган шохобча моҳиятига эга бўлмиш оқимчалар ва йўналишларни, қарашларни қамраб олаверади. Лекин минг йиллардан бери шаклланавериш бундай баркамол бўлиб кетган саралаш ва тараққиётнинг ўлмас қонунлари доимо зарурни нозарурдан, тасодифни қонунийдан, инсон табиатига ва руҳига мос нарсаларни уларга мос бўлмаган нарса ва ҳодисалардан сира адашмасдан ажратиб беради. Инсоннинг бугуни ёки келажаги учунгина эмас, балки ўтмиши учун ҳам, сув ва ҳаводай зарур бўлган қимматли тажрибаларни тараққиёт тарихининг беҳад бой ва беҳад рангин хазиналарига кўшиб бораверади.

Мана, бугун шеър шакллари ўзгармоқда. Ҳозир фақат бармоқнинг тугал шаклларида ёзадиган шоирлар билан бирга бугун эркин шеърнинг жуда ҳам ранг-баранг шакллари синаб кўраётган, тажрибадан ўтказатган шоирлар қалам тебратмоқда. Шаклларнинг ранг-баранглиги замон талаби билан, маданий дунёнинг эҳтиёжлари билан юзага чиқмоқда ва тажрибалар зарурлигини тақозо қилмоқда. Муқимийнинг «Саёҳатнома»си ва ҳажвийети, Завқийнинг «Аҳли раста» сингари тамомила янгича бир қараш ва типдаги асарлари, Фурқатнинг рус ва Европа маданиятини тарғиб қилиб яратган манзумаларидан эътиборан ўзбек адабиётида янги шаклларга, янги ифода воситаларига, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгича мавзуларга туганмас бир қизиқиш бошланган эди. Янгича ижтимоий муносабатлар, маданий тараққиётнинг янги бир эҳтиёжлари янгича шаклларга жуда кучли бир талабни туғдирган эди. Шу талабни юқорида номлари зикр қилинган чинакам халқчил шоирлар биринчилардан бўлиб ҳис қилган, сезган, шу ҳақда ўйлаган ва биринчилардан бўлиб кашфиётчилик ру-

ҳини адабиётга ва айниқса, шеърятга олиб кирган эдилар. Кашфиётчилик руҳининг кучи ва қуввати жиҳатидан кейинроқ уларга фақат Ҳамза яқин турди. Ҳамзанинг аср бошларида ғазалчиликдаги тақлидий изланишларини эсланг. Ҳамза каби универсал ижодий онг эгаси ғазалчиликдаги тажрибанинг ўзи билангина қаноат ҳосил қилиб қола билмасди. Ўз олдига жуда катта инсоний ва ижтимоий вазифаларни кўйган одамга ранг-баранглик айниқса, ҳаммадан ҳам зарур эди. Ҳамза ўзининг педагогик интилишлари давомида аста-секин халқ ижодига яқинлаша бошлади. У халқ даҳосига мансуб асарларнинг улуғвор кучи нимада эканлигини чуқур идрок этди ва даврнинг ғояларини беҳад таъсирчанлик билан ифодалагандагина санъаткор ўз мақсадига эришмоғи мумкин эканлигини англади. «Соғиниб» ва «Салом айтинг» сингари дардли кўшиқлар уни халқ ижоди хазиналарига янада яқинлаштирди. У воқеликнинг мазмуни шундай халқчил шаклларда жуда лўнда ва тез етиб борадиган қилиб ифодаланиши мумкинлигини нозик иқтидор билан сезди. Сал кейинроқ ўн еттинчи йил февраль революциясидан сўнг яратган «Шундоқ қолурму?» деган шеъри билан у адабиётимизда ҳам шакл, ҳам мундарижа, ҳам ифода усули жиҳатидан янги бир йўл очди. Ушанда гарчи ҳали социалистик революция ғалаба қилмаган бўлса-да, лекин мана шу шеър билан янги социалистик ўзбек адабиётининг тарихи бошланади. Даврнинг ижтимоий онгини ифодалаб бериши жиҳатидан ва ўз ғоявий йўналишига кўра бу шеър янги адабиётимизнинг боши ва биринчи олтин ҳарфидир. Ҳамзанинг ўз ижодиётида ҳам бутун инқилобий шеърларнинг шуқуҳи ва кудратли садолари худди ушбу шеърдан бошланади ва озикланади.

Ҳамзадан сўнг замона янгилана бориши билан шеърятнинг шакллари ҳам интенсив тарзда ўзгара борди. Ўзбек ада-

биётига эркин шеър шакллари кириб келди. Эркин қофияли ва эркин вазнли, мантикий урғуларга ва ички қофияларга, ички жарангдорликка асосланган шеърлар майдонга чиқди. Фафур Фулом, Ойбек, Хамид Олимовон, Шайхзода сингари шоирлар ижодида биз шеър шакллари жуда бой истифода этилганлигини кўрамиз. Фафур Фулом ва Шайхзоданинг ғоятда муваффақиятли чиққан тажрибаларидан сўнг эркин қофия, эркин ҳижоли шеър адабиётда ўз мустақкам ўрнига эга бўлди.

* * *

Мени шеър шакллари ҳақидаги баҳслар ажаблантирмайди. Бундай баҳслар доимо бўлган ва бундан кейин ҳам бўлаверади. Лекин мени фалон шакл эскирди, керакмас, фалон шакл давримизга мос келади, керак деган тарздаги қатъий муҳокамалар ва ҳукмлар доимо ажаблантиради.

Аруз эскирди, деб қанча одамлар гапирди. Қанча зангалаган қилчлар синди аруз ҳақидаги баҳсларда. Арузда ёзиб бўлмайдди, у бугунги куннинг долзарб масалаларини кўтариб чиқолмайдди, деб жар солганлар ҳам йўқ эмасди. Лекин арузда нима айб? Шакл, ахир, бор-йўғи бир восита-ку! Аруз шакллари жуда мукаммап, жуда мураккаб ва оҳанг товланишлариға жуда ҳам бой. У минг йиллар мобайнида араб, форс, турк, ўзбек, озар, тожик, ҳинд, урду шоирлари томонидан сайқалланавериб, ўз нозик қонуниятларини устувор қилган шакл. Ундан юз ўгириш минг йиллик маданиятдан юз ўгириш билан тенг бўлиши мумкин.

Аруз сўз яратиш маданиятининг шакли. Унинг ўтмиши қанчалар улуғ бўлса, унинг келажағи ҳам шунчалар умидлидир. Шакллари даҳолар тирилтирадилар ва уларға янгидан фараҳ бағишлайдилар.

Гап фақат аруз ҳақидагина бораётгани йўқ. Ва гап фақат аруздагина эмас. Арузни шоирлар қувонч билан қабул қилганлар ва ўз дардлари ва қувончлари акс этган унинг ғўзал намуналарини наслларға мерос қилиб қолдирганлар. Аруз бирон-бир ижодкор шахсға ёқмаслиги мумкин. Кимдир унда ёзишни истамаслиги табиий. Лекин бу билан аруз адабий ҳодиса сифатида йўқ бўлиб кетмайди. Балки барча улуғ ҳодисалар каби ҳар янги келган насл унга ўз муносабатини билдиради ва унда ўз кучларини синаб кўради. Шеър шакллари ҳақида гапирганда, умуман адабий шакллар тўғрисида баҳс юритганда, доимо қадимги ҳикматни ёдда тутган яхшига ўхшайди: чақалоқни тос билан бирға қў-

шиб улоқтириб юборадиган иш қилмастлики керак. Шакллар бизға боболардан қимматли мерос: уларни авайламоқ, қадрламоқ, аҳамиятини теран идрок қилмоқ зарур. Зотан, шамол бир айланб қолган чоғида инсон болаларида яна ғазал вақни уйғонади, яна хушнаво булбуллар боболардан қолган шу эски найни қўлга оладилар.

Шакллар ҳақида гапиряпмиз. Ривоятни олинг. Кўҳна ривоятлар бунчалар тирилади, бадий асарларнинг бағриға бунчалар сингади, уларнинг ички имкониятларини кенгайтиради, руҳни жонлантиради, деб ким ўйлаган эди эллигини йилларда. Бугун эса Чингиз Айтматов каби замонавий ривоятнинг энг улкан намояндаларидан тоғтиб, Болтиқбўйининг энг ёш адибларига чаривоятдан асарнинг фалсафий, ҳаётий, тарихий моҳиятини чуқурлаштириш учун кенг суратда фойдаланадиган бўлиб қолдилар.

Ривоят инсон боласи тилға киргандан бери бор. Қўшиқ билан бирға туғилган. Ривоят пайдо бўлгандан бери у турландурулган ўзидан афсона, эртақ, ҳикоят, легенда, мифа сингари фарзандларни яратди. Сўнг ундан қисса туғилди, ҳикоя туғилди, роман туғилди. Эндиликда ушбу жуда ҳаракатчан проза шакллари яна ўз онасини ривоятни кенг бағриға олмоқда. Ундан, файз, фалсафа, фусун ахтармоқда. Топмоқда.

Инсоннинг энг улуғ даҳолари ривоятларға буюк ва ҳеч қачон сўнмаган бир муҳаббат билан қараганлар. Хусусан, Достоевский ва Толстой прозасини ўқиганда, улуғ адиблар қадим ёдномалар, манокимлар, ўлмас ёдгорликларда келтирилган афсоналар, ривоятлар, уларнинг қаҳрамонлари, фалсафий ақидаларидан қанчалар усталик ва эҳтиёткорлик билан фойдаланганлари ҳар қадамда сезилади. Маил шу туғайли бу каби адибларнинг асарларида жуда узоқ ўтмиш билан бугунги кун тарихий жиҳатдан туташиб кетади. Тарихий бадий онг деган улуғ бир тушунча пайдо бўлади. Улуғ шарқ шоирлари ва адибларининг ижодини кўздан кечиринг, Улар ривоятлардан қанчалар нозик бир дид ва нозик бир ақл билан ҳикматлар ахтардилар. Биз интеллектуаллик деган тушунчани кейинги пайтларда жуда кўп учратадиган ва ишлатадиган бўлиб қолдик. Бу тушунча эндигона пайдо бўлди. Ёш, навқирон тушунча. Лекин назаримда ҳодисанинг ўзи тушунчадан минг йиллар илгарти пайдо бўлганға ўхшаб туюлади менга. Масалан, менга Геродотнинг тарихий асарлари, Гомернинг дostonлари,

Цицероннинг донишга тўлиқ рисоалари, Навоий ва Жомий дostonлари, Саъдийнинг ўлмас асарлари интеллектуал проза ва поэзиянинг энг ёрқин намуналари, интеллектуалликнинг гузал ёдномалари бўлиб кўринади. Асли ўзи шундай ҳам. Зотан, бу асарларда биз инсоният тарихининг қатламлари, бадий онгининг тарихий қатламлари инъикос этганлигини кўрамиз. Бадий жиҳатдан жуда юксак мейёр туйғуси билан акс эттирилганлигидан ақлимиз лол қолади ва беихтиёр: ана, интеллектуаллик, деймиз!

Ривоятлар — инсон ўтмишининг гуллари. Уларда ҳозир тасаввур қудрати билан ҳам этиб бориб бўлмайдиган жуда узоқ замонларнинг сирли излари сақланади. Биз шу излардан ибрат оламиз. Ўтмишга қайтиб иш кўрамиз.

Бугун ҳайратомуз улуғвор намуналарига эга бўлган замонавий проза ривоятлардан ўсиб чиққан бўлса, бугун бизга янгилик бўлиб кўринадиган сочма шеърлар, мансур шеърлар, эркин ҳижоли ва эркин қофияли, эркин ҳижоли ва қофиясиз, муқим ҳижоли ва қофиясиз (оқ шеър) шеърлар ҳам тарихан олиб қараганда жуда узоқ замонларга бориб тақалади.

Инсоният ақли ва тафаккур қобилиятининг гултожи бўлган қадимги ёдномаларга — «Авесто», «Панчатантра», «Дхаммапада», Экликсеист китоби, Инжил сингари битикларга эътибор билан қарасак, уларнинг ҳаммаси шеър билан проза ўртасидаги аллақандай бир олтин ўрталикда яратилганлигини кўрамиз. Назаримда, буларда шундай бир шакл ўрталиги топилганки, унинг ифодалари билан ҳатто музика ҳам этиб боролмайдиган ҳиссиёт тубларига, фикр нозикликларига етилгандай бўлиб кўринади. Қанчалар содда бу парчалар! Ва қанчалар мураккаб нарсалар хусусида баҳс юрилади бу парчалар!

2. Беҳуда, беҳуда,— деди Воиз,— беҳуда беҳуда: ҳаммаси беҳуда.

3. Одамга унинг меҳнатидан не наф, бу офтоб таги машаққатлардан?

4. Насл келур, насл кетур. Замин қолур то абад.

5. Қуёш чиқур, қуёш ботур, ўз қароргоҳи томон шошилур, сўнг яна бўлур пайдо.

6. Жануб сари югурар ва шимол сари айланар, айланар, айланар, югурар шамол.

Ва яна ўз йўлига айланиб қайтар шамол.

7. Дарёлар югурар денгизларга,— тўлиб тошмас денгизлар,— дарёлар ўз югурган манзилларига яна югураверлар*.

(«Экликсеист китоби». Биринчи боб)

Мен бу сирли парчанинг жуда чуқур фалсафасини таҳлил этиб, уни совуқ муҳокамаларга айлантirmoқчи эмасман. Бу парчаларни қабул қилиш учун одам нақадар зоҳирда ва ботинда пок бўлмоғи керак. Улар уч минг йилдан бери оғизлардан тўшмайди. Шамол ер юзини қандай айланиб юрса, бу сўзларнинг тоти ҳам уч минг йилдан бери Инсон қалбларини кезиб юради ва яна юраверади! Лекин, ахир, бу сочма-ку!— деб хитоб қилиши мумкин содда ўқувчи. Ростдан ҳам, сочма! Лекин парча на биз билган прозага ўхшайди ва на биз билган шеърга ўхшайди. У биз билган шеър билан прозанинг ўртасида тургандек туюлади. Уитмен, Нозим Ҳикмат сочмаларини эслайди дарров китобхон.

Бу мансур шеър. Араблар бунга гўзал ном топганлар мансур шеър деб. Унинг оҳанги сирли. Худди қонунятларга бўйсунмайдиганга ўхшайди. Лекин музика сўзлар ичида айланиб юргандек, нималардир даврий суратда такрорланаётгандек ва шу даврийлик онгининг қаватларига шитоб билан кириб ўрнашаётгандек. Сўзларнинг жойлашуви жуда ғалати, жуда содда. От— феъл! От— феъл! Фикр— тасвир. Ҳақиқат-тасвир. Шамол, Дарё, Қуёш деган сўзлар ҳаракатнинг бошида ва охирида. Абадий тинимсизликни ифода қилади.

Ҳозирги эркин қофияли, эркин ҳижоли шеърларни эсланг. Уларда Сўзнинг ўрни биринчи даражали аҳамият касб этади. Ҳар бир сўз гўё тахтга олиб чиқиб қўйилгандек, ҳар томондан кўринади, ҳар томондан ажралади ва ҳар томондан муносабатга киришади. Эркин шеър ёзувчи шоирлар ритмнинг сирли ҳаволарини, ғалати «молишларини» топмоқчи бўладилар. Лекин бу интилишлар одам қонида жуда қадимлардан борлиги яна қуйидаги парчада ҳам кўриниб туради:

3.

«У мени ҳақорат қилди, у мени урди. У мени енгди, у мени талади». Шундай ўй билан юрган аламдан халос бўлмайди.

* Мазкур ва бундан сўнгги намуналарни муаллиф таржима қилган — Ред.

4.

«У мени ҳақорат қилди, у мени урди, у мени енгди, у мени талади», Шундай ўй билан юрмаган аламдан халос бўлади.

5.

Зотан, бу оламда ҳеч қачон аламини алам билан йўқотиб бўлмайди, лекин уни сақланмаса, йўқолади. Азал ҳикмат шу.

(«Дхаммапада». Қўшбандлар боби)

Бу парчанинг ҳам тарихи жуда узун. Уч минг йилларга боради. Уни улуғ Гаутама Буддага нисбат берадилар. Кейинроқ алломалар бу ғалати парчаларни қўшбандлар деб атаганлар. Улар қутлуғ илмнинг мевалари. Мен бандларнинг айлана туришига эътиборингизни тортмоқчиман. Бунда кечанинг кундуз билан, ойнанинг қуёш билан, мовийликнинг қорамтирлик билан алмашиниб туришига ўхшаган алланима бор. Ҳозирги сочмалардаги ва мансур шеърлардаги такрорийлик ва такрорнинг даврийлиги шу парчаларга бориб тақалади. Такрорийлик олижаноб оҳангларни туғдиради ва сўзларнинг мияда ва қалб саҳифаларида нақшланиб қолиши учун хизмат қилади. Таъсирчанликка эришининг энг қисқа ва энг дохиёна йўли.

Мен ҳукм айтмоқ ва ҳал қилмоқ учун келганим йўқ.

Мен қўшиқ айтмоқ учун келганман.

Сен ҳам мен билан бирга қўшиқ айт.

Бу йигирманчи асрнинг Нерудаси. Парча унинг «Урмончи уйғонсин» поэмасидан олинди. Мен атай «Дхаммапада» қўшбандидан сўнг Неруда парчасига ўтапман. Менга ритмларда, сўзларни жойлаштиришда ўхшашлик, анъанавийлик бордек туюлади. Уч минг йилнинг у чеккаси ва бу чеккаси. Энди бошқачароқ бир парчани тинглайлик:

«Ҳаракати сушт нарсани қўлда тутиб турмоқ осон. Ҳали тугал қотмаган нарсани йўлга солмоқ — осон. Нозикни синдиarmoқ — осон. Ушоқни сочиб ташламоқ — осон. Ҳеч нарса йўқ ерда ҳаракат бошламоқ керак. Исён кўтарилмайд туриб тартиб ўрнатмоқ керак. Қучоққа сиғмас дарахт ингичка ниҳолдан катта бўлади. Тўққиз қават минора бир уюм тупроқдан кўтарилади. Минг қақирим йўл оёқнинг тагидан бошланади.

Ҳаракат қилган — ютқизади, бор — йўқотади. Шунинг-чун доно ҳаракат қилмайди — ютқизмайди, топ-

майди — йўқотмайди. Одамлар инн бошлаб, кўп маҳал охирида барбод га учрайдилар. Эҳтиёт билан инн бошлаганлар барбод бўлмайдилар. Шунинг-чун доно осуда, ноёб парсаларни қадрламайди, нодонлардан ўрнади. ва яна бошқалар утган йўллардан ўтиб боради...»

Бу «Йўллар ва Яхшиликлар китоби» дан парча. Эраמידан илгариги олтинчи аср. Донишманд чол Лао-цзи ҳикматлари. Сўзларнинг осуда ва сокин жаранги. Юксак ишонч туйғуси. Оҳангда гўё қария инсониятнинг минг йиллаб йиққан ҳикматларини толган-у, шуларни сўнг секин туйқабгандай, қумуш хазинанинг жарани. Лекин биз бунда ҳам сўзлар такрорини, уларнинг энг таъсирчан ургу нуқталарини олиб чиқилганига дуч келамиз. Қороғи хонага кириб чироқни ёқсамиз кўзимиз дарров чироққа тушади. Қамашади. Сўнг бошқа нарсаларни кўра бошлаймиз. Бу парчаларга биринчи марта дуч келганда ҳам шундай бир таассурот туғилади. Бойги парчада осон деган сўз — чироқ. У маълум бир дарадаги сўзларнинг чехрасини ёритиб туради.

Қадим донишмандлар сўзлар учун шундай чироқ нуқталарини қидирганлар ва топганлар. Улар ялтирмай туриб порлоқлик яратганлар.

Бизнинг эркин шеър ёзувчи ёш шоирларимиз кўпинча аксинча, порлоқлик ўрнига ялтироқлик яратиб қўядилар. Энг маънисиз нарсаларгина ялтироқлик ичига кириб яширинишини сезмайдилар. Лекин биз ҳали бу гапга алоҳида қайтамыз.

Нима учун биз қадим шоирларнинг ёдгорликларида ялтироқликни учратмаймиз. Балки ялтироқ нарсалар замонларнинг синовиға бардош бермай тўзиб кетгандир? Лекин ундай бўлмаса керак. Ялтироқлик нисбатан яқинроқ замонларнинг мевасидир. У қасидачилик пайдо бўлиши билан, шоҳларнинг саройларга кириб бориши билан боғлиқ бўлган бир ҳодиса бўлса ажабмас. Зотан қадимги шоирлар баландпарвозлиқни яхшилиқ аломати деб билмаганлар. Лекин айниқса, сочмади, мансур шеърларда ва эркин вазнда ўзганда ялтироқликка кўп йўл очилганди бўлиб қуринади. Маълум бир қонуниятлар қўлни боғламагандан сўнг истаганча суҳандонлик қилиш мумкин деб қаровчилар йўқ эмас, албатта. Лекин бадииятнинг умуий устувор қонуниятлари мансур шоир учун ҳам, эркин шеър учун ҳам баравар тааллуқлидир ва улардан ҳеч қачон кўч юмиб бўлмайди. Эркин шеър фикрлар

шеъри. Бунда ёркин фикрлар ва ёркин муҳокамалар биринчи ўринга чиқади. Фикрнинг қутилмаган ҳайратомуз ўзгаришлари эркин шеърни ҳам, мансур шеърни ҳам ўзига хос қурилишга асослашни тақозо этади. Фикрнинг шиддатли ҳаракати ялтироқликка ўрин қолдирмайди.

«Борган сари оз,
Борган сари оз қоляпти ўрмонлар:
Қирмоқдалар уларни,
Қирмоқдалар уларни,
Сараламоқдалар уларни,
Ишлатмоқдалар.

Қоғоз қилмоқдалар уларни,
Уларни миллиард-миллиард газета саҳифаларига айлантирмоқдалар ва ҳар куни одамларга ўрмонлар тобора камайиб боряпти, деб жар солмоқдалар.

Хавфдан огоҳ қилмоқдалар».

Яна йигирманчи асрнинг эркин шеърига қайтдик. Бу талантли француз шоири Жак Превернинг «Борган сари оз» деган шеъри. Мен уни тўлиқ келтирдим. Сатрлар назаримда титраб турибди. Титраб гўё мадад сўраётгандай. Бир чеккадан қирилиб кетяпти, деб жар солиш ва хавфдан огоҳ қилиш, иккинчи чеккадан эса шунга қарамасдан яна қирқишда давом этиш — йигирманчи асрнинг энг фожиали муаммоларидан бири. Шуни Превер айюҳаннос солмай, биронта ҳам ялтироқ сўз ишлатмай англатяпти. Иш билан сўз орасидаги узилишнинг фожиасини ҳаққоний кўрсатяпти. Эътиборни жалб қиляпти. Превернинг қақирғи билан Лаоцзининг ҳикмати бир-бирига уланиб боряпти. Маданиятлар ўз қақирқиқларига эгалар, ўз қақирқиқларига ўз йўллари билан борадилар ва қарабсизки, ўртада умумий чизиқлар ҳам топилиб қолади. Мен шу ўн қатор шеърда ўрмонлар наърасини тинглайман. Ва айтмай туриб айтиш қанчалар зўр бир маҳорат ва фаросат талаб қилишини ҳис этаман. Ўн қатор шеър ва замон дарди, жароҳатлари. О, қанчалар ўхшайди бу шеър йигирманчи асрга!

Бертольт Брехт:

Эшитдимки, энди сен биз билан
ишлашни истамас эмишсан,
Сен чарчаб қолибсан, қимирлашга
мадоринг йўқ эмиш.
Қолдан тойибсан. Уқишга ҳам
қурбинг қолмабди.
Сен адои тамом бўлибсан.
Лекин сен курашдан тўхтасанг,
ҳалок бўласан,
Чарчаган курашчилар жангда
мағлуб бўладилар.

Бу ҳам эркин шеър. Гуманист шоир шеърда қудратни фикрнинг фавқуллодда ўткирлигига қаратади. Курашчилар ҳолдан тойсалар, ютқизадилар. Қолдан тойиб қоладиганлар курашчи бўлмайдилар. Шоир ўзининг асосий тезисини борган сари кучлироқ таъкидлаб, таъкид билан такрорлаб бораётганлигини кўрамиз. Шунда ҳолдан тойиш курашчига жуда ярашмайдиган бир нарса эканлиги англашилади. Бунда ҳам биз айтмай туриб айтиш санъатига дуч келамиз. Бунда ҳам катта ва жуда муҳим ҳаётӣ, инсоний бир фикр илгари сурилаётганлигини уқамиз. Шоирнинг хулосаси сўнгги ўқ каби жаранглайди ва нишонга тегади. Фикр қутилмаган тарзда бурилди. Демак, чарчашга курашчиларнинг ҳақлари йўқ. Чарчаган курашчилар ҳалок бўладилар. Превер шеъридаги қутилмаганлик бу ерда ҳам зоҳир.

Нозим Ҳикмат:

— Карам

қаб
ёна,
ёна,
Кул бўлсам, бўла қолай!
Мен ёнмасам,
Сен ёнмасанг,
Биз ёнмасак;
Қандай қилиб қоронғиликлар

ёруғликка чиқар:

Шеър «қўшин-қўшин бўлиб қўрғошин эрит-қани» қақирқиқ билан тугайди. Нозим Ҳикмат сўзларни уларнинг туриши мумкин бўлган энг зарбдор ўринга қўяди. Такрор билан ўз фикрини янада кучайтиради.

Уолт Уитмен:

Фикр
Ишонч, толелик, садоқат ҳақда:
Мен бир чеккада турибман,
мени ғоятда ҳайратга
солади:

Ки минг-минглаб одамлар
мана шундай одамларга
ишончи қолмаган
одамларга эргашади-
лар.

Бунда сўзларнинг ҳар бири гўё мустақил бир кайфиятда турганга ўхшайди. Лекин улар мантиқнинг чамбарчас ипи билан боғланганлар. Шеърнинг чироқ сўзи — одам... одамлар! Асосий ғоя шу сўз билан боғланган. Умуман, Уитменнинг шеърида ишонтириш қуввати ва мусиқий салоҳияти жуда кучлидир. У нимани такрорлашни ва қайси сўзини зарбдор ўринга олиб чиқишни яхши билади. Уитмен шеъри қадим ёдномалар руҳи билан теран

боғлангандир. Шу жиҳати билан ҳам унинг шеъри эркин шеърнинг авж нуқталарига кўтарилган. Уитмеи йўлларини бугунги Европа шеърининг оҳанглирида кузатиш жуда мароқли.

Бугун ҳиссиётларни ифодалашдан кўра ҳам фикрларни ифодалашга кўпроқ мойил бўлган Европа ва жаҳон шоирларига эркин шеър жуда қўл келган. Улар эркин шеърни эркин имкониятлар деб тушунадилар. Улар замин ва замон қарши-сига шу эркин шеър дарвозаларидан кириб бормоқдалар.

* * *

Ўзбек шеъриятида эркин шеър, мансур шеър маданияти ҳали жуда қатлам-ланиб кетмаган. Жуда ёрқин ва эҳтиросли тажрибалар бор. Айниқса, Ғафур Ғулومнинг ўттизинчи йилларда яратган «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка», «Сельмашнинг бир дегрез шоири» сингари асарлари, Шайхзоданинг элигинчи йилларда яратган бир қатор шеърлари, Рамз Бобожоннинг сочма дostonлари эркин қофиялик, эркин ҳижолик шеърнинг ўзига хос тажриба мактабини ташкил қилади. Лекин йирик шоирларимизда эркин вазнга интилиш у қадар характерли бир ҳодисага айланиб кетмади. Эркин шеърнинг катта тўлқини ҳосил бўлмади. Ғафур Ғулум ва Шайхзода тажрибалари билан бу тўлқин псайгандай бўлди ва сўнг анча-гача чўғ алангаланмай ётди. Бунинг сабаблари битта эмас, албатта. Халқнинг ижод томирларида тарихан эркин шеър анъаналари йўқ эди, дейишлари мумкин. Рост, йўқ эди. Шунинг учун эркин шеър халққа сингиб кетмади ва сингиб кетаётгани йўқ, дейишлари мумкин. Рост. Эркин шеър шоирлардан жуда баланд фикрлаш маданиятини талаб қилади, бунга эса бирдан эришиб бўлмайди, дейишлари мумкин. Рост, бирдан эришиб бўлмайди. Нега бўлмаса, Ғафур Ғулум, Ойбек, Шайхзода, Миртемир сингари шоирлар кейинчалик эркин шеърга қарамай қўйдилар? Саволни бу тарзда қўйиш ҳам мумкин. Лекин бу унчалар тўғри бўлмаса керак. Зотан, шоирлар мен эркин вазнда ёзишим керак ёки арузда ғазал ижод этишим керак ёки рубоий ёзмасам бўлмайди энди, деган бачканароқ бир мақсад билан асар яратмайдилар, албатта. Шоирнинг қизиққан мавзулари, шоирни тўлқинга солган ҳаёт-тий муаммолар ўзи ўз шакли билан шоир қалбининг қопқасини қоқади. Навоийнинг «Кеча келгумдир дебон...»ини эркин вазнга, Пушкиннинг «Мен сизни севардим» шеърини мансур шеър шаклига солиб чи-

қиш мумкин. Лекин бу шеърлар шундай қалбидан асли ўзи шу бир гўзал имон билан туғилган, шу оҳанг билан берилган самара даражасига кўтарилган. Шу шундай улар учун бирдан-бир шакл. Бошқачоқ бошқа асар бўлади. Бошқа одамнинг шеърлари бўлади...

Шакл бирламчи масала эмас, Нозим шеърят шакллари ранг-баранглигига интирилгани маъқул. Шу маънода етмишинчи йилларнинг баъзи ижодкор ёшлари эркин шеърга интилаётганларини, тажрибалар қилаётганларини қўтлаш керак. Тажрибалар адабиётни бойитади, унинг тасвир қилиш билиятини кескин суръатда оширади. Улар ман ранг-баранглик ичидан гўзал имониятларнинг сараланиб чиқиш эҳтимол кўпроқ деб ўйлайман.

Бугунги эркин шеър тажрибалари Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Муҳаммадали Қўшмоқов, Сулаймон Раҳмон, Тилло Жўра, Муҳаммад Солиҳ сингари ижодкорларнинг номи билан боғлиқ.

Рауф Парфи, Муҳаммадали Қўшмоқов, Миразиз Аъзам ва Сулаймон Раҳмоннинг «Хотирот», «Ёмғирдан кейинги умр», «Фунларим сизга...», «Севаман», «Хаёл», «Хуллол» сингари китоблари эркин шеър ҳақида кенг фикр юритиш ва биринчи, гарчи тугал бўлмаса-да, хулосалар чиқариш имкониятини беради.

Бу шоирларнинг шеърларига қараганда улар шаклда кўпроқ Нозимга ва Нерудага эргашадилар. Нерудадан фикрнинг қуюқлигини, фикрнинг оқим каби ҳаракат қилишини ўзлаштирадилар. Нозимдан эркин шаклларнинг график тасвирини, сўзни баланд даражали эҳтирос нуқтасига олиб чиқишни ўрганадилар. Уларга айниқса, Нозимнинг олов селли эҳтироси, жасоратли шеърда гап қурилишининг сеҳрли таъкид кайфияти жуда ёқади.

Толе қопқасини қаттиқроқ қоқамиш жўралар...

толе қопқасини.

У очилажак бизга, очилажак.

Толе қопқасини қаттиқроқ қоқамиш жўралар...

зулфларини узиб-узиб,

Бекитганлар доғда қолсин...—

деб ёзади Миразиз Аъзам бир шеърини Ёшлиқнинг бахти — унинг жасоратиди. Шоир шундай жасорат ҳиссини тарбияламоқчи ўз тингловчиларида. У бағрини кенга очиб шеър айтади ва овозини баралла қўйиб сўзларни дона-дона талаффуз қилади.

Қаттиқроқ-қаттиқроқ силкитамиз, жўралар...

тамалидан кўча кўчин,
 кўрганларнинг ранги ўчсин.
 Кирамиз ичкарига
 Очамиз йўлимизни.
 Чунки биз элчилармиз,
 Баҳор элчилари,
 Келажак элчилари.
 Элчиларга эса тўсиқ йўқ,
 Элчиларга эса ўлим йўқ.
 Фақат номардлар,
 Фақат фашистлар тўсар
 элчиларнинг йўлларини.
 Қаттиқ-қаттиқ силкитамиз, журалар.
 Толе қопқасини.

Шундай қилиб, гап баҳор элчилари, келажак элчилари ҳақида борапти. Бу чақириқни биз фаолликка ундовчи сўзлар деб қабул қиламиз. Лекин эркин шеър юқорида таҳлил этиб ўтганимиздек фикрнинг ўта аниқлиги ва равшанлигини талаб қилади. Ва биз бу ўринда шоирдан жиндак аниқлик талаб қилишга ҳаққимиз бор: толе қопқасидан нарида нима бор? Толе қопқаси — чиройли сўз, лекин у нимани англатади? Шоир назарда тутган ёшлар ўзларини баҳор элчилари деб атайдилар. Баҳорни улар қаерга олиб борадилар? Толе қопқасидан наригами? Баҳор толе дарвозасининг у ёғидами ё бу ёғидами? Агар бу ёғида бўлса, нега баҳор элчилари қопқанинг бу томонида юрибдилар? Шеърда аниқликнинг йўқлиги шунча аниқлаб олиш керак бўлган саволларни туғдиради. Ё шеър шунчаки умумий чиройли хитоб учун ёзилганми? Конкретликнинг етишмаслиги ва аниқланмаган гапларнинг кўплиги шеърнинг бадиий қимматини туширган. Эҳтирос билан бошланган шеър фикрсизликдан сусайиб қолган. Ваҳоланки, Мир-азиз шеърда саволлар кўя билади. Саволларга катта жавоблар топа билади. «Шеърятдан ўтинч» шеърда жимжима сўзлар, «соз усуллар» ҳақида оташин сўзлар айтади. Ва ижод йўли хусусида жуда баланд фикрда туради: «Юксак маслак билан ўлчанади йўл», дейди. Йўлни қофия ўлчолмайди, менга фикр айт, деб талаб қилади шеърятдан. Сўнг у шеърятга «мошдан ҳам кичкина сўнги ўтинчини» айтади:

Кўпам мадҳ ўқима
 майга,
 Шухратдан бошқа ҳам тарихга,
 ишлар —
 Шундай долзарб чоғда тиқилинч.
 жазава —
 нега?!

Кўринмас одамдай
 Сўздан дарахт экиб,

Кўзга ташланмасдан юравергин
 жим!
 Босиқ бўл,
 Вазмин бўл!
 Бошқа гапим йўқ.
 Бир кун мева берар сен эккан
 дарахт.

Бу гаплар жуда чиройли жаранглайди. Лекин кўринмас одамдай сўздан дарахт экиб, кўзга ташланмасдан жимгина юраверса қандоқ бўларкин? Босиқ бўлса, вазмин бўлса, шеър яратилармикин? Шеър, ахир, юракнинг ҳар кунги синоғи, ҳаёт билан жонли — гоҳ аламли, гоҳ қувончга тўла тўқнашувлари-ку! Ундан ташқари кўзга ташланмасдан жим юраверса бояги чақириқ нима бўлади? Бахт қопқасини ким тақиллатади? Ким ларзага солади мушкул очиладиган бу қопқани?! Шоир ўзига ўзи қарши боради. Бу унинг ҳаётий қарашлари ҳали жуда тўлиқ ва бутун ҳолича шаклланиб улгурмаганлигини кўрсатади. Лекин Миразиз Аъзам эркин шеър техникасини жуда эгаллаган. Унинг сўзлари жаранглаб туради. Лекин ижодкор шахс сифатида унинг қарашлари қуюлиб етилмаганлиги бир қарашдаёқ равшан кўринади. Тўғри, фикр керак. Лекин фикрда аланга ва интизом, мунтазамлик, устиворлик, теранлик керак. Миразизнинг шеъри шунинг йўлида турибди.

Рауфнинг шеъри бу жиҳатдан жуда ажралиб туради. Унинг эркин шеърларида фикр ҳам, ранг ҳам, эҳтирос ҳам жуда қуюқ. Маданий савия жуда баланд. Рауф Парфининг «Ватан ҳақида Бернд Иенцшга мактубим», «Пабло Неруда ўлимига», «Виктор Харанинг сўнги кўшиғи» сингари шеърлари сиёсий лириканинг гўзал намуналаридир. Рауф кўпроқ сиёсий ва фалсафий мавзудаги шеърларини эркин вазнда ёзади ва бармоқда ишлатмаган тасвирлаш йўлларини қўллайди. Унинг эркин вазнда шеърлари жуда кескин, жангчининг ярасидан ҳозиргина отилиб чиқаётган қон каби тутаб, кўзни қамаштириб туради. У ҳалок бўлган йигирми миллион одам ҳақида, уларнинг тақдири ҳақида куюниб алам билан ёзади:

Гўё мен зулматнинг ичида
 кетаётирман,
 Қўлларимда ёғду сочмайдиган қора
 машъала,
 Гўё зулмат борлиққа айланган
 Худди Байрон айтган сингари.
 Қор ёғмоқда. Тахайюл ёғар.
 Унинг қарвон-қарвон булулларин
 қўлларим-ла ушлаб кўраман.
 Улар йигирма миллионли шаҳид

номидан сўзлар.
Бу — Буюк миллат эди.
Бу — Буюк Давлат эди.
Дунёнинг севикли Ватани эди...
Йўқ энди. Йўқ энди. Йўқ энди.

Рауфнинг ушбу шеърида йигирма миллион шахид тилга кириб, урушларни кўзгочиларга қарата лаънат айтаётганга ўхшайди. Шоир йигирма миллион умрнинг қадрини буюк бир жафокашлик ҳиссиёти билан ифодалаб беради. Рауфнинг таланти, қарашлари эркин шеър билан жуда чиқишади. У бармоқнинг торини қанчалар нозик ҳиссиёт билан чертса, эркин шеърнинг органини ҳам шунчалар нафосат билан чала олади.

Сулаймон Раҳмоннинг шеърий изланишлари ва айниқса, эркин шеърдаги изланишлари тобора сезиларли бўлиб бораётибди. Сулаймоннинг 1975 йилда чиққан «Хаёл» деб аталган китобига анчагина сарбаст шеърлар киритилган. Хусусан, унинг «Коммунист», «XX аср хотира дафтари», «Табиатнинг дафтари», «Ужар ошиқ» сингари шеърлари ёш қалбни долғалантирган замон муаммоларини хийла теран ва ғоятда эҳтиросли қилиб ифодалаб берган эди. Сўнг унинг 1977 йилда «Ҳилол» деб аталган китоби нашр этилди. Бу китоб тўлалигича сарбаст шеърлардан тузилди. Сулаймон шеърни жуда эҳтирос билан ёзади. Эҳтирослари ҳатто тизгинсиз дейиш мумкин. У катта-катта фикрлар ҳам айтади. Лекин бу фикрлар кўпинча сўзлар шовқин-сурони ичра кўмилиб қолиб кетади. Сулаймоннинг сарбастдаги энг яхши шеърларида ҳам кўп сўзлик, жимжима, сўз ясашга, сунъий образ ясашга майллар бўртиб кўринади.

Унинг «Дарё» деб аталган шеърдан бир парча:

Новдаларда: ял-ял ёнган шафтоли
гуллар,
Мажнунтолда: соя солган шаффоф
кокиллар,
Пахтазорда: хаёл сурган оплоқ
ҳосиллар
Ва сурурли соҳиллар
шаклига киргали шошар дарё...

Шоир дарё ўз суви билан оламнинг барча неъматларига гўзал бир шакл бериб оқади, деган гўзал бир шоирона фикрни конкретлаштириш жараёнида мана шу сатрларни ҳам ёзади. Жуда чиройли, тўғрими? Менимча, ҳаддан ташқари чиройли. Одамнинг кўзи қамшиб кетади бу чиройдан. Айниқса, «шаффоф кокиллар» — бу

сира тасаввур қилиб бўлмайдиган чиройли! Ҳаддан ташқари гўзалликни биз жимжима деб атаймиз. Мана шу жимжима одамнинг кўз нурини олади. Шоир давом этади:

Нурли олам узра нур ёқмоқ учун,
Гулли олам узра гул тақмоқ учун,
Умри сингган,
қалби сингган,
ишқи сингган
Ер ҳуснига бир суқланиб боқмоқ
учун
Атиргул шаклига киргали шошар
дарё.

Сарбаст шеър шундай жимжимадор, ялтироқ бўладими, деб сўраш мумкин муҳтарам шеърхон. Сарбаст шеърнинг жимжимадорликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сарбаст шеър юксак бадииятни талаб қилади. Сарбаст шундай бир шеърки, унинг ичиди жиндак йилтироқлик дарров билинади, дарров ўғайсиниб, ётсираб туради. Сарбаст чиройлиликни асло кўтармайди. Сарбаст эркинликни талаб қилади, лекин эркинликда фикрлар чўнг ва меъёр туйғуси ғоятда тарбияланган бўлишини истаydi. Сулаймоннинг «Биринчи шеър» деб аталган бошқа бир шеърдан парча:

Қамолида — бир болалик,
Жамолида гуллолалик
яшар эди биринчи шеърнинг.
Шиддатида шалолалик,
Мақсадида — ҳаволалик
яшар эди биринчи шеърнинг.
У — биринчи талъат эди,
Осмонда,
осмоннинг остида.
У — биринчи санъат эди...

Яна қайтариб айтаман, Сулаймон гўзал шоирона фикрлар топади. Лекин уларни очишга келганда, бирдан луғатдаги барча чиройли сўзларни қалаштира бошлайди. Ҳеч нарсага қарамасдан, қандай бўлмасин, чиройли ёзишга интилади ва охирида шеърни чиройли сатрлардан тузилган ажибужига айлантириб юборади. У, бўлмас, шу шеърда биринчи шеърнинг шукҳини, сурурини ифодалаб бермоқчи. Лекин буни содда, реалистик воситалар билан амалга оширмасдан баландпарвозликка берилиб кетади... Унинг сўзларини одам овоз чиқариб ўқишга кўрқади, биров куладими деб ўйлайсиз...

Мухаммадали Қўшмоқов Сўзни жонидан ҳам яхши кўради. У сўзга бир шоир чалик, бир йигитчалик ва бир фидокорчилик ошиқ. Мухаммадали Қўшмоқовнинг 1977—1978 йилларда «Емфирдан кейинги

умр» ҳамда «Гулларим сизга...» деган шеърый китоблари эълон қилинди. Табиатга, табиатнинг азал рангларига, она юртга, унинг манзараларига, алп келбатли кишиларига, сарвқомат қизларига бир шайдолик кезади бу шоирнинг қониди.

Унинг ҳиссиётлари жуда нозиклашиб кетгани кўриниб туради ёзган шеърларидан. У шеър техникасини жуда уста эгаллаб олган. Лекин Муҳаммадали Қўшмоқовнинг кейинги икки китоби ҳам ҳаддан ташқари экспериментал китоб бўлди. У ўз олдига эркин шеърнинг имкониятларини синаб қуриш, унинг нималарга қодирлигини билишни вазифа қилиб қўйганга ўхшайди. Унинг ҳар иккала китобини ҳам тушуниш ниҳоятда мушкул. Ахир, шеърни шоирнинг ўзидан бошқа одам тушунолмаса ва айтиб юролмаса, у шеър бўладими? Нимага керак бу тажриба? Унинг «Гулларим сизга...» деб аталган китобига кирган шеърлардан бири «Жийда гулидан ширин гул йўқ», деб бошланади. Шоир ўзини ширин бир лаззатга солган онлари — полиз шукўҳини, файзини чизиб беришга киришади. Шеърнинг ритмик тартиботини илғаб олиш мушкул. Шоир худди оғзида қовун билан тамшаниб сўзлаётгандек туюлади. Сўнг шеърда тезисларни қориштириб юборади. У гапни жийда гулидан бошлайди. Олти қаторда ундан олган таассуротларини ёзиб бўлгач, «жийда гуллаганда оқ жўхорини экишга бошлардик...» дейди. Биз шеърдан шу гап билан боғлиқ унинг давоматини кутамиз. Лекин шоир бирдан жўхори экишни бир чеккага йиғиштириб, бутунлай бошқа гапга ўтиб кетади. Бу гапни у: «Нуқул меванинг ичида катта бўлганман», деб бошлайди. Сўнг ҳусайни узумларнинг, қовунларнинг, полизларнинг, тонг палласи тўн кийиб қовун ейишларнинг гаштини чизади, қовунларнинг навларини мақтайди. Ва алоҳа: «қовунхўрлик қилаверинг, ана!»—деб хулоса ясайди. Сўнг қовун навлари ҳақидаги гаплар тугаб, муҳокама жийда навларига кўчади, уларни таърифлаб бўлгач: «у жийдани емабсиз, бу дунёга келмабсиз»,—деб қўяди. Шоир полиз гаштини, шу гаштдан туғилган миллий бир кайфиятни тўлалигича ифодаламақчи. Лекин жийда ҳақидаги гап полиз ҳақидаги гапга қовушмайди. Иккита шеърдан зўрлаб битта шеър ясалгандек таассурот туғилади. Тасаввурлар бўлинади ва тасаввур оқимиға ўхшаш алланима пайдо бўлади.

Муҳаммадали Қўшмоқов ўз сочмаларида — уларни эркин шеърдан кўра мансур шеър дейиш тўғрироқ бўларди,— шундай тасаввурлар оқими яратишга уринади.

Тасаввурларнинг қоришган оқимиға образларнинг қоришган оқими эш бўлиб боради ва икки мураккаб мушкуллик бир-бири билан қўшилиб тушуниб бўлмайдиган мажҳул бир нарса ҳосил бўлади. Мен унинг «Шамоллар чоргоҳи», «Бир йигит», сингари йирикроқ шеърларини ўқиб ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Тушунолмадим. Яна қайта ўқидим. Тушунолмадим. Сўнг бу асарларни ўзимча планларга бўлиб чиқиб ўқидим. Орада жуда кўп очиқ муаммолар пайдо бўлди. Воқеаларнинг узлишлари, уларнинг бош-кеги йўқлиги, чалкаш парчаларнинг кўплиги, чалкаш ўхшатишлар ва таърифларнинг ҳадеса орага пона бўлиши, одамни ҳолдан тойдиради. Бадий сўзнинг асл оқибат мақсади: ибрат, сабоқ, адаб эмасмиди, деб ўйланиб қолсан. Шоир ўз тасвиридан ўзи маст бўлиб, гангиб, эласланиб қолгандай бўлади назарингизда. Сўнг унинг «Одамларга қизил гул даркорлигини кўрсам», «Освенцим қурбонлари гурунги», «Ешлари қоп-қора балчиқдай» деган шеърларини ўқиб ўз кўзингизга ишонмайсиз, бу шеърми ё абдирашми, дейсиз. Наҳот эркин шеър деганлари шундай абдираш учун имкон яратиб берган бўлса? Лекин шоирнинг бармоқда ёзган шеърларини ҳам ўқиб гап бу ерда шаклда эмаслигини англайсиз. Бейхтиёр қаҳрамон қани? ғоя қани? ифодавийлик қани? соддалик, гўзаллик қани? деб ўзингиздан ўзингиз сўрай бошлайсиз. Шоир шеърга деталлар, этнографик тафсилотлар, камёб сўзларни шу қадар минди-минди қилиб юборадики, гап нимада эканлигини ўқиб олиш мумкин бўлмай қолади. Ҳаддан ташқари бадийлаштираман деб, бадийнинг худди тескарасига эришилади. Мен кичкина, чоғина бир хонани тасаввур қиламан. Бу хонага жуда гапдон йигирма-ўттиз киши йиғилишган. Улар ҳаммалари бири бирига гап бермай ниманидир сўзламоқда, ҳеч ким ҳеч кимнинг гапини эшитмайди, эътибор бермайди. Шовқин-сурон қулочни батанг қилади. Бу шеърларнинг кўпидан одам шундай бир таассуротда қолади.

Одамларга қизил гул даркорлигини кўрсам:

Бир шапалоқ урардим оқ гулнинг юзига,

қарабсизки, тутиб турардим қонталаш қизил гулни;
шалола, дарахт, осмон, тўрғай,
бахтиёрлик, қарчигайнинг қаноти
деганларим —
узоқдаги карнай товуши экан;
сен эса наздимда, умуман фидо
бўлмоқ,
қурбон бўлмоқ эдинг Эзгулик.

Бу шоирнинг бир шеърдан парча. Ўша образларнинг муҳкам қалашуви, ўша тасавурлар оқими, оқибат ўша тушунарсизлик. Ахир, битта шеъргина шўрлик шунча ақл юкини кўтара олмайди. У майиб, мажруҳ, ногирон бўлиб қолади.

Мен Муҳаммадали Қўшмоқовнинг Сўзга бўлган фидойи муҳаббати бундан кўра дурустроқ бир самаралар беришини истардим. Унинг Сўзга таланти бор. Лекин шу билан, шунинг ўзи билангина одам шоир бўлиб қолмас экан-да. Яна баланд дид, баланд савия ва баланд фаросат ҳам керак эканки, булар саралашга, меъёрга, соддаликка ўргатади ва қобил қилади.

Эркин шеър бадиий тафаккурнинг энг гўзал ва энг ҳаракатчан, қобил шакллари-дан биридир. У дабдабазлик, баланд-парвозлик, ҳуда-беҳудага сўз ясашлар,

муҳокамани атай мураккаблаштиришлри, гап қурилишларида исталганча экспориментлар ўтказишларга асло йўл қўймайди. Буларнинг бари чинакам бадииятдан, чинакам мазмундорлик учун курашдан го-янда йироқ ҳодисалар. Уларни эркин шеърнинг қусури сифатида изоҳлаш тўғри эмас. Эркин шеър фикр парвозларини, сўзда ўта тежамни, назик иқтидорни, жу-да бой маданий савияни талаб қилади. Шулар мавжуд экан, эркин шеър ҳамма устувор ва минг йиллар давомида сайқалланган шакллар каби гўзал ва доимо ба-диий хизматга тайёрдир.

Боболар яратган меросга лойиқ бў-лайлик!

Эркин шеър инсон қалбига томон очилган йўллارнинг бири, холос.

КИНО САНЪАТИМИЗ ҲАҚИДА УЙЛАР

Бадий жиҳатдан мукаммал кино асарининг нечоғли меҳнат эвазига вужудга келишини уни яратиш учун тер тўккан ижодий коллектив, бу коллективга раҳбарлик қиладиган, бўлғуси асар учун оғир масъулиятни ўз зиммасига оладиган режиссёрларгина биладилар. Дарҳақиқат, яхши фильм яратиш осон эмас. Лекин, яратиш керак. Чунки бугунги томошабинга ҳар қандай фильм ҳам маъқул тушавермайди. У жуда синчков ва дидли, картинани диққат билан кўради, майда-чуйда-сигача эътибор қилади, образларнинг хати-ҳаракати, воқеаларнинг ривожини таҳлил қилади. Бўш асарларни эса бир кўргандан сўнг, иккинчи марта қараб ҳам ўтирмайди.

Бу ҳол ёш киночилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди: томошабиннинг савияси, диди, дунёқарашига мос, аини пайтда ундаги мазкур хислатларни ривожлантирадиган, янгилик қўшадиган, унинг маънавий дунёсини бойитадиган асарлар яратишга ундайди.

Сўнги йилларда «Ўзбекфильм» ижодкорлари мавзу ва жанрий жиҳатдан рангбаранг бўлган бир қанча бадий фильмларни томошабинлар ҳукмига ҳавола этишди. Бу фильмларда бугунги куннинг бир қанча долзарб, актуал масалалари ўртага ташланган ва турлича савия, даражада ҳал этилган. Биз уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

«Жазирама қуёш остидаги уй» фильми — Георгий Бзаров ва Зиновий Ройзманиннг бадий кинода биринчи қадамларидир. Фильм сценарийси Фарҳод Мусажонов ва Александр Файнберглар қаламига мансуб. Картина ёш бинокорлар ҳаётига бағишланган. Авторлар ишлаб чиқаришда, шахсий турмушда учрайдиган мураккаб муаммоларни ҳал этишда принципааллик, кишининг ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик ҳис этиш каби бир қатор масалаларни ёритишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

Картинаниннг дастлабки кадрлари анча жонли, жозибали чиққан. Томошабин фильм қаҳрамони Эркин (Нозим Тўлахў-

жаев) билан биргаликда гўзал Тошкент бўйлаб сайр этар экан, қалбини қандайдир илиқлик чулғаб олади. Ўзи кўрган иморатларни кўрганда Эркиннинг қалбида уйғонган фахр туйғуси томошабинга ҳам ўтади, у фильм қаҳрамони билан бирга қувонади, у каби ўз касбидан фахрланади.

Томошабинда йигитга нисбатан хайрихоҳлик, дўстлик ҳисси уйғонади. Лекин кейинги кадрлар қаҳрамонга бўлган илиқ муносабатни ўзгартиради; кўп қаватли уйлар қурилиши бригадир Эркин ишлаб чиқаришдаги баъзи муаммоларни ҳал этиш учун жиддийроқ курашмайди, уйда эса аёллар ўртасидаги айрим келишмовчиликларга лоқайд. Албатта, бу лавҳаларда унинг характерининг айрим қирралари очилади. Аммо бу билан фильмнинг тасирчанлиги негадир кучаймайди, аксинча, борган сари сусая боради. Чунки, дастлабки кадрлардаги ҳаққонийлик, мусиқийлик кейинги эпизодларда заифлашиб қолган. Оқибатда картинаниннг услуби, воқеалари маромига путур етиб, томошабин билан фильм ўртасидаги боғланиш хираллашиб кетади.

Картина давомида Эркин гул дўкони сотувчиси Назирани (Дилором Қамбарова) севиши маълум бўлади. Улар ўртасидаги муносабатлар лирик эпизодларда чиройли тасвирланган. Айниқса «Юбилей» муз спорти биноси, Чимён тоғлари бағридаги кадрлар рангбаранг бўёқлари билан эътиборни тортади. Уларда оператор Темур Қаюмовнинг маҳоратини, изланишлари яхши самара берганлигини кўриш мумкин.

Воқеалар ривожини давомида Эркин характерида маълум ўзгаришлар юз беради. У шахсий ҳаётда ва иш жойида қийинчиликларга дуч келади. У Назираниннг фарзанди борлигини эшитиб, қаттиқ ранжийди, бу сирни яширгани учун уни хафа қилади, у билан муносабатни узади. Бироқ шундай мураккаб психологик масала жуда жўн ҳал этиб қўйилган. Ваҳоланки, бу эпизод кучли, ҳаяжон тўлқинлантирувчи саҳналардан бири даражасига чиқариш мумкин эди.

Тўғри, фильм авторлари Эркин билан Назира ўртасида бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа оқибатини кейинги кадрларда асослайдилар. Энди Эркин катта хатога йўл қўйганини тушунгандек, пушаймон бўлаётгандек туюлади. У ижтимоий ва шахсий масалаларга фаолроқ ёндаша бошлайди; сифатсиз қурилиш материалларини ишлатишдан бош тортган бригада аъзоларини қўллаб-қувватлайди, участка бошлиғи билан тортишади, мунозарага киришади... Бироқ Эркиннинг бу хатти-ҳаракатлари томошабинда бари бир кучли таассурот уйғотмайди, унинг қалбидаги курашчанлик туйғулари томошабинни ўзига ром этмайди.

Эпизодларнинг бирида Эркиннинг бошқа бригада учун ажратилган сифатли панеллардан фойдаланмоқчи эканлиги кўрсатилади. Бу эса унинг характериға, мантиқиға унчалик тўғри келмайди. Балки образ тўла очилмаганлиги туйғули қаҳрамоннинг бу хатти-ҳаракати бизға сунъий бўлиб туюлаётгандир? Негаки, фильм охирида қурилиш бошқармасиға қадар бориб етган яроқсиз панеллар муаммоси қандай ҳал этилгани фильм охирида ҳам мавҳум бўлиб қолади.

Еш режиссёр Аҳрор Акбархўжаев билан сценарист Жасур Исҳоқовларнинг «Тиниқ булоқ» деган биринчи бадий фильми ҳам «Жазирама қуёш остидаги уй»да кузатилган камчиликлардан холи эмас. Картина пойдевори — сценарий тилининг қуруқлиги, характерларнинг чуқур очилмаганлиги, инсон ва табиат ўртасидаги алоқадорликнинг саёзлиги ўз навбатида фильм савиясига ҳам салбий таъсир ўтказган.

«Тиниқ булоқ» — кичкинтойларға мўлжалланган фильм, унда катталар учун унча аҳамиятсиз воқеалар болаликда ўзгача маъно касб этади, деган фикр илгарии сурилади.

...Картина қаҳрамони Илҳом (Ўткир Маҳқамов) дадаси билан жанубға — кўпдан бери орзу қилган денгиз сафарига отланади. Бироқ кутилмаган ҳодиса амалға ошай деб турган ниятини чиппака чиқаради. Сафар арафаси кечасида Илҳомнинг отаси қурилишда юз берган авариядан воқиф бўлади ва шошилинич равишда у ерға жўнаб кетади. Илҳом эса тоғ бағридаги Тиниқ булоқ қишлоғида яшовчи холасиникиға йўл олиши керак.

Фильм бошидаги бу эпизод ҳам ке-



«Тиниқ булоқ» фильмидан кадр.

йинги кадрлар ҳам воқеалар моҳиятини чуқурроқ ифодаловчи музика, шунингдек, турли хил жонли, таъсирчан деталлар ёрдамида, бола «кўзи» билан ёритилганида мақсадга мувофиқ бўларди. Тўғри, режиссёр баъзи эпизодларда шунга интилади. Айниқса, Илҳомнинг почаси Азим (ЎзССР халқ артисти Ҳамза Умаров) Ҳамроқул отани (Ҳикмат Латипов) нега ёмон кўришини бола қандай шароитда билиб олганлиги тасвирланган кадрлар томошабинда чуқур таассурот қолдиради. Экранда гоҳ Шохиста (ЎзССР халқ артисти Ойдин Норбоева) билан Азим, гоҳ дарахт шохлари панасида уларнинг суҳбатини эшитиб турган Илҳом пайдо бўлади. Фильм қаҳрамони кўнглида кечаётган ҳис-ҳаяжон, Азим акага нисбатан болада уйғонган нафрат туйғуси беихтиёр томошабин қалбига кўчади.

Бу эпизодда Илҳомнинг характеридаги айрим қирралари яққол намоён бўлади. Лекин бошқа воқеалар на фильм қаҳрамони, на томошабин учун аҳамият касб этади. Ўзбек ва югослав кинематографчилари томонидан яратилган «Муҳаббат ва нафрат» картинасида эса бунинг аксини кузатиш мумкин. Фильм авторлари (режиссёрлар Равиль Ботиров ва Жико Ристич) инқилобий воқеаларнинг мураккабликларини кишилар тақдир, характери орқали очиб беришга интиладилар ва шу мақсад йўлида ролларга мос актёрлар танлайдилар. Актёрлар орасида Тошкент театр ва рассомлик институти талабаси Альмира Исмоилова алоҳида ажралиб туради. У аксини ўлдиргани учун қизил командирдан ўч олишга чоғланган, лекин севги-муҳаббат туфайли ўзи ҳам билмаган ҳолда қизилларга ёрдам бериб юрган, севгилиси Сашанинг (югослав актёри Александр Драгович) чекист эканлигини билиб қолгач, ўзини ўзи ҳалок этган қиз — Муштарий родини ижро этади. Қизнинг мураккаб характери Альмира ижросида жонли, таъсирчан, жозибали чиққан. Бунинг сабаби эса характер мантиқи билан воқеалар мантиқининг узвий боғланиб кетганлигидадир.

«Тиниқ булоқ» режиссёри эса фильм қаҳрамони — Илҳомни картина воқеа ва ҳодисаларини тасвирлаш учун бир восита сифатида қўллаган, ҳолос.

Кинофильмлар яратишдаги муваффақиятлар, шунингдек, йўл қўйилган нуқсонлар ҳақида фикр юритар эканмиз, кино санъатининг ҳозирги аҳволи, унинг муаммолари ўйлантириб кўяди кишини. «Ўзбекфильм»да яратилаётган бадий фильмлар тематик жиҳатдан турлича бўлса-да,

муҳаббат, оила масалалари талқинида ўхшаш мотивлар учрайди. Характер яратишда ҳам кўпинча бир хил усуллар қўлланади, кино асарининг пойдевори ҳисобланувчи сценарийларда муайян бир қилиб сезилиб қолади. Шу сабабли фильм воқеалари ривож сценарий тус олади. Музика, кўшиқ хусусида гап кетганда шунга айтиш керакки, киночиларимиз буларга етарли эътибор бермай қўйишди. Фильмларда миллий музика ва кўшиқлардан фақат айрим парчалар келтиришадди, ҳолос. Улардан кенгроқ, чуқурроқ фойдаланишга киночиларимиз унчалик рағбат қилмаётдилар. Ваҳоланки, «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий», «Мафтунингман» каби бир қанча ажойиб кино асарлари доврўф қозонишида миллий музика санъатининг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Улардаги куй ва кўшиқлар ҳанузгача халқ оғзидан тушмай келади.

Кинонинг бадий адабиёт билан алоқасини ҳам кўнгилдагидек эмас, дейиш мумкин. Бу ўринда фиолология фанлари кандидати Умнат Тўйчиев «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1979 йил, 12 январь сонидида босилган мақоласида бадий адабиёт асарларини экранлаштириш масаласига тўхталиб айтган қуйидаги фикрларини эслаб ўтиш ўринлидир: «Кинонинг бадий адабиёт билан алоқаси проза ёки драма билан чекланмайди, инқилобгача бўлган даврда вужудга келган ўзбек эпик поэзияси ўзбек киноси ривожини учун жуда катта материал бериши мумкин. Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Алишер Навоий, Махлосий, Дурбек ва бошқа шоирлар ижод этган йирик сюжетли достонлар, шунингдек, фольклор асарлари кино арбубларининг эътиборини мунтазирлик билан кутмоқда. Қарийб минг йиллик тарихга эга бўлган мустақил, ўзал ва бой ўзбек эпик поэзияси намуналаридан биронтаси ҳам шу кунгача экранлаштирилмагани қизиқ ҳол... «Кўкан», «Зайнаб ва Омон» каби машҳур ўзбек совет поэмалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин».

«Ўзбекфильм» киностудиясида тайёрланаётган картиналарнинг жанрий хусусиятлари ҳақида мамнуният билан гапириш мумкин. Инқилобий-саргузашт («Муҳаббат ва нафрат»), эртак («Хоразм афсонаси») ва бошқа жанр жиҳатдан ранг-баранг фильмлар яратилаяпти. Жумладан, кинокомедия ишлашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Сўнги йилларда яратилган «Шум бола», «Ажойиб хаёлпараст», «Тўйлар муборак» каби ҳажвий киноленталар фикримизнинг далилидир. Бироқ бу соҳада ҳам нуқсонлар, камчиликлар бор. Ки-

нокомедиялар ҳали томошабиннинг таллабларига тўла жавоб бермайди. Масалан, ёзувчи Саид Аҳмад ва Юрий Саков сценарийси асосида режиссёр Эдуард Хачатуров раҳбарлигида суратга олинган «Тўйлар муборак» фильмини олайлик. Воқеа сершовкин Тошкент шаҳрининг турли бурчқларига кечади. Фильм мазмуни бўйича, Юнус куёв жўралар ҳамроҳлигида машинада қайлиғи — Нигоранинг (Гавҳар Зокирова) уйига ўтиб, у билан бирга «Бахт уйи»га бориши, у ерда никоҳдан ўтгач, яна ҳамма билан бирга қайтиб келиши керак, холос. Лекин куёвбола фавқуллоҳда, кутилмаган воқеаларга дучор бўлади.

...Ранг-баранг ленталар билан безатилган енгил машинани катта йўлга чиққанда кўча ҳаракатини тартибга келтирувчи милиционер аёл (Ўзбекистон халқ артисти Ойдин Норбоева) тўхтатади. Куёв томон норозилик билдиради. Уларга милиционер аёл кўча ҳаракати қоидаларига мувофиқ машинага фақат тўртта йўловчигина ўтириши мумкин, деб ўқтиради. Бу орада битта такси келиб тўхтади. Юнус унга тушади...

Дарҳақиқат, кулгили вазият вужудга келади. Бироқ фильм муаллифлари талқин этишда баъзи бир нуқсонларга йўл қўйишган. Масалан, воқеанинг шундай йўналиши ишончсиздир. Куёв бўм-бўш машинада бир ўзи жўнайди. Куёв ва жўралардан биронтаси, шароит тақозо этса-да, у билан бирга кетишни ўйлашмайди. Агарда Юнуснинг ҳамроҳлари қийин аҳволга тушиб, ўзалари ушланиб қолиб, уни эса бир амаллаб тўғри келган транспортга ўтқазиб юборишганда, эҳтимол, юқоридаги кадрлар жонли, ишонарли, жозибалироқ чиққан бўлармиди...

Кейинги воқеа ва ҳодисалар деярли барча комедияларда бўлгани каби ўзига хос тезкорлик билан кечади.

Картина давомида такси ҳайдовчисининг қўққисдан кўричак хуружи тутиб қолади, лекин Юнусни манзилига етказишга ваъда бериб, йўлдан адашади. Юнус уни касалхонага жойлаштиради, у ердан чиққанида такси ёнида турган чол ва кампирни кўриб, рулга ўтиради, уларни аэропортга элиб қўяди.

Хуллас, Юнус таксистнинг вазифасини бажаришга киришиб кетади, анча вақт киракашлик қилади. Ҳар хил одамлар билан муносабатда бўлади. Уларнинг хатти-ҳаракати, сўз-иборалари томошабинда енгил кулги уйғотади. Бироқ, эпизодлар ранг-баранг бўлса-да, мазмунан бир-бирини тўлдирмайди, қаҳрамон характери чуқур, ҳар томонлама тадиққ этилмайди. Фильмда шундай кадрлар бор: Юнус

ЗАГСга келади, бу ерда иши юришмайди, йиғлаб ўтирган қизга ҳамдардлик билдиради ва уни уйига элиб қўяди. Қиз йўл йўлақай ўзи ҳақида ҳикоя қилиб беради. Унинг ҳам тўйи бўлиши керак экан. Яқин да қайлиғи армия хизматини ўтаб, уйга қайтибди. Лекин икки йил кутгани етмагандай, ЗАГС ходими уларга бир-бирини синаб кўриш учун яна бир ой муҳлат берибди.

Манзилга етгач, «шофёр» қаршилиқ билдириб ҳам қиз уйдан пул олиб чиқишга кириб кетади. Юнус жўнаб қолмоқчи бўлган эди, лекин аксига олиб, машина юрмайди... Ҳовлида эса қизнинг онаси билан сувоқчи ўртасида «жанг» кетяпти. Ус-та деворни алебастр билан суваш учун етмиш сўм хизмат ҳақи талаб қилаётган эди. Қисқаси, бу сафар ҳам Юнус (Обид Юнусов) четда қолмайди, воқеага аралашади. Жанжал шу билан яқунланадики, уй деворини унинг ўзи суваб бермоқчи бўлади.

Бу эпизодларда турмушдаги айрим қарама-қаршиликлар, тўқнашувлар, нуқсон ва иллатлар ўз аксини топган-у, лекин камчиликларнинг кўз илғамас томонлари, туб моҳияти ёритилмайди. Исбот-далил талаб этмайдиган зиддиятлар кўрсатилади-ю, уларнинг ортида яширинган турли қиёфалар назардан четда қолади. Хуллас, фильм ижодкорлари кинокомедия жанри имкониятидан, унинг ўзига хос тасвирлаш воситаларидан кенг фойдаланишга уринмаганлар. Фильм сюжети у қадар яхлит эмас. Бу ўринда грузин режиссёри Нана Мчелидзенинг «Ҳақиқий тбилислик в бошқалар» номли кинокомедияси эътиборга лойиқдир. Картинада сирдан қарганда аҳамиятсиз, аслида эса турмушмизни заҳарловчи ярамас иллат, урф-одатлар фош этилади, лоқайд, фирибгар, иккиюзламачи кишилар ҳажв ўти остига олинади.

Фильм сюжет жиҳатидан мустақил 16 та воқеадан иборат. Лекин муаллифлар сюжетларни бир-бирига яғона мавзу ёки диктор овози ёрдамида боғлашмайди. Шунингдек, «Тўйлар муборак»да қўлланган усулдан ҳам воз кечишади. Чунки фильмдаги барча киноновеллаларнинг бош қаҳрамони образи битта ақдёр ижросидан жонли, ишонарли чиқмаган бўларди.

Режиссёр Нана Мчелидзенинг изла нишлари ўз самарасини берди. У кинокомедия устида ишларкан, услуб, оҳанг, мазмун, ҳиссий муҳит, музыка каби кучли таъсир воситаларига катта эътибор қилди; асосий мақсадни рўёбга чиқаришда улардан усталик билан фойдаланади. На

тижада фильм композицияси яхлит бир ҳолга келади.

«Тўйлар муборак» фильмидаги эпизодлар орасидаги боғланиш схематик, юзаки. Музика, маром у қадар муҳим аҳамият касб этмайди, қаҳрамонларнинг рухий ҳолати, кайфиятини чуқур ифода-ламайди. Бу эса ўз навбатида фильмнинг эмоционал таъсир кучини чегаралаб қўйган.

Кинокомедия сўнгида Юнуснинг қотиб қолган алебастр қоришмасидан оёғини чиқариб олишга уриниши тасвирланади. У шу аҳволда бўлажак қайнанаси билан учрашади, кейин уйига келади. Меҳмонлар юзида ажабланиш, табассум...

Саид Аҳмаднинг «Томоша» номли ҳажвияси қаҳрамони ҳам мана шунақа кулгили вазиятга тушиб қолиши китобхонга яхши маълум. Унда «сувоқни ойнадек силлиқ қилворамиз», деган чапдаст устанинг бир уюм алебастр билан бирга қотиб қолгани тасвирланар эди.

Ҳикояда жуда кулгили бир ҳолат орқали одамларни лақиллатиб юрган «қўли гул» усталарнинг ҳажвий образи маҳорат билан яратилган. «Тўйлар муборак» фильмидаги эпизод эса бизга ҳикоячалик таъсир қилмайди.

Шубҳасиз, ижодий коллектив бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири — тўй машаққатлари, ундаги қувонч ва ҳаяжонлар, ташвишлар замирида томошабинни кулдира оладиган асар яратишни ўйлаган, аммо кулги мақсад эмас, балки фикрни ифодалаш йўлида восита бўлиши керак, холос. Бироқ фильм муаллифлари бу оддий ҳақиқатни унутишдан кўринади. Натижада алебастр ҳодисасига ўхшаш зўраки воқеа, маъносиз деталлар юзага чиқади.


«Тўйлар муборак» фильмининг авторлари машҳур ҳажвий картиналардан, масалан, «Маҳаллада дув-дув гап» фильмидан комедия сирларини чуқурроқ ўрганишлари мумкин эди. Чунки уларда миллий аъёналар, урф-одатлар чуқур асосланган ҳолда рўёбга чиқарилган эди. Кинофильмда бунга интилиш сезилмайди.

Фильмда бош ролни ЎзССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза театри актёри Обид Юнусов ижро этган. Юнус образи унинг кинодаги биринчи тажрибаси эди. Лекин О. Юнусов аллақачон эл тилига тушган. Ахир, Ҳамза номли академик театр саҳнасида кўп йиллардан бери муваффақият билан намойиш қилиниб келатган драматург Уйғуннинг «Парвона»сида Ўткурий, К. Яшиннинг «Йўлчи Юлдуз»ида Фани, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сида Холмат, В. Розовнинг «Оқшомдан тушгача»сида Кирилл ва Иззат Султоннинг «Кўрмайин босдим тиконни» спектаклида рассом йигит образларини ҳозиргача ким зўр иштиёқ билан томоша қилмайди, дейсиз! Шундай истеъдодли, ўз маъқеи, тасвир услубига эга комик актёрнинг уринишлари ҳам «Тўйлар муборак» фильмини камчиликларидан қутқара олмади. Албатта, режиссёр Э. Хачатуров актёр танлашда картинанинг жанри ва унинг специфик хусусиятларини назарда тутган. Аммо образ яратишда бунга етарли эътибор берилмаганлиги, ҳар бир ижрочининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаганлиги туфайли яхши натижага эриша олмаган.

Маълумки, 1979 йили 27 августда СССР кинематографиясининг 60 йиллик юбилеи мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Кино экранларида, маданият саройларида ва клубларда ўтган йиллар фильмлари намойиш этилди. Уларнинг кўпчилиги яратилганига анча вақт бўлганига қарамай томошабинларда зўр таассурот қолдирди. Жумладан, ўзбек киночиларининг «Тоҳир ва Зўҳра», «Насриддин Бухорода», «Насриддин саргузаштлари», «Алишер Навоий», «Ленин йўлланмаси билан», «Мафтунингман», «Улуғбек юлдузи», «Осиё устида бўрон» каби жанр ва мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлган, сермазмун, жозибали бадий фильмлари халқнинг олқишига сазовор бўлди. Шубҳасиз, бу кино ижодкорларининг маҳорати ёш санъаткорлар учун улкан ажойиб мактаб вазифасини ўтаб, бўлажак картиналарнинг савиясига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

«ЁШЛИК» ТАБАССУМИ





Уразбой АБДИРАХМАНОВ

1949 йилда Қорақалпоғистон АССР Кегайли районида туғилган. ТошДУ журналистика факультетининг кечки бўлимини тугатгач, Қорақалпоғистондаги «Жеткиншек» пионерлар газетасида ишлади. Ҳозир «Амударё» журнали редакциясида танқид бўлимини бошқармоқда. У ёш ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ VII семинар кенгашининг иштирокчиси.

ТАНҚИДБОП ОДАМ

Идорада кунора мажлис.

— Уртоқлар!— дея сўз бошлади бошлиқ,— план деган нарса сизларга ўйинчоқ эмас. Уни қўлтиққа ёстиқдай қўйиб, ён-бошлаб ётолмайсан ҳам. Ишлаш керак, ишлаш! Қани, бошқармамиз планига ким қандай улш қўшаяпти? Мана, айтайлик, Тавмурот Жавмуродович. Тур ўрнингдан!

Кўзига катталаштириб кўрсатадиган кўзойнак таққан ўрта бўйли, ёш йигит жойидан базўр қўзғалди.

— План деган нарсани биласанми ўзи? Яна техника хавфсизлиги инженерисан, маҳаллий комитетнинг раиси, хотин-қизлар советининг аъзоси, «Кўзни очиб юмгунча» деворий газетасининг редакторисан. Қани айт-чи, плани бажаришга сен қандай ҳисса қўшаяпсан?

Бошлиқ кўзини лўқ қилганча Тавмуротдан жавоб кутди.

— Ҳим, ўртоқлар!— деди Тавмурот салмоқланиб.— Ҳозирча ҳамманинг қош-кўзи соппа-соғ. Ҳеч кимнинг бошига пишиқ гишт тушиб кетганича йўқ. Ишчилар техника хавфсизлигини тўла билиб олганликлари учун бахтсиз тасодифларнинг олди олинмоқда.

— Бекорларни гапирибсиз, ошнам,— деб гапни илиб кетди шопмўйлов бухгалтер.— Утган кун автобуснинг олдинги эшигидан кирётганимда эшик қисиб қолиб, қовурғамни синдирай деди. Қани, сенинг техника хавфсизлигинг? Мана бу ерим ҳозиргача қимирлаттирмайди.

— Аввал Тавмурот биратўла гапириб бўлсин,— деб бошлиқ бундан кейин гапиришга чоғланган одамларни жеркиб ташлади.

— Отпускага чиққанларга маҳаллий комитет курортга йўлланма беряпти...

Тавмуротнинг товушини гуруллаган овоз босиб кетди:

— Сен қаёқлардаги курорт ҳақида бош қотириб юргунча, олдин бизнинг икки болани боғчага жойлаштир,— деди қорни олдидаги столни кўтариб юборишидан кўрқиб ўрнидан турмаган омборчи.

— Тинчланинглар!— деди бошлиқ.

— Коллективизмнинг хотин-қизлар совети планни бажаришга бор ҳиссасини қўшмоқда. Утган йили эр-хотинларнинг ажралиши кўп бўлган эди, бу йил уйланиш ажрашишдан анча ошиб тушди. Демак, коллективизмда тотув оилалар кўпаймоқда...

Бирдан ўтирганлар орасидан хўнграган йиғи овози эшитилди. Ҳамма кўз ёши кўл бўлаётган котиба қизга ялт этиб қаради. Котиба қиз мўлтираб:

— Агар ҳозир айтган гапларинг рост бўлса, бошлғимизнинг аввалги шофёри нега мени алдаб ташлаб кетади? Мен буни сенга хотин-қизлар советининг аъзоси сифатида ўз вақтида маълум қилган эдим. Сен эса унга ҳеч қандай чора кўрмадинг.

— Яхши, Галочка, у аҳмоқ билан ўзим гаплашиб қўяман,— деди бошлиқ.— Ҳозир Тавмуротнинг гапини бўлмайтур.

— «Кўзни очиб юмгунча» деворий

газетамиз ҳар ойда чиқяпти. Плани ошириб бажаришимизга тўққинлик қилаётган баъзи бирорларнинг оч биқинига туртки бўляпти. Мисол учун, кейинги сониди чиққан «Ухлаб қолма» сарлавҳали бош мақолада қоровулимиз Бекберган отанинг роса пўстаги қоқилди. Аввалги сонда эса фаррошимиз Гулим опанинг бошлиқнинг столи устига ўтириб писта чақаётгандаги расми берилган эди.

Мажлис авжидида келиб қолган Гулим кампир остонада ўтирган экан, вайсаб кетди:

— Унақа дема, жоним, расмимни солиб, мени гуноҳга ботириб нима қиласан? Пистанг нимаси? Ҳозир писта тугул, юмшоқ нонни ҳам чойга ивитиб ейман-у. Агар сен ҳақиқий суратчи бўлсанг, ана, бошлиқнинг эшиги олдида писта чақиб ўтирадиган кўғирчоқдай қизнинг расмини нега чизмайсан? Ҳар куни стол тагидан этак-этак писта пўчоғини супуриб оламан. Оғзимда битта ҳам тиш йўқ, мен қандай қилиб писта чақардим? Кучларинг нуқул бизга ўхшаган бева-бечораларга етар эканда...

Тавмурот, сўзимни тугатдим, дегандек, тулга хотиржам ўтирди.

— Яна кимда қандай фикр бор?

— Менда,— деб ўрнидан турди бош инженер.— Хабарингиз бор, кеча участкаларга ганч келтирилди. Уша ганч учун машина юбориш олдидан Тавмуротнинг чақиртириб об-ҳавонинг авзойи қандайлигини сўрасам, у «кофтоб чарақлаб турибди», деди. Мен эса унинг гапига ишониб ганчни очик майдонга тўктирдим. Мана, кечаси билан ёлғир куйиб қиқди. Эрталаб қарасам, ганчимиз тарашадай қотиб қолибди. Хўш, энди бунга ким жавобгар? Албатта Тавмурот Жавмуродович! Бу дегани ёғин бўлишини радиодан эшитиб туриб, ганчни очик майдонга қасддан тўктирди, деган гап. Мен Тавмуротнинг бу қилмишига нисбатан бирон чора кўрилишини талаб қиламан.

Уртага бригадир чиқди.

— Яқинда бизнинг бригадага бир бола келган эди. Мана икки ой бўлдики, зим-зиё йўқолиб кетди. Утган ҳафта бозорда учратсам, «Сизларда ишламайман, бошимга фишт тушиб кетиши мумкин экан», дейди. У— ёш кадр. Нима учун фойдали меҳнатни ташлаб кетди? Бунинг сабаби бор, албатта. Уни Тавмурот ишга кираётганида «Эҳтиёт бўлгин, бошингга фишт тушиб кетмасин яна, ўзингни авайлаб юр, оёғинг замбилнинг тагида қолиб кетмасин», деб кўриқтанганга ўхшайди. Бунақа гапни эшитиб ўтакаси ёрилган бечо-

ра кейин қандай ишласин? Бригадамнинг плани тўлмаётганига Тавмуротдан бошқа одам айбдор эмас. Қачон кўрсанг: «Яна бирор фалокат юз бермасин!», деб тайинлагани-тайинлаган.

Мажлис узоқ давом этиб, одатдагидай тугади. Одатдагидай деганимиз мажлис қарориди Тавмуротга энг сўнги огоҳлан-тириш берилди. Мажлисдан сўнг залда Тавмуротнинг ёлғиз ўзи хаёл суриб қолди. Бу нечанчи огоҳлантириш эди? Та-а-к, чамаси ўттиз тўққизинчиси бўлса кераг-ов! Уч одамнинг боши бириккан йиғилишдан Тавмурот қуруқ қолмайди. Ҳеч бўлмаса бир оғиз сўкиш эшитиб қайтади. У сўкишларга ҳам, қарғишларга ҳам обдан ўрганиб қолди. Аввалдан кўп гапирмайдиган феъли бор, бошида кўза синса ҳам ғиринг деб оғзини очмайди. Бироқ бугунги йиғилиш чинакамига оғир ботди. План бажарилмаса, ҳаммасига ёлғиз ўзи айбдор чиқиб ўтирибди.

«Бу қанақаси,— деб ўйлади у.— План бажарилмаса— мен ёмонлиқ бўлсам, бажарилса— ҳамма обрўни бошлиқ олса. Ахир, план деган нарсанинг чўмичи менинг қўлимда эмас-ку. Менга нима, шунчалик азоб-уқубатга қолиб?» У кўзойнагини дастрўмоли билан тозалар экан, бирдан:

— Йўқ, мен энди ортиқча чидай олмаман. Дарҳол аризамни ёзиб, ишдан бўшаб кетаман,— деди товушини чиқариб.

У бир варақ қоғозга жимжимадор ариза битди-да, «бошлиқ» деб ёзилган эшикка шўнғиди. Зум ўтмасдан аризани унинг столига қўйиб, қаққайиб туриб олди. Бошлиқ қоғозга диққат билан термилди-да «пирқ» этиб кулди, кейин ўрнидан туриб, столни муштлаганча бақирди:

— Аҳмоқ, эркак сабзига ўхшаган аҳмоқ! Худо дунёдаги жамики аҳмоқчиликларни бир ҳовуч қилиб, сени яратган экан-ку!

— Ёшулли,— деб минғирлади Тавмурот,— мен сизни паноҳ билиб шу коллективга ишга келган эдим. Энди эса бўлар-бўлмасга ҳаммангиз мени силкилайверасизлар. Йиғилиш борки, мени ёмонлаганингиз-ёмонлаган, сўққанингиз-сўққан.

— Ана, аҳмоқлигинг қаерда экан, ошнам. Энг яқин одамим бўлганинг учун «тентак», деб бақирсам, бағримга тортиб ақл берсам, «қизим сенга айтман, келиним, сен эшит», қабилида бошқаларга ибрат учун «эшақ», деб чақирсам, сенинг яна нима армонинг бор? Сени туғишган укамдан ҳам ортиқ санаб юрибман-а!— деб бошлиқнинг ҳам кўнгли бирдан бузил-

ди. У рўмољчаси билан кўзларини артиб, мўйловини асабий буради.

— Йўқ, иним, сени ишдан бўшатомайман. Буёққа яқинроқ кел, сенга ички сиримни айтайин. Мен, ошна, сендай вақтимда итдай таланавериб, сиркам сув кўтармайдиган бўлиб кетган. Бировнинг озор беришига сира чидолмайман. Сен ҳали ёшсан. Ўзингдан катталарнинг койишини эшитмасдан одам бўлмайсан. Мана, қурилиш деган нарсани сендан яхшироқ тушунаман. Албатта, камчиликсиз иш йўқ. Бироқ, иним, очигини айтганда, мен бу ерда сенсиз, бошимни кессанг ҳам, ишлай олмайман. Тушундингми, ишлай олмайман.

— Лаббай,—Тавмурот ўз қулоғига ишонмай ҳайрон қолди.

— Шундай, иним. Сен кетсанг мен кимга орқа қиламан! Қурилиш деганининг бир томонини эпақага келтирсанг, иккинчи томонининг чуви чиқиб қолади. Унга эса кимдир жавоб бериши керак. Менинг устимдан эса юқорига чақимчилик қиладиганлар тўлиб ётибди. Бунга ҳам жавоб бериш керак. Йиғилиш ўтказиб турмасанг, яна бўлмайди. Албатта, йиғилишда қўйи-

ладиган масалаларни ҳам ўйлаб топиш керак. Бу ҳам етмагандай ёғингарчилик доим қурилишнинг белига тепади. Яна жавобгарлик. Тўғри, сен фақат техника хавфсизлиги бўйича жавобгарсан. Бироқ, иним, сенга барча жамоатчилик ишларини беркорга топшириб қўйганим йўқ. Ишбоши бўлиб чиниксин, пишсин дейман. Хўш, шунақа экан, коллективимиздаги камчиликлар учун кимни уришай? Сени сўкиб, йўл кўрсатиб турмасам, менинг оғалик вазифам қайда қолади?

Бошлиқнинг сўзлари Тавмуротни мойдай эритиб юборди. У аризасини қайтариб олиб, ёғимлаб ташлади.


— Ёшулли, унда мен ишлайверайинми?—деди столдан узоқлашаркан.

— Албатта, ошнам, ишлайсан. Бироқ сен сўкишларга, огоҳлантиришларга, умуман олганда, гап-сўзларга сира эътибор қилма. Менинг айтганларим сенинг бу қулоғингдан кириб, у қулоғингдан чиқиб кетаверсин. Яхшими?.. Айтмоқчи, эртага соат учда йиғилиш, сенинг масаланг кўрилади.

— Майли, оға, майли ундоқ бўлса..,—деди Тавмурот чиқиб кетар экан, кўнгли алланечук ёришиб.

**Қорақалпоқчадан Холмўмин
ХУДОЙҚУЛОВ таржимаси.**

Мамасоли САРИМСОҚОВ



1950 йили Фарғона области Боғдод районидаги Мирзаобод қишлоғида туғилган. Фарғона Давлат педагогика институтини тугатгандан бери ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанларидан дарс бермоқда. Ҳикоялари республика матбуотида тез-тез босилиб туради.

КАСБИМ — КАСБ ТАНЛАШ

Опамнинг айтишича, ёшлигимда бўйим паст, каллам хумдек, қорним эса катта, пастга осилган экан. Ойим иштонимнинг резинка боғичини киндигимдан баландга кўтариб қўйиб: «Тойчоғим албатта раис бўлади», дер экан. Мен ҳам то мактабга киргунча «Раис бўламан», деб юрар эканман. Ҳатто раиснинг ўғли Дилшод билан тез-тез отасининг амалини таллашиб, уришиб ҳам турардик.

Мактабга борадиган йилимиз Мўминнинг акаси уйланди. Ҳар доимгидек, яшинтополоқ ўйнадик, куёвнавкарларга эргашиб келиниккига бордик. Ҳамма куёвни ҳурмат қилар, унга ҳавас билан тикилар экан. Менинг ҳам куёвга ҳавасим келиб кетди. Анча вақтгача куёв «бўлиб» юрдим. Биринчи синфда ўқитувчимиз барчамиздан келажакда ким бўлишимизни сўраб чиқди. Содиқ учувчи, Аҳмад қурувчи, Комил қанд сотувчи, Нортожи бувисининг қизи бўлишини айтди. Менга навбат келганда, куёвликни танлаганимни айтдим. Ўқитувчимиз мийиғида кулди. Кейин ҳамма касбдаги кишиларнинг нима иш билан шуғулланишини айтди, аммо куёв тўғрисида оғиз очмади. Биринчи синфнинг охиригача куёв «бўлиб» юрдим. Бир куни юқори синф ўқувчилари акамнинг олдида ким бўлишимни сўрашганда ҳам шундай деб жавоб бергандим, акам бир шاپалоқ урди-да: «Иккинчи шундай десанг, ўлдирман!» деди. Шундан кейин куёв бўлмай-диган бўлдим.

Бир қанча вақтгача ҳеч нарса бўлмай

юрдим. Бир куни товуқ фермасига экскурсияга бордик. Вой-бў-ў, товуқнинг кўплигини! Бу ерда қанча тухум есанг ҳам ойинг уришмаса керак, чунки еганинг билан тухум тугамайди-да. Бизни нарироқда ўйнаб тургани жўнатиб, ўқитувчимиз билан товуқбоқар роса тухумхўрлик қилишди. Кейин ўқитувчимиз ким яхши ўқиса, товуқбоқар бўлиши мумкинлигини айтди.

Аввал мен товуқбоқар бўлмоқчи бўлиб тургандим, ўқитувчимизнинг ҳалиги гапидан шаштим қайтди-ю, шундай бўлса ҳам бир сўраб кўрдим:

— Домла, «2» ва «3» га ўқиғанлар ҳам товуқбоқар бўла оладими?

— Бўлиши мумкин, фақат аввал яхши ўқувчилар қаторига кириб олиши керак,— деди муаллим қип-қизариб кетган бурни оққа ўшаш рўмолчасига артиб. Шу кундан бошлаб, товуқбоқар бўлиш умидида, яхши ўқишга тиришдим, аммо ҳечам «уч»дан бошқа баҳо ололмадим. Математикани қўлга олсам, кўзимга футбол келади. Машқ ишласам, телевизорни қўмсайман.

Учинчи синфда учувчи, тўртинчи синфда этик тикувчи, сигир соғувчи, хуллас, кўплаб касб эгаси бўлиб чиқдим. Саккизинчига борганимизда синф раҳбаримиз энди улғайиб қолганимизни, мустақил фикр юритишимиз кераклигини ва муҳим бир касбни танлашимиз лозимлигини айтди. Ким нимани орзу қилса, ўшанга ота диган замонда яшаётганимиз, агар мўлқ

олдиз яшасак, ҳаётда ўз ўрнимизни топа олмастемизми айтди. Ҳатто ота-оналар ҳам бу борада ёрдам беришлари кераклигини уқдиришди (ота-оналар ёрдами нима учун кераклигини кейин тушундим). Ўнг қийин жойи шу бўлдики, қайси касбни танламайлик, албатта, ҳамма фанни яхши ўқиш керак экан. Товуқбоқарга ашула дарсининг нима кераги бор? Жўжаларга «Куйлагим»ни айтиб берадими? Ёки товуқларга тарихдан дарс ўтадими? Ёки ошпаз ишчо ёзмаса, палови пишмайдими? Мен кузни чирт юмиб туриб қурувчиларни танладим. Отам шунақа деган эди: «Ўзбекка нима керак? Қўша-қўша уй керак. Нима қиммат ва топилиши қийин? Қурилиш материاللари». Қурувчи бўлсам роса уйлари солиб фашлайман, отам хурсанд бўлади. Мана, тоғам — қурувчи. Машинаси бор, уйлари мактабимизга ўхшайди-ю, бир оз чиройлироқ, холос.

Унингни битирганимдан сўнг қурувчилардан воз кечдим. Тоғамнинг айтишича, қурувчи бўлиш яхши-ю, лекин унинг институтга кириш қийин экан. «Яхшиси, ветврач бўл», деди тоғам. Таниши орқали институтга имтиҳонсиз киритиб қўйишга ҳам ваъда берди. Ветврачлик ҳам яхши касблигини уйимиздагилар олдиндан билдишар экан. Ҳужжатларимни олиб, тоғамнинг танишиникига бордик. Шаҳардан четга чиққанда тоғам бир идорага кириб кетди, мен кўчада беш — олтита енгил машиналар ёнида қолдим. Тоғам ҳаяллароқ чиқди. У кирган идора эдора эмас, танишининг уйи экан. Тоғамнинг гапича, мен ветврач бўлмайдиган бўлибман. Таниши бу йил имтиҳон комиссияси составидан

тушиб қолибди. Лекин тоғам учун бир яхшилиқ қиларкан: таниши орқали мени пединститутга жойлайдиган бўлибди. Уқитувчилик ҳам ёмон касб эмас. Доимо ичкарида ишлайди, айниқса пахта терими даврида ўқувчилар терган пахтага ёнбошлаб, салқинда китоб ўқиб ётади. Кўз олдимга қишлоғимиз болаларининг атрофимни ўраб олишиб чуғурлашиб, «Салом, домла!», дейишаётганлари келди. Дил-дилдан яйраб кетдим. Аммо, нимагадир, тоғамнинг танишининг таниши имтиҳонга келмабди. Таваккал деб, имтиҳонга ўзим кириб кетавердим. У ерда жуда қизиқ бўларкан. Ҳеч ерда эшитмаган, билмаган нарсаларни сўрашаркан (шунинг учун ҳам одамлар танишлари орқали кираркан-да). Менга ҳам ўшанақа савол беришди, индамидим. Кейин кексароқ ўқитувчи: «Ўғлим, бу ерга нега келдингиз?», деб сўради. Нима дейишимни билмадим.

У ердан чиқиб, магазинларнинг техникумига бордик. Техникумда ҳеч қанақа танишимиз йўқ эди. Тоғамнинг айтишича, ҳеч қандай таниш бўлмагандан кейин йиқитиши тайин гап экан. Бунга имтиҳондан йиқилиб чиққанимдан сўнг ишондим. Агар унга кириб олганимда-ку, зўр бўларкан-а... Ветврачи ҳам, қурувчиси ҳам, домласи ҳам менга ялиниб келарди у-бу нарса сўраб. Аммо...

Ҳамма институт ва техникумларда имтиҳонлар тугагач, қишлоққа қайтиб келдик. Ҳозирча касб танлаганим йўқ, келгуси йили бир гап бўлар деяпти тоғам. Қиш — бекорчилик. Бошимдан ўтганларини ёзиб юрибман. Мана, бир қисмини сизларга ҳавола қиляпман.

88-ҲУЖЖАТ

[Масал]

— Утиниб сўрайман, илтимос. Ҳужжатларимни қабул қилинг энди. Тушунсангиз-чи, ахир, бугун еттинчи кун келишим. Эълонда кўрсатишларингча, эртадан кейин ҳужжат қабул қилишни тўхтатар экансизлар. Агар ҳужжатларимни топшира олмасам, бир умрга бахтсиз бўлиб қоламан!

Қуёнбой икки «қўли»ни кўксига қўйиб ялинарди. Бўрибой эса пинагини бузмай кўзи гўштини ейишда давом этарди. Ниҳоят, Бўрибой Қуёнга юзланди.

— Қани, нечта ҳужжат тўпладинг? — деб Бўрибой унинг делосини қалашиб ётган суяклар устига ташлади.

— Саксон ет... саксон етита.

— Олиб бор! Пишириб, ошнинг тагига бостириб е! Ҳатто нечта ҳужжат кераклигини ҳам билмайсан, яна Қуёнлар группасига кирармиш!

— Кемир... кечирасиз. Саксон саккизта бўлиши керак эди-ю... Саксон саккизинчи ҳужжат осмонга учиш конкурсида қатнашганлик тўғрисидаги гувоҳнома экан. Мен эса унга қатнаша олмаймам. Осмонда ҳатто бир метрга ҳам учолмайман. Шу билан бирга у ҳужжат ўрдак ва ғозлар учун керак экан. Мен эса Қуёнман, — деди Қуёнбой Бўрибой иргитган делосини эпчиллик билан илиб оларкан.

Қуёнбой қабулхонадан иссиқда қолган товукдек ҳалак бўлиб чиқди. Ташқарида таниши Тўлкибойни учратиб қолди.

— Ҳа, Қуёнбой, қулоқларинг осилиб кетибди?— сўради Тулки қўлидаги супургини ерга қўяркан.

— Қуёнлар группасига кирмоқчи эдим. Бир ҳафтадан бери ҳужжатларимни топширолмаяман,— деди Қуёнбой нажот тилаб унга тикиларкан.— Бу ерда сен нима қилиб юрибсан?

— Билмасмидинг, мен шу ерда ишлайман,— деди ғурур билан Тулкибой.

— Қутлуғ бўлсин, эшитмабман,— деди Қуёнбой сал дадилланиб.— Нима қилсам экан-а?

— Ҳужжатларнинг ҳаммаси тайёрами?— деди Тулкибой истар-истамас унинг ҳужжатларини оларкан.— Хў-ўш, юнги оқлиги ҳақида қора мушукдан справка— бор, думи ҳақида туялар жамиятидан справка— бор, қулоғи иккиталиги ҳақида қулоқсизлар жамиятидан справка— бор, оёғи тўртталиги ҳақида илонлар уюшмасидан справка— бор, тиши тўғрисида кекса қуёнлар бирлашмасидан справка— бор... Ҳаммаси бор. Фақат осмонда учиш ҳақи-

даги тимсоҳлар жамиятининг справкаси йўқ, шундайми?

— Ҳа-ҳа! Худди шундай,— деди Қуён шошиб.

— Оқ қоғозинг борми?— Тулкининг олижаноблиги тутиб кетиб, оқ қоғозга «Қуёнбой осмонга учиш мусобақасида биринчилиқни эгаллаган. Ҳатто у ўрмон миқёсидан чиқиб, денгизда ўтказилган мусобақада ҳам ғолиб чиққан. Бу борада у бургутларни ҳам ортда қолдирган», деб ёзди.

Буни ўқиб кўрган Қуённинг юраги орақасига тортиб кетди.

— Ахир, мендан, қани учиб кўрсатинг-чи, деб сўрашса нима қиламан?— деди.

— Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа-ҳаҳ!— деб кулди Тулкибой.— Сендан учишни эмас, фақат ҳужжатни сўрашяпти. Аммо мен бундай қилмаслигим керак эди. Сен ўзимизники бўлганинг учун... ҳалигидай... қабул қилинганнингдан кейин менга учраш, сенга ҳам озгина илтимосча бор.

МУНДАРИЖА

НАСР ВА НАЗМ

- 6 Нусрат АБДУСАЛОМОВ. Шеърлар.
- 8 Аҳмад АЪЗАМ. Ҳикоя.
- 18 Мақсуд БЕКЖОНОВ. Шеърлар.
- 20 Клара БОЗОРОВА. Шеърлар.
- 22 Олимжон БҮРИЕВ. Шеърлар.
- 24 ИСФАНДИЁР. Ҳикоя.
- 28 Тўра МИРЗО. Шеърлар.
- 30 Мирзобек МИРЗОҚУЛОВ. Шеърлар.
- 33 Абдулхамид МУҲАММАДИЕВ. Шеърлар.
- 36 Сулаймон ОБЛОҚУЛОВ. Ҳикоя.
- 40 Бахтиёр РИЗО. Шеърлар.
- 42 Сирожиддин САИДОВ. Шеърлар.
- 45 Ойгул СУҮОНДИКОВА. Шеърлар.
- 48 Насиба ХУДОЙБЕРДИЕВА. Шеърлар.
- 51 Қурбон ШОНИЁЗОВ. Шеърлар.
- 53 Маҳмуджон ЮНУСАЛИЕВ. Шеърлар.
- 55 Акбар ЮНУСОВ. Ҳикоя.
- 59 Усмон ҚУЧҚОРОВ. Шеърлар.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

- 62 Умида АБДУАЗИМОВА. Шеърлар.
- 64 Мирвосил АЪЗАМОВ. Ҳикоялар.
- 67 Охунжон ОЛИМ. Шеърлар.

ТЕНГДОШЛАРИНГ ЖУРЪАТИ

- 70 Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. Очерк.

МУШОИРА

Мусурмонкул АСҚАРОВ, Марям БОБОҚУЛОВА,
ЗИЁБЕК, Анвар ИМИНОВ, Раҳима ИСОҚОВА,
Нормухаммад КҮЛИЕВ, Тошболта НАҲАЛОВ, Аб-
думурод РАҲМОНОВ, Абдулла РҮЗИЕВ, Муҳам-
маджон ТҲХТАБОЕВ, Машраб УСМОНОВ, Маҳ-
фуза ЭРГАСHEВА, Туроб ЮСУПОВ, Абдурахим
ҚАЮМОВ.

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

84 Евгений ЕВТУШЕНКО. Ш е ъ р л а р.

АДАБИЙ УЙЛАР

88 Иброҳим ҒАФУРОВ. Инсон қалбига йўл.

98 Шухрат ҲИДОЯТОВ. Кино санъатимиз ҳақида
уйлар.

«ЕШЛИК» ТАБАССУМИ

104 Уразбой АБДУРАҲМОНОВ. Ҳ и к о я.

107 Мамасоли САРИМСОҚОВ. Ҳ и к о я.

На узбекском языке

КОЛЛЕКТИВ
АЛЬМАНАХ «ЕШЛИК»

(Стихи, рассказы, произведения для
детей, очерки, новые переводы,
литературные раздумья, юмор).

Издательство «Еш гвардия» —
Ташкент — 1980.

Редакторлар: А. Аъзамов,
М. Мирзаев.
Рассом Э. Валиев.
Расмлар редактори А. Гуломов.
Техн. редактор Г. Аҳмаджонова.
Корректор С. Сайдалимов.

ИБ № 628.

Босмахонага берилди 20.11.1979 й.
Босишга рухсат этилди 31.03.1980 й.
Формати 70×90¹/₁₆. 1-босма қо-
ғозга «Журнальная рубленая» гар-
нитурда юқори босма усулида бо-
силди. Босма листи 7,0. Шартли бос-
ма листи 8,19. Нашр листи 8,57. Тира-
жи 30 000. Р—14222. Шартнома
№ 136—79. Буюртма № 2129. Ваҳо-
си 70 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комите-
ти «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент,
700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмахонаси, Тошкент, «Прав-
да Востока» кўчаси, 26.

70500—34
Ў 356 (04)—80 77—80 47257000